


97(075)  
1-83

# ИСЛОМШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

ҮҚУВ ҚҮЛЛАНМА



17/070  
-83

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

# ИСЛОМШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

ҮҚУВ ҚҰЛЛАНМА

Toshkent islam universiteti  
Axborot-resurs markazi

Inv. № 19607  
20      yil “    ”

“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2012

**УДК:297 (575)**

**КБК:86.38**

**Бекмирзаев И., Аллоқулов А.**

Исломшунослик асослари: (ўқув қўлланма) / масъул муҳаррир  
К. Зоҳидов. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси, 2012. – 120 б.

**КБК 86.38**

Мазкур ўқув қўлланма “Исломшунослик асослари” фанига  
багишланган. Унда илк ислом тарихи, қуръоншунослик, ҳадисшунослик,  
фиқҳ, тасаввуф, калом, диний бағрикенглик ва мутаассиблик ҳамда  
Ўзбекистонда виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар мавзулари  
ёритилган.

Ўқув қўлланма Тошкент ислом университети магистр ва талабаларига  
ўқув жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган.

**Тузувчилар:**

**И. Бекмирзаев – тарих фанлари номзоди**

**А. Аллоқулов – ўқитувчи**

**Масъул муҳаррир:**

**К. Зоҳидов – Тарих фанлари номзоди**

**Тақризчилар:**

**Д. Раҳимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент**

**Ш. Зиёдов – тарих фанлари номзоди**

Уибу ўқув қўлланма Тошкент ислом университети Ўқув-методик  
кенгашининг 2011 йил 20 сентябрдаги ва Илмий кенгашининг 2011 йил 27  
октябрдаги мажлисida нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-390-33-1**

© “Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012

## КИРИШ

Мустақиллик халқимизнинг қадим ўтмишини, ислом дини, урф-одатлар ва тарихий анъаналарини аслидагидек, мағкуравий ақидаларсиз, холисона ўрганишни асосий вазифа этиб қўйди. Ҳозирги кунда ислом дини ва унинг тарихини ўрганишда жуда ноёб бўлган мұхим тарихий манбалар ва асарлар, жумладан, Қуръони карим, Имом Бухорий, Имом Термизийнинг ҳадис тўпламлари, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубро ҳикматлари, Бурҳониддин Марғиноний каби алломаларнинг инсонни етукликка чорловчи диний, маърифий, маданий, фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий асарлари ўзбек тилида чоп этилмоқда. Мустақилликдан кейин ислом дини ва унинг вужудга келиш тарихи, шариат ва унинг соҳалари хусусида кўплаб китоблар, илмий-оммабоп асарлар ва мақолалар яратилмоқда.

Ушбу қўлланма илк ислом тарихи, Қуръон ва ҳадисларнинг жамланиш босқичлари, тасаввуф тариқатлари, ақида, калом, исломдаги фиқҳий ва ақидавий мазҳаблар ҳамда диний бағрикенглик тамойилларига бағишлиланган. Ундан талабалар ўзларига ислом дини ҳақида бошланғич маълумотларни одишлари мумкин.

Ўқув қўлланмани яратишда университет профессор-ўқитувчиларининг муайян мавзуга бағишлиланган монографиялари, ўқув қўлланмаларидан унумли фойдаланилди. Жумладан, профессор А.А.Ҳасанов, Қ.Т.Зоҳидов (1-боб), А.Ф.Абдуллаев (2-боб), Д.Рахимжонов, Д.Муротов (3-боб), С.Оқилов (4-боб), И.Усмонов (6-боб), Ж.Нажмитдинов (7-8 боб)ларнинг дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнларидан фойдаланилди.

Исломшұносолик асослари үқув құлланмасини тайёрлашда талабаларнинг диний дүнёқарашы ва ҳис-туйгуларини ҳисобға олиб, мавзуларни ёритишда атеистик ёки мутаасибона талқиндан қочилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларыда илгари суралған миллий истиқдол гояси ва миллий қадриятларнинг асоси бўлмиш ислом динига нисбатан ҳурмат билан ёндашиш, динларо бағрикенглик ҳақидағи фикр ва кўрсатмалари дастуруламал қилиб олинди.

# **1-БОБ. ИСЛОМНИНГ ИЛК ДАВРИ ТАРИХИ**

## **1.1. Қадимги Арабистондаги динлар**

**Таяниш иборалар:** Арабистон ярим ороли, Каъба, ахборий, жоҳилия, ал-узза, мажус

Арабистон ярим оролининг катта қисмида ислом вужудга келгунга қадар кўп худолилик ҳукм сурарди. Арабларнинг энг қадимги динлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм ва ўтмиш аждодларга сигинишни киритиш мумкин.

Ибн ал-Калбийнинг “Китоб ал-Асном” асарида тилга олинган дастлабки 5 та санамнинг номи (Вадд, Сувоъ, Ёғус, Ёъуқ, Наср) Қуръонда ҳам зикр қилинган (Нуҳ, 22-23). Уларнинг тасвири кўпчиликка маълум эди: Вадд – эркак киши, Сувоъ – аёл киши, Ёғус – шер, Ёъуқ – от ва Наср – бургут қиёфасида ифодаланаради. Қуръонда зикр қилинган энг қадимги санамлар жумласига Манот, Лот ва Узза ҳам киради (Нажм, 19). Жоҳилия арабларининг тасаввурида бу уччала санам ҳам аёл тасвиридаги худолар бўлган. Ибн ал-Калбийнинг айтишича, Манот ҳамма араблар учун муҳтарам ҳисобланган. Геродотнинг маълумот беришича, Лот шимолий арабларнинг бош худоларидан бири бўлган. Тадмур маликаси Зебонинг ўғли Ваҳб ал-Лот (Лот инъоми) деб аталгани шунга ишора. Наботийлар Лотни ўзларининг пойтахти Петранинг “Она судоси” сифатида билганлар.

Курайшийларнинг Каъба ичкарисига ва атрофига қўйилган санамлари орасида энг машҳури Ҳубал эди. У сердолик (қизил ярим қимматбаҳо тош)дан ўнг қўлсиз инсон шаклида ясалган бўлиб, қурайшийлар унга олтин қўл улаганлар. Бу санам олдида 7 камон ўқи турар, одамлар турли масалалар бўйича шу ўқлар ёрдамида фол очардилар.

Арабистон ярим оролида яхудийлик, христианлик, зардүштийлик динларининг тарқалганини кўриш мумкин. Исломдан один яриморолнинг кўп ҳудудларида яхуд жамоалари мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Яхудийлар билан бирга Арабистонга яхудий дини ҳам кириб келди. Ислом вуждуга келган пайтда шимолий Арабистондаги кўзга кўринган савдо марказлари – Ясриб, Хайбар, Дедан, Тайма, Фадак, Думат ал-Жандал, Табук, Эйлат, Води ал-қура аҳолисининг катта қисмини яхудий жамоалари ташкил қилган.

Яхудий дини каби христиан дини ҳам Арабистонга ташқаридан кириб келди. Яхудийлар ўзларини “худо ёрлақаган ҳалқ” деб ҳисоблаб, кўпроқ маъдлий аҳолидан ҳоли яшаган бўлсалар, христианлар, аксинча бошقا ерлардаги сингари қадимги Арабистонда ҳам кенг мубашширлик (христиан динини тарқатиш) ишларни олиб бордилар. Куръон ва ислом арафасидаги жоҳилия шеъриятида христианлар “носоро” (насронийлар) деб аталган. Бу сўз “назарет” номидан олинган бўлиб, Исо Масиҳнинг келиб чиқиш жойига ишора қиласди. Одатда, мубашширлар тиб ва мантиқ илмидан хабардор, кишилар қалбига қўл солишга уста бўлганлиги учун кўпгина қабила бошлиқларига таъсир қилганлар, уларнинг христиан динини қабул қилишига ёки бу ишда уларнинг мададига эришгандар. Черков тарихида мубашширларнинг мўжизакор ишлари ҳақида ривоятлар кўп. Улар қийинчиликларга қарамай, бадавийлар билан бирга яшаб, бирга кўчиб юраверардилар. Бундайлар “чодир роҳиблари” деб аталган.

“Сийра” китобларида дастлаб христиан, сўнг исломни қабул қилган қулларнинг исмлари учрайди. Масалан: Сафвон ибн Умайянинг қули Настас (Анастас), Суҳайбнинг қули Юҳанно ва бошқалар. Айтишларича, Суҳайбнинг ўзи ҳам асли византийлик бўлган. Христиан дини Макка ваトイф шаҳарларига Лахмийлар подшолигининг пойтахти Ҳира

орқали келган. Ҳира маҳаллий аҳолисининг кўпчилиги V-VI асрларда христиан динида эди.

Биринчи навбатда Византия ва Эрон империялари чегараларига яқин ерларда истиқомат қилган араб қабилаларига христиан динининг таъсири кучли бўлди. Ахборийлар бундай қабилаларни “ал-араб ал-мутанассара” (христианлашган араблар) деб атаганлар; ғассон, лахм, тағлиб, айод, таннух, бакр, тайй, тамим шулар жумласидандир.

Арабистонга кириб келган “ташқи” динлардан яна бири – мажусийлик (зардуштийлик)дир. Зардуштийлик қоҳинлари муг деб аталган, буни юнонлар ва руслар маг – маги, араблар эса ал-мажус шаклида қабул қилганлар.

ал-Мажус жамоаси Қуръонда мустақил дин сифатида зикр қилинишига қараганда (Ҳаж, 17) жоҳилия арабларида бу ҳақда аниқ тушунча бўлган. Ҳира ва у орқали Эронга савдо ишлари билан борган араб савдогарлари албатта, “мажусийлар” билан мулоқотда бўлардилар. Баъзи даврларда Сосонийлар империяси таркибига кирганилиги ва Эронга географик жиҳатдан яқин бўлганлиги туфайли Баҳрайнда мажусийлар нисбатан кўп бўлган. Археологлар уларга тегишли қабрларни топганлар. Мусулмон аскари Баҳрайнга келганда Сибхат Марзбон деган киши бошлиқ мажусийларнинг бир қисми исломга кирган, бошқалари эса жизъя тўлаш эвазига ўз эътиқодларида қолганлар.

## 1.2. Макка тарихи ва илк Пайғамбарлик даври

*Таянч иборалар: Макка, сийра, шаққи садр, фил иили, Абраҳа, ар-рибо, Қурайш*

Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча йирик шаҳарларини ўз ичига олган қисми қадимдан Ҳижоз деб аталган. Милоднинг VI асрига келиб Арабистон ярим оролининг жануби ва шимолида ҳукм суриб келган давлатлар қулагач, мазкур карvon йўлининг

марказида жойлашган Макка шаҳри Арабистон шаҳарлари ичида энг йириги ва аҳамиятлиси бўлиб қолди.

Антик давр ёзувчиси Птолемейнинг “География”асарида бу шаҳарнинг исми “Макораба” деб берилган. Маккада Қурайш қабиласи ҳукмронликка эришмасдан один, у ерда Ҳузоа қабиласи яшаган.

Макканинг тинч-осойишта ҳаётида бир воқеа юз бердики, у аҳолининг хотирасида ўчмас из қолдирди. У ҳам бўлса, Жанубий Арабистонни эгаллаб турган ҳабашларнинг Маккага қарши юришидир. Бу ҳақда Қуръонинг “ал-Фил” сурасида зикр қилинган, воқеа содир бўлган йил эса араб адабиётида “ом ал-фил”, яъни “фил йили” деган номни олди.

VII асрнинг бошларигача Макка зодагонлари ўз фаолиятларини асосан шаҳардаги уруғларнинг бирлигини сақлаш, қўшни бадавий қабилалар билан дўстона муносабатда бўлиш ва ниҳоят, Византия ва Эрон можаросида бетарафлик мавқенини эгаллаган ҳолда Макка шаҳри ва унинг савдоси хавфсизлигини таъминлашга қаратдилар. Зеро, Макка бойлигининг асосини савдо-сотиқ ташкил қиласиди.

Макка савдогарлари Арабистон жанубига Ҳиндистондан келтирилган олтин, қалай, қимматбаҳо тошлар, фил суяги, сандал ёғочи, зираворлар, ипак, бўз, пурпур матолар, жез, мис, кумуш идишларни, Шарқий Африкадан келтирилган хушбўй ва муаттар буюмлар, түяқуш пати, қора дарахт ёғочи (абнус), тери ва қулларни, Яман молларидан фимиам, ладан, атир, қимматбаҳо тошлар, Соқотра оролидан алоэ ва шакарқамиш, Баҳрайндан лаъл сингари молларни бошқа жойларга элтардилар. Шимолдан улар буғдой, ун, ёғ, вино ва Финикия ҳунармандларининг маҳсулотларини келтирадилар. Ниҳоят Арабистоннинг ўзидан ёғ, хурмо, жун, момик, тери каби маҳсулотлар билан савдо қилинарди. Макка ана шу молларнинг ҳаммасини тушириш ва бошқа ерларга юбориладиган пунктига айланганди. Маккада Шом (Сурия), Византия ва Эрон савдогарлари узоқ муддат истиқомат қиласиди.

ва Макка зодагонлари билан яқин муносабатда бўлардилар. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Макка хатто ўзига хос банк марказига айланиб, савдогарлар узоқларга юборилган молларнинг ҳаққини шу ернинг ўзида олишлари мумкин бўлган. Шунингдек, юк тушириш ва ортиш ишлари, молмulkни сугурта қилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган.

Савдо билан бир қаторда Маккада судхўрлик (*ар-Рибо*) авж олиб кетди. Катта даромад келтирувчи мавсумий Макка карвоnlарида қатнашиб истаги аҳолининг ўртаҳол ва бечораҳол табақаларини судхўрларга мурожаат қилишга мажбур қиласарди. Бой тижоратчилар савдо билан бир вақтда судхўрлик билан ҳам шуғулланардилар.

Арабистон ярим оролининг бошқа ерлари каби Макка аҳолисининг ижтимоий таркиби ҳам уруг-қабилачиликка асосланганди. Эрамизнинг V асридан бошлаб бу ерда яшаган асосий қабила-қурайш қабиласи эди. Макка аҳолиси учта катта ижтимоий тоифага бўлинарди: 1) асл қурайшийлар (*сураҳо*); 2) турли ерлардан келгандар (*мавали*); 3) қуллар (*абид*). Асл қурайшийлар ўз навбатида, икки қисмга ажralгандилар: Каъба атрофида яшайдиган уруғлар (*қурайш ал-битаҳ*) ва шаҳар атрофида яшайдиган уруғлар (*қурайш аз-завоҳир*). Қурайш ал-битаҳ аҳолининг энг бой ва шаҳар идорасида асосий ролни ўйнайдиган қисмини ташкил қиласар, қурайш аз-завоҳир эса камбагал, ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечиравчи оммадан иборат эди. Макканинг ўзига хос мавқеи туфайли қурайш қабиласи бошқа қабилаларга нисбатан устун турарди.

Ҳар йили ҳаж вақтида кўплаб бошқа қабила аъзолари Маккада қолиб кетар, улар қурайш қабиласининг у ёки бу уруғи ҳимоясига ўтардилар. Бундай кишилар мавла (*мавали*) деб аталардилар. Мавалининг мақоми ҳилф (*иттифоқ*) ёки живор (*қўшничилик*) асосида ҳужжатланарди. Мавали ҳам Макканинг эркин кишилари ҳисобланиб, улар савдо ёки бошқа хоҳлаган машғулот билан банд бўлиши мумкин эди. Баъзи мавали катта бойлик ва эътибор қозонганликлари

маълум. Макка-Мадина урушлари (622-630) пайтида ўлган ва ярадор бўлғанларнинг рўйхатига қараганда шаҳар аҳолисининг нисбатида мавали деярли асл қурайшийлар сони билан баравар бўлган. Макка аҳолисининг тахминан 4/5 қисми асл қурайшийлар ва мавалидан иборат бўлса, қолган 1/5 қисмини қуллар ташкил қиласди. Маккада икки тоифадаги қулларни – Африкадан келган қора танлиларни ҳамда Шом ва Месопотамияда қул бозорларидан сотиб олинган оқ-сариқ танлиларни учратиш мумкин эди. Макка зодагонлари қуллар меҳнатидан хўжаликнинг деярли ҳамма соҳаси – савдо, дәжқончилик, ҳунармандчilik ва уй-рўзгор ишларида фойдаланганлар.

Одатда у ёки бу самовий диннинг пайдо бўлиши масаласида сўз юритилганда икки хил – кенг ва тор маънода ёндашилади. Масалан, христиан дини генезисини кенг миқёсда тадқиқ қилишда милод бошида Фаластинда ва умуман Рим империясида кечган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний жараёнларни чуқур таҳдил қилиш лозим. Тор маънода эса христиан динининг асосчиси Исо Масиҳнинг ҳаёти ва фаолиятини тиклаш талаб қилинади. Айтиш жоизки, иккала маънода ҳам маълумотлар етарли эмас, борлари мавҳум, бирбирига зид.

Ислом дини масаласида аҳвол батамом бошқача, яъни икки хил ёндашув учун ҳам аниқ ва етарли маълумотлар мавжуд. Балки машҳур француз адиби Эрнест Ренан “ислом тарихнинг ёрқин саҳифаларида вужудга келган” деганда шуни кўзда тутгандир. Ислом таълимоти асосчиси Мұҳаммад (с.а.в) нинг ҳаёт йўлини Куръон, ҳадис, ўрта аср тарихий адабиёти асосида тўлиқ тасаввур қилиш мумкин. Ибн Ҳишомнинг “Сийра”си, ат-Табарийнинг “Тарих”и, Ибн Саъднинг “Табоқот”и каби асл манбалардан ташқари жуда кўп миқдорда ҳозирги замон шаклидаги биографик асарлар мавжуд.

Аввало Мұҳаммад (с.а.в) ҳар бир инсон бошидан кечириши лозим бўлган такомул босқичларини босиб ўтди. У

570 йилда унча бой бўлмаган, аммо Макканинг машҳур уруғига мансуб оиласда туғиади. Отаси Абдуллоҳ ёзги Шом сафари пайтида фарзандини кўрмай, онаси эса б йил кейин оламдан ўтди. Ёш Мұхаммад икки йил Макканинг йирик арбобларидан ҳисобланган бобоси Абдулмутталиб тарбиясида бўлди. Бобоси вафотидан сўнг 8 ёшидан унга амакиси Абу Толиб ҳомийлик қилди. Ўша давр таомилига кўра бундай ҳомийлик юридик статус (мақом)га эга бўлиб, зарур пайтда у бутун ҳошимийлар хонадонининг ҳимоясини таъминларди. Пайғамбар (с.а.в) пода боқиш билан жуда эрта меҳнат фаолиятини бошлади. Бу камтаринликка ва ҳар қандай меҳнатни қадрлашга ўргатди. Ўспиринлик йилларида “Фижор” урушида амакилари билан бир сафда қатнашиб, тегишли ҳарбий кўникмага эга бўлди. Сўнг қариндошчилик, қабилачиликдан қатъи назар мазлумнинг тарафини олишга қаратилган “Фудул иттифоқи”га аъзо бўлиб сиёсий тажриба орттириди. Хадича онанинг моли билан Шом сафарига бориши ва у билан турмуш қуриши катта рўзгорни бошқариш маҳоратини берди. Шу пайтдан бошлаб Макканинг кўзга кўринган кишисига айланди ва ваъдага вафодорлиги ва содиқлиги туфайли ҳамма уни Мұхаммад ал-Амин деб атай бошлади. 35 ёшида Макка раҳбарлари Каъбани қайта қуриш пайтида чиқсан низони ҳикмат билан ҳал қилгани унинг обрўсини оширди.

Исломга даъват араблар учун батамом янги, уларга авваллари номаълум бўлган ёки улар ишонмайдиган баъзи тушунчаларни олиб келди. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими – “ваҳдоният” - якка худоликнинг янгича талқини, иккинчиси – охират, қиёмат куни ҳисоб бериш ва у билан боғлиқ нарсалар, ниҳоят, учинчиси – Пайғамбар (с.а.в)га Аллоҳдан ваҳий бўлиб тушган китобдир.

Ушбу янги тушунчаларни киритиш билан баробар батамом янгича ахлоқ тарбиячиси сифатида майдонга чиқди. У қадимги разил одатларни рад этиб, кейинчалик ислом ахлоқи ёки Пайғамбар суннати номини олган маслакни тарғиб қилди.

Унинг даъвати жоҳилия араблари учун шунчалик бегона эдики, ҳатто улар, Куръон таъбири билан айтганда, “олдин ўтган боболаримиздан буларни эшитмагандик”, “бу ҳақда бошқа миллатда (динда) ҳам эшитмагандик”, дердилар. Демак, булар умуман араб жамияти учун ҳам, араблар орасидаги бошқа миллат (дин) вакиллари (яҳудийлар, христианлар) учун ҳам янгилик эди.

Пайғамбар (с.а.в) деярли уч йил махфий равишда даъват билан шуғулланди. Биринчи даъватлар фақат энг яқин қариндошларга қаратилди (аш-Шуаро, 214). Сабаби - уругчилик үдумига кўра қариндош уни ҳимоя қилишлари мумкин эди. Шундан сўнг унга бутун Макка ва унинг атрофидагиларга мурожаат этиш буюрилди (аш-Шўро, 7). Макка деганда асосан қурайш қабиласи кўзда тутилса, атрофи эса Қурайш билан иттифоқдош қабилаларни ўз ичига оларди. Демак, мантиқан дастлаб уруғ билан яқдиллик, сўнг қабила садоқати (асабия) Мұҳаммад (с.а.в)га муваффақият келтириши лозим эди. Аммо ундан бўлмади, чунки бошқа турдаги асабия голиб келди. У ҳам бўлса, қадимги одатларга содиклик ҳисси. Куръонда айтилишича, “агар улар бир ножӯй иш қилиб қўйсалар, оталаримиз шундай қилган ва Аллоҳнинг бизга амри бу, дердилар” (ал-Аъроф, 28). Айнан мана шу ҳиссиёт дастлабки даврларда кўпчиликнинг унга эргашишига йўл бермади. Ҳатто ҳошимийлар хонадони ҳам уругчилик одатига кўра Пайғамбар (с.а.в) тарафида бўлгани, уни ҳимоя қилганига қарамай, ёспасига исломга кирмади.

Яна бир муҳим нарсани эътиборга олиш керакки, Макка зодагонларининг бутун фикри-зикри ҳалқаро савдодан катта даромад олиш билан банд эди. Бу бойлиknинг заминида эса, бутпарастликка асосланган диний маросимлар ётарди. Ислом таълимоти бутпарастликни таг-томири билан йўқ қилишга қаратилганди. Тўғри, дастлаб Макка зодагонлари Мұҳаммад (с.а.в) таълимотига керакли эътибор бермадилар: унга ҳаж мавсуми пайтларида васанияга қарши фаолият олиб борган,

шовқин суронли, адабий, шеърий ва шунга ўжшаган бошқа турли ҳаракатларга қарагандай муносабатда бўлдилар. Аммо тез орада сезилдики, иш улар ўйлагандан хатарлироқ тус ола бошлиди. Мұхаммад (с.а.в) га эргашаётган, уни Пайғамбар – Расул деб эътироф этаётганлар ва шу йўлда даъват қилаётганлар сони кундан-кунга ортиб борди. Пайғамбар (с.а.в) турли уруг вакилларидан бир қанчасини ўз атрофида тўплашга эришди. Қурайш зодагонлари дастлаб ҳошимийлар хонадонининг бошлиғи Абу Толибдан Мұхаммад (с.а.в) отабоболар эътиқод қилиб келган худоларни ҳақорат қилиш, қабилани ичдан қўпоришни зудлик билан тўхтатсин, деб талаб қилдилар. Абу Толиб бу ҳақда Мұхаммад (с.а.в) га айтганда, у: “Агар бир тарафимга Қуёшни, иккинчи тарафимга Ойни ҳўйиб, бу ишни ташлашни сўрасалар, ўлсам ҳам кўнмайман”, - деб жавоб қилди.

Шундан сўнг қурайш зодагонлари Мұхаммад (с.а.в) га қарши турли усувлар билан курашни авж олдириди. Уни сеҳргар, мажнун, ёлғончи деб эълон қилдилар. Унга эргашганларга азоб бердилар. Мұхаммад (с.а.в) саҳобалардан бир гурухини Ҳабашистонга жўнатишга мажбур бўлди, зеро ҳалқаро савдо йўллари устидан ҳукмронлик учун курашда Макканинг рақиби бўлган Ҳабашистон мудожирларни яхши қабул қилишига ишонч бор эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Айни шу пайтда Маккада кўзга кўринган икки шахс исломга кирди: Пайғамбарнинг суюкли амакиси Ҳамза ибн Абдулмутталиб ва Умар ибн ал-Хаттоб. Қурайш қисқа муддат мусулмонларга тазиикини сусайтиришга мажбур бўлди.

Аммо тез орада мушрикларнинг адовати янада ашаддийлашди. Шаҳар бошлиқлари қаттиқ чора кўришга қарор қилдилар: улар Мұхаммад (с.а.в) ва унинг тарафдорлари билан алоқаларни батамом узиш ҳақида келишиб олдилар. Шундан сўнг мусулмонлар шаҳарнинг жануби-шарқий чеккасидағи “шааъб Абу Толиб” деб номланган жойга бадарға қилиндилар. Сургун деярли 3 йил давом этди. Қурайшни

кескин қораловчи Куръон ояллари айнан шу йиллари нозил бўлган (ал-Анбиё, 98-100; ал-Хумаза, 1-9; ал-Қалам, 10-15; ал-Фурқон, 27-29; ад-Духхон, 43-48). Пировардида тадбир мушриклар учун муваффақиятсиз тугади.

Аввал 621 ва 622 йиллардаги ҳаж мавсумида Ясрибдан ҳажга келган мусулмонлари жамоаси тунда яширинча Мұхаммад (с.а.в) билан учрашдилар. Иккала томон яна бир бор аҳди-паймон қилдилар. Ақаба қасамёди номини олган бу тадбирдан сўнг Пайғамбар Ясриб аҳлининг аъзоси сифатида тан олинди. Ҳозирги замон ибораси билан айтганда – бу Макка шаҳар-давлати фуқаролигидан Ясриб шаҳар-давлати фуқаролигига ўтиш деган тушунча эди. Иккинчи Ақаба учрашувидан сўнг Макка мусулмонлари якка ҳолда ёки жамоа-жамоа бўлиб Ясрибга кўча бошладилар.

Айни шу кунларда Қуръоннинг ҳижрат хусусидаги ояллари (Тавба, 40; ан-Нисо, 97) нозил бўлган. Демак, ҳижрат ислом динининг суннатларидан бири деган таърифни олди. Пайғамбар (с.а.в.) эса уни то 8/630 йил, яъни Макка фатҳ қилингунга қадар Ясриб шаҳар-давлатининг қонуний фуқаролик ҳуқуқига айлантирди. Ҳижрат ислом тарихида батамом янги – Маккадан кескин фарқ қилган Мадина даврини бошлаб берди.

### **1.3. Мадинага ҳижрат ва илк теократик давлатнинг пайдо бўлиши**

**Таянч иборалар:** Мадина, Пайғамбар, ҳижрат, сахифа, Қурайза, Қайнуқо, Назир, Авс, Хазраж, ҳудайбия

Пайғамбар (с.а.в) билан бирга уй-жойларини ташлаб Ясрибга кўчиб ўтганларнинг сони унчалик катта бўлмасада (тажминан 100 оила), бу воқеа Ҳижознинг икки йирик шаҳарига бирдек таъсир кўрсатди. Жумладан, Маккада бир қанча хонадон ҳувиллаб қолган, қариндош-уругларнинг бир қисми Маккада, бошқа қисми Ясрибда бўлгач, улар ўртасидаги ришталар деярли узилганди. Бундай ҳолатнинг

юзага келишида маккаликлар, албатта Мұҳаммад (с.а.в)ни айбдор деб ҳисоблардилар. Аммо күчіб келгандарга ҳам осон бўлмади: улар бир томондан ғариблиқ азоби, иккинчи томондан Ясирибнинг нам иқдимидан қийналдилар. Бунинг устига бор мол-мулкидан ажралган муҳожирлар дастлабки даврларда оғир иқтисодий муаммога ҳам дуч келдилар – улар бир амаллаб тирикчилик юритиш, қандай бўлмасин жон сақлаб қолиш ҳақида ўйлашлари керак эди. Лекин ана шу кичик бир жамоа Ясирибда жуда катта, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган йирик муваффақиятга эришди.

Қанчалик ажабланарли тувларини, биринчи сабабчи яҳудийлар бўлди. Юқорида зикр этилганидек, иброҳимий динида бўлган ва аҳли китоб деб эътироф этилган Ясириб яҳудийлари власания, яъни кўп худоликда бўлган араблардан ўзларини юқори қўяр, ақидаларига кўра, яқин келажақда янги набий-пайғамбар келажаги, бутпарастликка барҳам беражаги ҳақида кўп сўз юритардилар. Шу боисдан Ясирибга ҳақиқий Пайғамбар (с.а.в) келиб, исломга даъват қила бошлаганида шаҳардаги араб қабилалари фурсатни қўлдан бермаслик учун уни зудлик билан қабул қилдилар. Шаҳарда устунликни сақлаб қолиш учун ҳам арабларга бу керак эди. Яна шуни унумаслик керакки, ҳижрат арафасида Аус ва Хазраж ўргасида юз берган “Буос” жангидаги иккала қабиланинг биринчи раҳнамолари ҳалок бўлган ва улардан кейин қолган иккинчи даражадаги раҳбарлар муросага мойил эдилар.

Пайғамбар (с.а.в) Ясирибда Маккадагидан тубдан фарқ қилган, батамом янги жамият барпо эта бошлади: унинг раҳбарлигидаги мусулмон уммасига уруғ-қабиласи ва миллатидан қатъи назар ҳар қандай киши кириши мумкин эди. Энди унинг фаолияти фақат диний тус билан чегараланмай, балки у кўпроқ сиёсий жиҳат касб қила бошлади. Бошқача айтганда, Мұҳаммад (с.а.в) ҳам диний, ҳам сиёсий раҳбарга айланди. Маккада Пайғамбар (с.а.в) асосан янги динга даъват қилиш, мусулмонларни сабр-қаноатга чақириш билан

чекланган бўлса, унинг номини олган Мадинада (мадинат ан-Набий - Пайғамбар шаҳри) унинг елкасига мураккаб давлат бошқарувини ташкил этиш вазифаси тушди. Мұхаммад (с.а.в) буни биринчى лаҳзадаёқ, балки ҳатто ҳижратдан аввалроқ англаган эди. Ибн Ҳишомнинг ёзишича, ҳаж мавсуми пайтида Мakkада Мұхаммад (с.а.в) билан учрашган бир ҳазражий ўз қабиласининг аҳволини таърифлаб, шундай деган экан: “Агар Аллоҳ ularни исломда бирлаштирса, сендан азиз ва мұътабар одам бўлмас эди”.

Шаҳарда истиқомат қилаётган адолининг уч тоифаси - мудожирлар, ансорлар ва яҳудийлар ўзаро тинч яшashi учун олдин тажрибада кўрилмаган қонуний асос ёки томонлараро шартнома керак эди. Мұхаммад пайғамбар бундай шартномани тайёрлади ва у “ас-Саҳифа” номини олди. “ас-Саҳифа”га кўра мудожирлар биринчи тараф, ансорлар иккинчи тараф, яҳудийлар эса учинчи тараф деб эътироф этилди. Ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у биринчи ислом давлатининг шаклу-шамоилини тасаввур қилиш ҳамда ўша даврда юз берган воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритишга имкон беради. Бир қараганда янги дин асосида қурилган кичик бир жамоа қадимдан қон-қардошлиқ асосида иш кўриб келган бутун бир жамиятни ютиб юборгандек туюлди. Аслида ундей эмас, балки қадимги уруғ, қабила каби этник гуруҳлар ўз ҳуқуқ ва вожиботларини сақлаган ҳолда, қонун томонидан эътироф этилган юридик шахс сифатида йирикроқ жамоага бирлашгандилар.

Манбаларда аҳднома матни сақланиб қолган бўлиб, унинг асосий гоялари шулардан иборат: Мазкур гуруҳлар бир жамоадан иборат бўлиб, улар бир куч сифатида жангга кирап, асир тушганларни товон тўлаб, қайтариб олиш билан боғлиқ харажатларни ҳам ўртада хал қиласди. Улар ўз ораларида ҳеч кимни қаровсиз қолдирмайдилар, мұъминлар бир-бирларига қарам бўлган хизматчилар билан унинг эгаси розилигисиз аҳднома тузмайди. Мұъминлар бир бўлиб, ҳар бир қонунбузар ва жиноятчига қарши чиқади, ҳатто

жиноят қилган одам улардан бирининг қариндоши бўлса ҳам, унинг тарафини олмайди. Барча муъминларнинг ҳимоячиси Аллоҳдир, муъминлар эса бир-бирларига ҳимоячиdir. Ҳамма муъминлар жанг тўхтагач, душман билан тинчлик сулҳини бирга тузади. Биргаликда юришга чиқсан қуролли гуруҳлар навбатма-навбат жангга кирадилар. Муъминлар ўлдирилган шахс учун бир-бирларидан товон ёки қасос олиш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин қасос учун қон тўқмасдан, унинг ўрнига товон олиш маъқулроқдир. Ҳамма гуруҳлар ислом душманлари бўлган қурайшийларга қарши курашади, ҳеч ким уларнинг на молини ва на жонини ҳимоя қилмаслиги керак. Бу аҳномани бузган шахс Аллоҳнинг қаҳрига учрайди, унинг тавбаси қабул қилинмайди. Аҳномада тилга олинган масалалар бўйича иҳтилоф пайдо бўлса, улар буни ҳал қилиш учун Аллоҳга ва Мұхаммад пайғамбарга мурожаат қилишлари керак.

Таъкидлаш лозимки, шартнома имзоланаётган вақтда Пайғамбар (с.а.в) мусулмон ва яҳудийларни гарчи ҳар ҳил динга эътиқод қиласа ҳам бир жамоага мансуб диндорлар деб ҳисоблаган. Чунки, уларни Мусо пайғамбарга берилган аҳдга эътиқод қилишларига ишонар эди. Шартнома мазкур қоида аслийлигини исботлайди. Чунки кейинги секталашувчиларни ҳеч бирининг хаёлига яҳудийлар ва мусулмонларни бир жамоага киритиш тўғрисида фикр келмаган бўлар эди.

Мұхаммад (с.а.в) томонидан тузилган мазкур шартнома Мадинадаги турли динларга эътиқод қилувчи қабилаларни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қилди. Шунингдек, ислом динини қабул қилган қабила ва уругларнинг миллати ва ирқидан қатъий назар бир жамоа (умма)га бирлашиши Пайғамбар (с.а.в) олдида катта имкониятлар очди. Мазкур жамоа аъзолари ўртасидаги диний биродарлик эскидан мавжуд бўлган қондошлиқ алоқаларидан устун бўлди. Бу ўзаро ҳамкорлик ва кафолат принципларини таъминлади. Жамоа диний-сиёсий характерга ага бўлиб, ҳар бир таҳснинг жамоа олдида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд эди. Яҳудийлар

TOSMEN MUSLIM UNIVERSITETI  
Axborot-resurs mat'kosi

Inv. № 19607<sup>17</sup>

20 v. 11 " "

жамоаси умумий манфаатларда мусулмонлар билан төнг бўлиб, ҳуқуқлар кафотланган эди.

Бу шартномалар пухта ўйланган, сиёсий арбоб томонидан яратилган ҳужжатдир. У янги жамоанинг тузилишига эҳтиёткорлик билан билан ёндошли: алоҳида қабилаларнинг аввалги алоҳа ва мажбуриятлари сақлаб қолинди, маҳаллий йўлбошчиларнинг обрўси камситилмади. Қабилаларда юзага келган келишмовчиликларни фақат Пайғамбар (с.а.в) ҳал қилиш ҳуқуқига эга эди. Шу билан бирга сиёсий бирдамликнинг тамомила янги асослари вужудга келди: ташқи душманга бирдамлик билан курашиш ва жамоанинг барча аъзоларини ҳимоя қилиш; жиноятчининг фақат ўзи жавобгарлиги; бу уни қабила ҳимоясидан маҳрум қилиб, воҳадаги вазиятни узоқ вақт кескинлаштириб келган қабилалар ўртасидаги урушларга чек қўяр эди.

Муҳаммад (с.а.в)нинг Мадина аҳолиси билан тузган шартномаси “Мадина конституцияси” – вазифасини ўтай бошлади.

Пайғамбар (с.а.в) қурайшнинг араблар орасидаги алоҳида ҳолатини жуда яхши билар, у билан иттифоқ ислом учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини доим ёдда тутар эди. Хуллас, у Қурайш билан урушишга эмас, балки сулҳга интиларди. Айни вақтда у янги давлатнинг кучини намойиш этиш, ўз еридан бирорта тожир ёки босқинчи ўтишига асло руҳсат берилмаслигини исботлаш тадбирларини кўрди.

Шубҳасиз, сарийялар Макка савдоси учун очиқдан-очиқ таҳдид солди. Аммо улар олдига карвонларга ҳужум қилиб, молларни мусодара қилиш вазифаси қўйилган эмасди. Бир марта Пайғамбар (с.а.в) томонидан Макка ва Тоиф орасидаги Нахла деган жойга қурайш ҳолидан хабар олиш учун юборилган сарийя вакиллари ўзларича иш тутиб, қурайшнинг кичик бир карвонига ҳужум қилиб, бир кишини ўлдириб, икки кишини асир олганларида Пайғамбар уларни койиди. Нафақат сарийялар, балки кейинчалик юз берган катта тўқнашувларда

ҳам Пайғамбар ҳеч қачон ҳужумкор мавқени эгалламаган. Бу нарса Бадр, Ухуд, Хандақ жанглари ҳамда Макка шаҳрининг олинишида яққол намоён бўлди.

Мадинанинг маълум маънода иккита заиф жойи бор эди. Биринчиси, бу - шаҳарда кўпсонли яҳуд жамоаларининг мавжудлиги эди. Яҳудлар дастлаб Пайғамбар (с.а.в)дан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб кўрдилар. Пайғамбар (с.а.в) ҳам, ўз навбатида, вазиятни тўғри идрок этган ҳолда улар билан яхши муносабатда бўлди. Бунинг ёрқин далили – “ас-Саҳифа”да яҳудларниң ҳуқуқ ва вожиботлари аниқ кўрсатилганидир. Аммо тез орада манфаатлар ўзаро муштарак эмас, балки зид экани аён бўлди. Яҳудларга хуш келмаган яна бир нарса – Пайғамбар (с.а.в) туфайли Ясрибда арабларнинг мавқеи янада кучайганди. Бунинг устига қурайш ва бошқа араб қабилаларидан исломни қабул қилиб, сўнг Мадинага ҳижрат қилувчилар (муҳожирлар) сони кун сайин ортиб борар, бу эса ўз навбатида кучлар нисбатини узил-кесил араблар фойдасига ҳал қиласарди.

Мадинанинг иккинчи заиф жойи - Хазраж қабиласининг раҳбарларидан бири Абдулло бин Убай ибн Саллул бошлиқ бўлган мунофиқдар тоифасининг мавжудлиги эди. Гап шундаки, Буос жангидан сўнг Аус ва Хазраж қабилалари ўзаро муросага келабошлаган, зикр этилган Абдулло бин Убайнин шаҳарга ҳоким этиб сайлаш тарафдуди кетаётган пайтда мусулмонларнинг ҳижраси юз берганди. Табиийки, шундан сўнг шаҳардаги вазият батамом ўзгарди. Абдулло эса ўзига хос “мунофиқлар партияси”ни тузиб, исломга қарши зимдан иш олиб борди. “Мунофиқлар”ни шаҳардан бадарга қилиб бўлмасди, чунки уларда уругчилик-қабилачилик кайфияти кучли эди. Умар ибн ал-Хаттоб бани Мустаълиқ жангига фитна уюштиргани учун Абдулло бин Убайнинг қатл қилинишини талаб қилганда, Пайғамбар (с.а.в) бунга “Душманлар, мусулмонлар бир-бирларини қатл қиляптилар, дея жар солишади”, деб рухсат бермади. “Мунофиқлар”

орасида ўз шаҳри учун фидоий кишилар ҳам кам эмасди. Пайғамбар (с.а.в) шундай кучлардан оқилона фойдаланди. Бу сиёsat пировардида шундай натижа бердики, Абдулло бин Убайнинг ўғли агар Пайғамбар (с.а.в) амр қилса, ўз отасини қатл этишга тайёр эканини эълон қилди. Яхуд қабилалари шаҳардан бирин-кетин бадарга қилингач, “муноғиқдар”нинг таъсири ҳам аста-секин сусайди.

Бадр жанги – Мұҳаммад (с.а.в) раҳбарлигига мусулмонларнинг Бадр қудуғи яқинида (Мадинадан 150 км жанубий гарбда) Макка қўшинлари билан қилган биринчи йирик жанги (624 й.). Маккадан Фаластин ва Сурия ерларига олиб борадиган йирик карvon йўли Мадина яқинидан ўтар эди. Бу йўл Макка ҳокимлари ва савдогарлари учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Мусулмонлар бу йўлдаги Макка карvonларини босиб олишга, Макка зодагонлари эса карvonларни ҳимоя қилишга уринган. Бадр қудуғи ёнида мадиналиклар маккаликларнинг савдо карvonига ҳужум қилган. Манбаларда кўрсатилишича, жангда мусулмонлар томонидан 80 мудожир, 230 ансор, маккаликлар томонидан Абу Жаҳл раҳбарлигига 850 киши иштирок этган маккаликлар енгилиб, катта талафот кўради. Маккаликларнинг 50 дан ортиғи ҳалок бўлди, яна шунчasi асир олинди. Улар ўз йўлбошчиси Абу Жаҳлдан ҳам жудо бўлишади. Мусулмонлардан фақат 14 киши ҳалок бўлди. Кучлар нисбати кам бўлишига қарамай мусулмонлар қозонган галаба Мұҳаммад (с.а.в) нинг сиёсий ва диний обрўсини ошириб юборди, Мадина ва бутун Арабистон ярим оролида фаол ҳаракат бошлаб юборишга асос бўлди. Жангда катта ўлжа, жумладан 30 та от, 150 туя, кўп қурол-анжомлар қўлга киритилди. Мұҳаммад (с.а.в) бу ўлжаларни жанг иштирокчиларига тақсимлаб, унинг бешдан бир қисмини ўзи олган. Ислом анъанасида ўлжа тақсимлашда унинг бешдан бир қисми халифалар хазинасига тушиши, пиёда аскарга бир ҳисса,

отлиқ аскарга икки ҳисса берилиши ана шундан бошланган. Кейинчалик бу шариатда қонунаштирилган.

Бадр воқеасидан сүнг Макка зодагонлари кескин чора күришга қарор қылдилар. Улар Мадинага нисбатан адоватда бўлган араб қабилалари билан алоқа ўрнатиб, ўзларига иттифоқдош бўлган “аҳобиш”ни оёққа турғаздилар. Бу сафар Бадр жангидан бир йўла отаси, акаси ва амакисидан айрилган Абу Суфённинг хотини Ҳинд ва бошқа Макка аёллари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Натижада 3000 туж, 200 отга эга бўлган 3000 кишилик аскар тўпланди. Жангчилардан 700 киши совут кийганди. Ана шу қўшин Мадинага яқинлашиб, 625 йил 21 март куни Уҳуд тоги ёнбағрида ўрнашди.

Мұхаммад (с.а.в) бу мураккаб аҳволдан чиқиш чорасини топиш учун маслаҳат кенгашини чақирди. Ибн Убайй аждодлар тажрибасидан келиб чиқиб, барчани марказий қўргонда тўплаш, аёл ва ёш болаларни шаҳар девори устидаги истеҳкомларда жойлаштириш ва душман билан тор кўчаларда тўқнашишни таклиф этди. Аммо қизиққон ёшлар шаҳар ташқарисида, очиқ жойда жанг ҳилишни талаб қылдилар. Шундан сүнг 1000 кишилик мусулмон аскари кечқурун Қанот водийси, эртаси эрталаб эса Уҳуд тогининг шимоли-ғарбида, маккаликларга юзма-юз жойлашди. Кўп ўтмай мусулмон қўшинидан 300 киши “мунофиқ” Ибн Убайй бошчилигига майдонни тарқ этди ва Мадинага қайтиб кетди. Мусулмонлар 3 байроқ остида - мұхожирлар ўртада, Авс ва Хазраж икки қанотда саф тордилар. Маккаликлар ҳам худди шу шаклда рўбарў турдилар, аммо уларда қўшимча тарзда маҳсус отлиқ қисм бор эди. Бунга жавобан Пайгамбар (с.а.в) 50 кишилик камончилар қисмини ташкил этиб, уларга ҳар қандай шароитда ҳам ўз ўрнидан жилмаслик ҳақида қатъий буюрди.

Одатдагидек жанг якка кураш (мубораза) билан бошланди. Бир неча жангда мусулмонларнинг қўли баланд келди. Сүнг бутун майдон узра қизиб кетган тўқнашувларда ҳам мусулмонлар ғолиб кела бошлагач, мушрикларнинг сафлари

бузилиб, чекина бошладилар. Мана шу чоғда мадиналиклар душманни таъқиб қилиш ўрнига ўлжа йифмоққа киришиб кетдилар. Ўлжадан қуруқ қолищдан қўрқдан камончиларнинг катта қисми ўз жойдарини ташлаб, бошқалар билан араласиб кетдилар. Бу ҳолни кўриб турган Холид ибн Валид пистирмада турган отлиқ қисмни майдонга ташлади. Ўз жойида қолган ўнтача камончини яксон қилиб, Мұхаммад (с.а.в) турган тепаликка от солди.

Бироздан сўнг мушриклардан Ибн Қумайса баланд овоз билан Мұхаммад ўлдирилди, деб ҳитоб қилди. Мусулмонлар бир лаҳза саросимага тушиб қолдилар. Кейин энг содик саҳобалар курак тиши синган ва бошидан жароҳатланган Расулуллоҳ (с.а.в)ни ҳимоя қилдилар. Абу Суфён “Бадр учун қасос олинди, етади” дегач, мушриклар буни “масала ҳал балди” деган маънода қабул қилиб, жангни тўхтатдилар. Мусулмонлардан бу жангда 74 киши ҳалок бўлди, мушриклар эса уч баробар кам одам йўқотдилар.

Хандақ жангига (627 й.) да Абу Суфён бошлиқ Маккаликларнинг орқага чекинишга мажбур бўлиши ва мусулмонларнинг жангсиз галабаси, Мадина жамоасининг Арабистон ярим оролидаги мавқенини янада кучайтирди. Шундан сўнг Мұхаммад (с.а.в) Мадина атрофидағи бадавий қабилаларни Мадина жамоаси ҳукмронлигига бўйсундириш учун ҳарбий ҳаракатлар бошлади. Шунингдек Мадина жамоасининг ички ҳаёти, давлат бошқаруви тизими жиддий мустаҳкамланди. Мадина жамоаси ичидаги тартиб ва қонунчиликни бошқариш, ахлоқий - ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш давом этди.

Арабистон ҳудудида сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий мавқенини мустаҳкамлаган Мұхаммад (с.а.в) ва Мадина жамоаси Маккага умра ибодатини (628 й.) бажариш учун 1400 кишилик карвон билан йўлга тушади. Макка зодагонлари уларни Макканинг гарбидан 14,5 км узоқлиқдаги ал-Ҳудайбия номли пасттекисликда сулҳ тузишга мажбур этадилар. Ал-

Худайбия шартномаси мусулмонлар учун мураккаб вазиятда тузилди. Мусулмонлар орасида шартномадаги бандларга норозилик кучайди. Аммо, Пайғамбар (с.а.в)ни бу шартнома мутлақо қониқтириди. Чунки, Қурайш зодагонлари уни Аллоҳнинг элчиси деб тан олмасаларда, Мадинадаги мустақил жамоа (умма) раҳбари сифатида ўзларига тенг тараф билиб, илк бора эътироф этиши ва музокара олиб боришга қарор қилишининг ўзи Мадина жамоаси учун катта сиёсий ғалаба эди. Бунинг боиси албатта, Мусулмонлар жамоаси ва Қурайш ўртасидаги тинчлик сұлҳи Мадина мусулмонларига Арабистон ярим оролида эркин ҳаракат қилишларига имконият яратар эди. Бу воқеани мусулмонлар учун аниқ ғалаба эканлигига Қуръони карим гувоҳлик беради. Мазкур шартнома мустақил Мадина жамоасининг илк расмий ҳужжати эди.

Шартноманинг матни манбаларда сақланиб қолган ва уни асл матнига яқин деб эътироф этилади. Унинг шартлари бўйича ҳар икки томон ўн йил мобайнида бир-бирига уруш қилмайдилар. Карvonларга ҳужум қилмайдилар. Ҳар икки томон бошқа қабилалар ва давлат раҳбарлари билан иттифоқ тузишлари мумкин. Бу йил мусулмонлар Маккага кирмай, Мадинага қайтиб кетишлари, кейинги йилга ҳажга келишлари мумкин. Қурайшийлардан бирон кимса мусулмонлар томонига ўтса, у қайтариб берилади, мусулмонлардан биронтаси Маккага қайтса у қайтариб берilmайди.

Худайбиядан кейин Ички Арабистонда Мадина қўшинларининг қўшни қабилаларни забт этиш ҳаракати кучайди. Мұжаммад (с.а.в) асосий кучни шимолга – Сурия ерларига қаратди. Натижада Хайбар ва Фадак ҳудудлари Мадина ҳукмронлигига бўйсунди. Пайғамбар (с.а.в) Мадина ҳукумати раҳбари сифатида қўшни мамлакат подшолари билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга киришди. У Византия императори Ираклийга (610-641), Эрон шоҳаншоҳи Хисрав II Парвезга (590-628), Ҳабапистон негуси Нажошийга (ваф. 660 й.), Миср ҳокими Муқавқисга (639-642), Баҳрайн подшоси

**Мунзир ибн Совийга, Ямома амири Ҳамза ибн Алига иттифоқ тузиш мақсадида мактуб ёзади.**

Макка ва Мадина ўртасида тузилган ал-Худайбия шартномаси шартлари маккаликлар томонидан бузилгач, 629 йили мусулмонлар учун охирги душмани, Қурайш зодагонларининг йирик вакили Абу Суфённинг музокара олиб бориш учун Мадинага “бош эгиб” келиши, мусулмонлар жамоасининг Ички Арабистон ҳудудида сиёсий куч сифатида галаба қозонишига ва Маккани мусулмонлар қўлига тўла ўтишига замин тайёрлади. 630 йилининг бошида Мұҳаммад (с.а.в) Мадина ва атроф қабилалардан ўн минг кишилик ҳарбий қўшин тўплаб Маккага юриш қилди. Макка фатҳи мусулмонлар учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Води ал-қуродан то Тоифгача бўлган ҳудудлардаги барча қабилалар Мадина ҳукумронлигига бўйсунгач, мусулмон жамоаси, умма – теократик тизимга асосланган давлатга айланди. Шуни таъкидлаш лозимки, Макка-Мадина рақобати даврида Пайғамбар (с.а.в) ҳеч қачон ҳужумкор (агрессив) мавқени эгалламаган. Бу Бадр, Уҳуд, Ҳандақ жанглари ҳамда Макканинг олиннишида яққол намоён бўлди. Тўғри, 624 йили исломда илк бор жиҳодга, яъни “Зулмга учраганлари учун (унга қарши) курашаётганлар”га (22: 39), муайян ҳолларда душманга қарши кураш олиб боришга рухсат берилди. Айни вақтда мусулмон жамоаси “Сизларга қарши урушаётганлар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (аммо) ўзингиз (ҳеч қачон биринчи бўлиб) тажовуз қилмангиз. Аллоҳ тажовузкорларни ёқтирмайди” (Бақара, 190), – деб огоҳлантирилди

Макка фатҳидан кейин Арабистон ярим оролида шаклланган Мадина давлати диний-сиёсий тусга эга бўлиб, бу теократик тизим Пайғамбар (с.а.в) шахси билан боғлиқ эди. Ўзининг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий стратегиясига эга бўлган бу давлат бутун Арабистон ярим оролини тўлиқ эгаллаб, Византия ва Эрон империяларига таҳдида сола бошлади. Мазкур давлатларнинг тўлиғича

мусулмонлар ҳукмронлигига бўйсундириш ва бу кичик жамоанинг катта давлат мақомига етишида Рошид халифаларнинг роли катта бўлди.

### **Саволлар**

1. Нима учун исломдан олдинги Арабистон ярим оролини жоҳилият даври деб аталади?
2. Ҳабашистонга неча маротаба ҳижрат бўлди?
3. Мадинага ҳижрат ҳақида нималар биласиз?

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Жоҳилия даври анъаналари ва урф-одатлари
2. Макка ва Мадина тарихи
3. Муҳаммад (с.а.в.)нинг илк пайғамбарлик даврлари
4. Мадина шаҳар-давлати
5. Ҳудайбия сулҳи ва унинг ислом тарихида туттган ўрни
6. Макка фатҳи

### **Кўшимча адабиётлар**

1. ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1403 ҳ. – 563 б.
2. ал-Жаҳшиёрий. ал-Вузаро ва-л-куттоб: 2 жилдли. – ал-Қоҳира: Мустафо ал-Бобий ал-Ҳалабий, 1981.
3. Ибн ал-Асир. ал-Комил фи-т-тарих: 4 жилдли. – Байрут: Дор ас-садр, 1986.
4. Ибн Ҳишом ал-Маъфирий, Абдулмалик. ас-Сийра ан-набавийя: 2 жилд. 1-4 китоблар. (Пайғамбар (а.с.)нинг тарихи ва ҳаёт йўллари). – Т.: Sharq, 2011 .
5. Ислом тарихи. Дарслик // А.Ҳасанов ва бошқ. – Т.: ТИУ, 2008.
6. Ризоуддин ибн Фахриддин. Хулафои рошидин. – Т.: Моварауннаҳр, 1992. – 128 б.
7. Соғуний Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий: 2 жилдли. – Тошкент, 1991.
8. Ҳасанов А.А. Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри. – Т.: ТИУ, 2001.

## 2-БОБ. ҚУРЬОНШУНОСЛИК

### 2.1. Қуръон суралари

**Таянч иборалар:** Қуръон, оят, суралар, ҳарф, эъроб ва эъжом белгилари, лаҳжа, расмул мусҳаф

Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон” бўлиб, “Қуръон” сўзи лугатда “жамламоқ”, “қўшмоқ”, “ўқимоқ” деган маъноларни англатади. Истилоҳда “Қуръон Муҳаммад (с.а.в.) га араб тилида нозил қилинган, қисқа суралари билан ҳам инсонларни лол қолдирувчи, саҳифаларда ёзилган, мутавотир йўли билан етиб келган, тиловати или ибодат қилинадиган, “ал-Фотиҳа” сураси билан бошланиб, “ан-Нос” сураси билан туговчи Аллоҳ таолонинг қаломи”, деб таъриф берилган. Қуръони карим “ал-Қуръон”, “ал-Китоб”, “ал-Фурқон”, “аз-Зикр” ва “ат-Танзил” номлари билан аталади.

Қуръон билан боғлиқ ибора “ваҳий” бўлиб, унинг лугавий маъноси “тез суръатда, махсус, махфий тарзда муайян кишига (ёки томонга) билим ва маълумотни билдириш”дир.

“Сура” сўзи араб тилида “юқорилик”, “баландлик” маъноларини билдиради. Унинг келиб чиқиши бўйича турлича қарашлар мавжуд. Баъзилар унинг иврит тилидаги “шурех” (қатор) сўзидан келиб чиққанини айтганлар. Яна бошқа қарашга кўра, бу сўз сурёний тилидаги “шурта” “сурта” (ёзув) сўзларидан келиб чиққан. “Сура” сўзи “бошланиш, туталланиш ва номларга эга камида уч оятдан иборат Қуръон қисмлари”га нисбатан қўлланилади.

“Оят” сўзининг маъноси эса, “белги” “аломат”, “мўъжиза”, “хужжат” маъноларини билдириб, “Қуръоннинг алоҳида, оддинги ва кейингиларидан узилган, бошланиши ва тугаши бўлган бўлаклари”га айтилади. Оят кўпинча бир жумлани ўз ичига олади. Шунингдек, оядда бир нечта жумла бўлиши ёки бир нечта оят бир жумлани ифодалashi мумкин. Ривоятга кўра, саҳобийлар Пайғамбар (с.а.в.)дан ваҳийни

тинглаётгандаридан бироз тұхташ ва каломни вақтінча узишларидан билиб борғандар. Шунга биноан “оят” атамаси Куръонда каломнинг ўзидан олдин ёки кейингисидан узишда белги – алмат асосида бўлганидан келиб чиққан.

Оятлар ўнта, бешта ёки ундан кам ёки күпроқ ҳажмда тушган. Баъзан бир оятнинг ярми тушиб, кейин қолгани нозил бўлган. Узун суралардан ал-Мурсалот, ас-Софф, ал-Анъом суралари тўлиқ ҳолда тушган.

Куръон суралардан, улар эса, оятлардан таркиб топган. Қорилар томонидан ёдлаш ва эслаб қолишига осон бўлиши учун қисмларга бўлинган. Рубъ (чорак), ҳизб (бўлим) ва жузъ (пора)ларга бўлинниб, Куръон 240 рубъ, 60 ҳизб, 30 жузъдан иборат. 1 жузъ ҳозирги энг кўп тарқалган Мадина мусҳифа 20 бетни, 1 ҳизб 10 бетни, 1 рубъ 2,5 бет ва ундан ортиқроқни ташкил қиласди.

Куръондаги суралар сони 114 та бўлиб, жами оятлар 6236 тадир. Сўзлар 77937 та, ҳарфлар эса 323015 тани ташкил қиласди. Энг узун суралар “Бақара” сураси бўлиб, 286 оядан иборат, энг қисқаси эса, 3 оядан иборат “Кавсар”дир. Энг узун оят “Бақара” сурасининг 282-ояти бўлиб, унда 128 та сўз, 540 та ҳарф ишлатилган. Энг қисқаси “Ваз зуҳа” (Зуҳо: 1) ва “Вал фажр” (Фажр: 1) оятлари дидир, иккаласида 5 тадан ҳарф, ёзилишда б тадир.

Куръон сураларининг ўз номи бўлиб, айримларининг номи икки ва ундан ортиқ. Кўпчилигига фақат битта ном берилган.

Сураларнинг номланиши ўзига хос услубда амалга оширилган. Масалан, энг узун суралар “Бақара” (Сигир) сурасида сигир ҳақидаги воқеа бир ўринда зикр этилган. Шу каби “Наҳл” (Асалари) сурасида асалари бир ўринда ва у билан боғлиқ ҳабар бир нечта оятлардагина зикр этилган.

Энг биринчи нозил бўлган оят “Алақ” сурасининг дастлабки 5 ояти, энг охирги нозил бўлган оят “Бақара” сурасининг 281-ояти дидир. Шу каби энг сўнги нозил бўлган оят “Тавба” сурасининг охирги 128–129- оятлари деган қараш ҳам, “Моуда” сурасининг 3-ояти, деган қарашлар ҳам мавжуд.

## 2.2. Қуръони каримнинг жамланиш босқичлари

**Таянч иборалар:** китоб, қиртос, саҳифа, ас-сұхұф ал-Бакрия, мусҳафу Усмон, Қуръон лаҗжалари

Қуръоннинг жамланиш тарихи бўйича бир нечта асарлар ёзилган. Суютий, Заркаший ҳамда ўтган асрда Али ибн Сулаймон Абийд, Иброҳим Абёрий, Муҳаммад Шаръий Абу Зайд, гарб тадқиқотчиларидан Т. Нельдеке, И. Гольдциер, Р. Белл ва В.М. Уотт тадқиқотларида ўрганилган.

Қуръоннинг жамланиши илк даврда уч босқичда амалга ошган. Биринчи босқичда Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётлик чоғларида тери, хурмо дарахти пўстлоғи, тош, сүяқ каби буюмларга ёзилган. Умуман, Қуръоннинг ўзида “китоб”, “қиртос”, “саҳифа” каби сўзларнинг ишлатилгани бу тушунчаларнинг арабларга яхши маълумлиги ва улар ёзишда бундай буюмларнинг ишлаттанларини билдиради.

Хижратдан кейинги даврда Қуръоннинг ёзиг борилиши ва жамланишига доир Зайд ибн Собитнинг сўзи эътиборга молик: “Биз Пайгамбар (с.а.в.) ҳузурларида тери бўлакларига Қуръонни ёзар эдик”. Яна унинг ривоят қилишича, “Расууллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ваҳийни ёзиг борар эдим. У киши менга ёзиг бўлганимдан сўнг “Ўқи!” дер эдилар. Мен ўқир эдим. Агар бирор нарса тушиб қолган бўлса тўғирлар эдилар”. Муслим ривоят қилишича, “Расууллоҳ (с.а.в.): Мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзиг борманглар”, деганлар”. Бундан ташқари илк даврда Қуръони карим ёдлаш йўли билан ҳам кейинги авлодга етказилган ва бу аввалги кўринишдан кўра оммавийроқ бўлган.

Қуръоннинг тартибланиши ҳам илк давлардан амалга оширилган. Чунки Усмон ибн Аффондан қилинган ривоятга кўра, Муҳаммад (с.а.в.) нозил бўлган сураларни қаерга қўйишни кўрсатиб берганлар. (Абу Довуд, Нисоий, Термизий, Аҳмад, Ҳоким).

Иккинчи босқичда 632 йил Ямома жангидан сўнг Умар ибн Хаттоб ушбу давр учун янгича ёндашувни кўтариб чиқди.

У ҳам бўлса, Қуръонни ёзма равишда жамлаш зарурлиги ғояси эди.

Бухорийнинг ривоятига кўра, Умар ибн Хаттоб халифа Абу Бакр ҳузурига келиб, Ямома жангидан етмишдан ортиқ қорилар ҳалок бўлгани, Қуръонни билган кишиларнинг вафоти уни мусулмонлар ёдидан кўтарилишига олиб келиши мумкинлигини айтиб, жамлаш таклифини беради. Сўнг ваҳий котиби Зайд ибн Собит чақиртирилиб, унга Қуръонни жамлаш топширилди. У дарахт пўстлоғи, тошларга ёзилган ҳамда кишилар ёдидағи Қуръон оятларини саҳифаларга ёзиб, жамлай бошлайди.

Қуръоннинг жамланиш жараёни қандай кечганлиги борасида ривоятлар кам. Уларга кўра, Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб Зайд ибн Собитга масжид олдида ўтириб Қуръондан деб ҳисобланган оят ва сураларни икки гувоҳ билан қабул қилиб, жамлашга буюрадилар. Халифа Абу Бакр томонидан саҳифалар етти лаҳжада жамланди. Бу тарихда “ас-сұхұф ал-Бакрия” деб номланди.

Учинчи босқичда Усмон ибн Аффон халифалик даврида, яъни 651 йил орадан 19 йил ўтиб Абу Бакр давридаги саҳифаларга етти ҳарф(лаҳжа)да жамланган сұхұфдан бир ҳарф, яъни Қурайш лаҳжасида нусха олиш эҳтиёжи туғилди. Бу сафар, бир нечта лаҳжаларда ўқиб, ҳар бир ўқиши әгаси бошқасини нотўғри ва хато деб ҳисоблай бошлагандан кейин бу муаммога чора кўрилишини талаб этди.

Ривоятга кўра, Ҳузайфа ибн Ямон Озарбайжон ва Арманистонда бўлган урушда иштирок этиб, мусулмонлар орасидаги бу ихтилоғни пайқайди. Ҳузайфа бу ҳолат мусулмонлар орасида ички низо ва келишмовчиликлар кучайишига олиб келишини айтди. Чунки кишилар ўз мусҳафлари бўйича ўқишни тўғри, бошқаси хато, деб санаб, уларни кофирга чиқарар эдилар.

Ушбу урушнинг географик жойлашувига кўра, Шом ва Куфадаги саҳобийларнинг ўқиш услублари ва мусҳафлари ўртасида жиiddий тортишув кечган, дейиш мумкин. Усмон ибн Аффон Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн

Ос, Абдураҳмон ибн Ҳорисларни чақириб, Пайғамбар (с.а.в) аёлларидан бўлган Ҳафса онамизда сақданаётган саҳифалар асосида Қурайш лаҳжасида нусха кўчириш вазифасини юклайди.

### 3. Қуръонда ақидавий, фикҳий масалаларнинг ёритилиши

*Таянч иборалар: тавҳид, сура, оят, сажда ояtlари, маккий, маданий*

Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан Мұхаммад (с.а.в.) га туширилган илоҳий китоб ҳисобланади. Қуръондаги мавзулар уч асосий йўналишга бўлинади:

1. Тавҳид – яккахудоликка чақириш; 2. Шаръий ҳукмлар;
3. Ахлоқ-одоб ва тарихий ояtlар.

Қуръони карим ояtlарини нозил қилиниш жараёнига эътибор қаратилса, тавҳид, яъни яккахудоликка чақирувчи ояtlар Маккада нозил қилинганлиги кузатилади. Дастваб, эътиқод, ахлоқ-одобга тегишли ояtlар бирин-кетин нозил қилинган. Шу билан бирга имон келтиришга чақирилган мавзулар доирасида фаришталар, муқаддас китоблар, Пайғамбарлар, тақдир, охират куни, жаннат ва дўзах каби мавзулар асосий ўринга чиқарилади.

Қуръондаги ҳукмий ояtlар – шаръий ҳукмлар ечимиdir. Қуръон шариатнинг асосий манбаси ҳисобланиб, тахминан 500 та шаръий ҳукмларга доир ояtlар мавжуд.

Фақиҳлар наздида ҳукмий ояtlар икки хил турда бўлади:

Тўғридан тўғри ҳукм зикр этилган ояtlар

Бирор масалани ечишда истинбот қилиш, бошқа оят билан қўшиб масалани ечиш

Биринчи турдаги ҳукмларга таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, никоҳ, талоқ, васият, қасам, каффорат, савдо сотиқ, эмиқдошлиқ, мерос, жиноят жазолари каби масалалар ҳақида ҳукм ва қоидалар баён этилиши киради.

Тарбия ҳамда ахлоқ ва одобга тааллуқди ояtlар сони 1000 ортиқ бўлиб, баъзан қиссалар баёнида мавзуга доир ўгитлар

берилса, баъзан тўғридан тўғри мурожаат тарзида чиройли хулқларга даъват этилади. Истро сурасининг 23-38 оятларида тўғридан тўғри мурожаат ва насиҳат тарзида гўзал хулқларга чақирилади. Илм фан билан алоқадор 700 дан ортиқ оятлар мавжуд бўлиб, жуда кўпчилик оятларда инсонлар ақд эгалари сифатида аталган ва кўп ўринларда кишиларни тафаккур қилишга чақирилган.

## **Саволлар**

1. Ваҳий нима?
2. Ваҳийнинг турлари ҳақида қанда қарашлар мавжуд?
3. Куръони каримнинг жамланиш босқичлари қандай тартибда юз берган?
4. Куръони каримда келган ақидавий ояларни айтинг?
5. Куръони каримда келган ҳукмий оятларнинг сони қанча?

## **Мустақил иш мавзулари**

1. Мовароуннаҳрда тафсир мактабининг ривожланиши
2. Носих ва мансух илми ва Куръони каримни тушунишда унинг аҳамияти
3. Куръон илmlари бўйича ёзилган асарлар
4. Илк тафсир мактаблари

## **Кўшимча адабиётлар**

1. Куръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – 6176.
2. Заркаший. Бурҳон фий улумил Куръон. 4 жилди. – Коҳира: Мактаба Дорут турос, 2002.
3. Суютий. Итқон фий улумил Куръон. 2 жилди. – Коҳира: Дорул ҳадис, 2004.
4. Обидов Р. Куръон ва тафсир илmlари.-Т: Тошкент ислом университети, 2003. – 468 б.
5. Абдуллаев А.Ғ. Куръоншунослик. Ўкув қўлланма. ТИУ, 2011.
6. Муҳаммад Тоҳир Курдий. Тарихул Куръон. Shamela e-book. 2007.

## З-БОБ. ҲАДИСШУНОСЛИК

### 3.1. Ҳадис ва улар ҳақидағи фикрларнинг вужудга келиши

*Таянч иборалар: ҳадис, мутавотир, саҳих, ҳасан, ровий, санаӣ, суннат, таҳдис*

Ҳадислар Пайғамбар (с.а.в.) даврарида саҳобалар эшитгандарини ёд олиб, бу сўзларни хатга туширмаганлар. Зеро, ўша даврда арабларда катта ҳажмдаги достон ва шеърларни ёд олиб, хотирада сақлаш ҳалқ орасида кенг тарқалган ва кишилар ўзларининг бу қобилияtlари билан фаҳрланар эди. Илк даврда ҳадисларнинг ёзма равишда жамланмаганига яна бир сабаб кўпчилик хат-саводни билмас ва ёзиш қуроллари кенг тарқалмаган эди. Исломнинг ilk даврида ҳадислар Қуръони каримга аралашиб кетиши эҳтимоли бўлгани сабабди ҳам ёзма қайд қилинмаган. Саҳобалар Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадисларни гоҳ оғзаки баён этганлари, гоҳ бирор ишни қилганликлари ёки бирор ишни маъқуллаганликларининг шоҳиди бўлишлари асносида ўргангандар.

Саҳобалар ҳадисларни хотираларида сақлаб, оғзаки тарзда бошқаларга етказганлар. Фақат айрим саҳобалар ҳадисларни ёзиб борганлар. Масалан, саҳоба Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинган ҳадисда, мен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳар бир нарсани ёдлаш учун ёзиб юрадим. Қурайшликлар менга “сен Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ҳар бир нарсани ёзиб юрасан, Расулуллоҳ ҳам инсон, у газабланганда ҳам, хурсанд бўлганда ҳам гапиради” дейишди. Ёзишдан тўхтадим ва буни Расулуллоҳ (с.а.в.)га эслатганимда “Жоним қўлида бўлган зот номи билан қасам ичаманки, мендан ҳақдан бошқаси чиқмайди” дедилар. Бу сўз замирида ҳадисларни ёзишга рухсат берилганини англаш мумкин. Расулуллоҳнинг хос котибларида саҳифалар,

яъни саҳобалар ёзиб юрган варақлар бўлган. Улар кўпчилик кишилар орасида тарқалмаган ҳамда умумий тадвин қилиниб, бир китобга жамланмаган. Жобир ибн Абдуллоҳ, Саъд ибн Убода, Самрат ибн Жундуб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби саҳобаларнинг ҳадислар ёзилган саҳифалари бўлган. Булардан ташқари, Пайғамбар (с.а.в.)нинг турли жойлардаги кишиларга ёзган мактублари ҳам ҳадислардан иборат саҳифалар ҳисобланади. Манбалардаги хабарларга кўра, котибларнинг сони тахминан 40 тача киши бўлиб, улар турли ҳолларда, яъни шартномалар тузиш, қурбонликлар қилиш каби ҳолатларда ҳадис ёзиб борганлар.

Олимлар фикрича *суннат*, *хабар* сўзлари ҳам ҳадисга маънодошdir. Ҳадис ва суннат Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари ҳамда тақрирларидиr. Булар ҳадис нуқтаи назаридан шаръий ҳукм ҳисобланади. Ҳадис ишлатилишида луғавий ва истилоҳий жиҳатдан суннатдан фарқ қиласи. Ҳадис сўзи тиљшунослар наздида “*таҳдис*” сўзидан олинган бўлиб, “*хабар бермоқ*” маъносини ифодалаган. Кейинчалик Пайғамбар (с.а.в.)га нисбат берилган гап, иш ёки тақрир (маъқуллаш, ман қилмаслик)га айтиладиган бўлган. Ибн Ҳажар Асқалоний: “Шариат урфида ҳадисдан мурод Расулуллоҳ (с.а.в.)га тегишли нарсалар (гап, иш, тақрир) бўлиб, ҳадис (янги) дейилиши унинг Қуръонга муқобиллигига ишорадир. Зоро, Қуръон қадимдир”, дейди. Шунга биноан баъзи олимлар, ҳадис лугатда янги маъносини ҳам ифодалашини эътиборга олиб, уни қадим (эски) Қуръони каримнинг муқобилида қўллаганлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ўзлари ўз сўзларини ҳадис деб атаб, бу ном билан бошқаларнинг сўзларини ўз сўзларидан ажратиб берганлар. Бунга мисол қилиб Муслим ривоят қилган “Кимки мендан билиб туриб ёлғон ҳадис айтса, у ёлғончилардан биридир” ҳадисини келтириш мумкин.

Ҳадис ва суннат лугатда бир маънони ифодаламайди. Ҳадисга амал қилиш суннатга амал қилиш деганидир. Суннат Расууллоҳ (с.а.в.)нинг покиза сайрат, турмуш тарзи, диний йўлига нисбатан ишлатилган. Баъзи муҳаддислар “Ҳадис Расууллоҳ (с.а.в.)нинг гаплари ва ишларини ўз ичига олади, суннат эса фақат ишларини ифодалайди” дейдилар. Яна бир гурӯҳ олимлар бунинг аксини айтадилар: “Суннат гап, амал ва тақрирни ўз ичига олади, ҳадис эса Расууллоҳ (с.а.в.)нинг гапларигагина хос бўлиб, қавлий суннатга тўгри келади”. Бу билан суннатни қавлий, феълий ва тақририйга бўладилар. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳалқий (тана кўриниши), ҳулқий (ахлоқи) ва таржимаи ҳолларига оид маълумотлар ҳам суннат дейилади. Пайғамбар (с.а.в.)дан содир бўлган нарсаларнинг фақатгина шаръий ҳукмга тегишилисини суннат деб, бошқаларини суннат демаслик саҳобийлар ва тобеъийларнинг одатлари бўлган. Масалан, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган ҳадисда: “Абу Туфайл қуйидагиларни айтади. Мен Ибн Аббосга шундай дедим: Сенинг қавминг Расууллоҳ (с.а.в.) Байтуллоҳни рамл (лўкиллаб юриш) ила тавоғ қилганлар ва бу суннат дейишмоқда. Ибн Аббос: Ҳам рост айтишибди, ҳам ёлғон, деди. Ҳам рост айтишибди, ҳам ёлғон, деганинг нимаси, дедим. Рост айтганлари – Расууллоҳ (с.а.в.) Байтуллоҳни рамл қилганлари. Ёлғон айтганлари – у (иш)нинг суннат эканлиги. Шунинг учун вақти-вақти билан муҳаддислар ва усул олимлари наздида саҳобийларнинг қилган ишлари ҳам суннатдир. Бунга Расууллоҳ (с.а.в.)нинг: “Сизларга менинг ва менинг ўринбосарларимнинг... суннати”, деган ҳадиси мисол бўлади.

Ҳадислардаги носих ва мансухни, омм ва хосни, мутлақ ва гумонни, мужмал ва батафсилини ҳам турлича англағандар. Агар улар бирор масалада ихтилоф қилсалар, дарҳол Расууллоҳга мурожаат қилиб, саволларига жавоб олиш имкониятига эга эдилар. Мазкур омиллар илк даврда ҳадиснинг алоҳида илм даражасида ўрганишга эҳтиёж қолдирмаган.

### **3.2. Ҳадис илмларининг ривожланиш босқичлари**

*Таянч иборалар: ҳадис марказлари, саҳоба, тобиий, Абу Хурайра, Басра, Күфә, сохта ҳадис*

Пайғамбар (с.а.в) вафотидан кейиндоқ мусулмонларнинг орасида ҳадисларнинг аҳамияти ортиб кетди. Бунга асосий сабаблардан бири мусулмонлар бошлиғи томонидан ўзидан кейин ким ўринбосар бўлиши ҳақида аниқ кўрсатма берилмаганида эди. Саҳобалар энди бирор бир кишининг ўринбосар бўлиши лозимлигига ишора қилувчи манба бўлувчи ҳадисларга муҳтож эдилар. Абу Бакрнинг Пайғамбар (с.а.в) томонидан ўлим олдидан намозга имомликка ўтишга буюриши унинг ўринбосари бўлиши мумкинлигига ишора сифатида қабул қилинди. Абу Бакр бу мансабга тайинланди ва масала ўз ечимини топди.

Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб даврларида ёш саҳобалар улгайиб, ўз илмларини янада кентайтирдилар ва кейинги авлод, яъни тобиийларга ҳадислардан билганларини ўргатдилар. Саҳобалар Пайғамбар (с.а.в)га қандай интилган бўлсалар, тобиийлар уларнинг илмларини олишга шундай ҳаракат қилдилар ва ўз масалаларига жавоблар топдилар.

Расууллоҳ (с.а.в) даврида турли фитналарнинг тарқалиши ва сохта ҳадис тўқишининг имконияти деярли йўқ эди. Бунга сабаб бир томондан унинг хаёт экани бўлса, иккинчидан ваҳий нозил бўлиб, ёлғончиларнинг найранги фош бўлишидан кўрқишиларида эди.

Абу Бакр мусулмонлар орасидаги диний ва сиёсий бирликни сақлаб қолган бўлса, Умар ибн Хаттоб эса фитналарнинг тарқалишини бартараф этди. У Пайғамбар (с.а.в)дан бирор ҳадис айтuvчи киши ўз сўзига ишончи комил бўлмаса ҳеч нарса айтмаслигига чақиради. Бу қоидага амал қилмаган кишилар қаттиқ жазоланаарди. Бу даврда ҳадислар кўп ривоят қилинишининг олди олинган эди. Агар ҳадислар кўплаб ривоят қилинаверса, мунофиқлар сохта ҳадисларни ҳам муомалага киритиб юборишлари аниқ эди. Бундан ташқари,

саҳобаларнинг ўзлари ҳам хато ва гуноҳ масъулиятидан кўрқиб, ҳадисларни кам ривоят қилишга ҳаракат қилганлар. Шу омиллар мазкур даврда сохта ҳадисларнинг кўпайишининг одини олган.

Пайғамбар (с.а.в) даврида ҳадисларни ёзишга изн берилган эди, аммо у вафот этганидан сўнг турли урушлар натижасида Куръони карим жамланганидек ҳадисларни ҳам жамлаш ва тадвин қилишга имкон топа олмадилар. Шуни ҳам айтиш керакки, ўша даврга оид ҳадислар ёзилган, лекин китоб шаклини олмаган турли хатлар ҳам топилган. Уларни саҳобалар ўзаро ривоят қилиб юрар эдилар. Масалан, Абу Бакр Баҳрайндаги омили (бошқарувчиси) Анас ибн Моликка мусулмонларга буюрилган садақанинг фарзлари ёзилган хатни юборди. Бу хат Расулуллоҳ (с.а.в)нинг садақалар тўғрисидаги мактубининг бир нусхаси эди.

Саҳобаларнинг яна бир жиҳати шунда эдики, улар Расулуллоҳ (с.а.в)ни кам ва кўп кўрганликларига қараб ҳам ҳадисларни кўп ёки кам билганлар. Бироқ уни кўп кўрган саҳоба ҳадисларни кўпроқ ривоят қилган деган холосага келмаслик керак. Масалан, тўрт халифа Пайғамбар (с.а.в) ёнида доимий ҳамроҳ бўлган бўлсалар-да, унинг вафотидан кейин давлат ишлари билан банд бўлганликлари учун камроқ ҳадис ривоят қилганлар.

**Ҳадис марказлари.** Саҳобалар турли жойларга кўчиб кетиб, у ерларда узоқ муддат яшаб қолганликлари сабабли ўша ўлкалар Куръон ва ҳадисларни тарқатиш марказларига айланди. Бунга Мадина, Макка, Куфа, Басра, Шом, Миср каби йирик марказларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Расулуллоҳ (с.а.в) Мадинада Маккага қараганда кўпроқ ҳадис айтган. Чунки кўпгина ислом динига оид ижтимоий тартиб, қонун-қоидалар ҳижратдан кейин жорий бўлган. Макка шаҳри пайғамбарликнинг ilk даври билан боғлиқ бўлса-да, ҳадис илми бўйича Мадинадан кейинги ўринда туради. Макка фатҳидан кейин Муоз ибн Жабал Расулуллоҳ

(с.а.в) томонидан шу ерда дин илмларини шаҳар аҳолисига ўргатиши учун ўринбосар қилиб қолдирилди. Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Аббос ҳам Басрадан Маккага қайтиб келади. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Соиб Махзумий, Итоб ибн Асид, Ҳакам ибн Абу Ос, Усмон ибн Талҳа ва бошқалар ҳадисларни тарқатишиш ишлари билан шуғулланганлар.

Куфа шаҳри Эрон, Хурросон томонларга ҳарбий юриш олиб бориш учун мусулмон қўшинларининг таянч маркази ҳисобланган. Бу шаҳарга кўплаб саҳобалар келиб ўрнашиб қолганлар ва шу ерда вафот этганлар.

Басра шаҳрида Анас ибн Молик асосий ҳадис раҳнамоларидан эди. Шунингдек, Абдуллоҳ ибн Аббос (Маккага қайтгунча), Утба ибн Газвон, Имрон ибн Ҳусайн, Абу Барза Асламий, Маъқал ибн Ясор, Абу Бакра ва бошқа саҳобалар яшаганлар ва ҳадис тарқатганлар. Уларнинг шогирдларидан Абу Олия Рофеъ ибн Михрон, Ҳасан Басрий (500 та саҳобани кўрган), Муҳаммад ибн Сирин, Қатода ибн Диъомата Давсий каби кўплаб тобиийларнинг номларини келтириш мумкин.

Шом ўлкаси фатҳ этилгандан сўнг асосий аҳоли ислом динини қабул қилди. Халифалар ҳам бу ўлкага алоҳида эътибор бериб, кўзга кўринган саҳобаларни у ерга дин ишларини ўргатиши учун жўнатганлар. Жумладан, бу ерга ҳам Муоз ибн Жабал худди Яманга ва Маккага боргани сингари дин ишларини ўргатиши учун келган. Бу ўлкада яна фақиҳлардан саналган Убода ибн Сомит, Абу Дардо Анзорий ҳам аҳолига ислом дини арконлари ва ҳадис илмини тарқатганлардан ҳисобланади. Мазкур уч саҳоба бу ўлкада ҳадис илми ривожланишида муҳим ўрин тутганлар.

Мисрга ислом дини кириб келиши билан бу ерга ҳам бошқа илмлар қатори ҳадислар кириб келди. Бу ерга ҳам кўплаб саҳобалар келиб ўрнашди. Уларнинг энг машҳури ва энг кўп ҳадис ровийси, Абу Ҳурайранинг сўзига кўра,

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос эди. Шунингдек, Уқба ибн Омир Жуҳаний, Хорижка ибн Ҳузофа, Абдуллоҳ ибн Саъд, Муҳмия ибн Жуз, Абдуллоҳ ибн Ҳорис, Муоз ибн Анас Жуҳаний каби бир юз қирқдан ортиқ саҳобалар Миср аҳлига сабоқ берганлар.

Ҳадислар тарқатилишида катта ўрин тутган жойлар фақат шулар билан чекланмай, балки булар қаторига Марокаш, Испания, Яман, Кавказ, Қазвин (Каспий дengизининг жанубий ва гарбий соҳил томони) ва Хурросонни қўшиш мумкин.

Ҳадис китобларида ўзидан энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобалар қўйидагилардир:

1. Абу Ҳурайра (5374 та).
2. Абдуллоҳ ибн Умар (2630 та).
3. Анас ибн Молик (2286 та).
4. Ҳазрат Оиша (2210 та).
5. Абдуллоҳ ибн Аббос (1660 та).
6. Жобир ибн Абдуллоҳ (1540 та).
7. Абу Сайд Ҳудрий (1170 та).

Саҳобаларнинг ҳадис ривоят қилишидаги тафовутларни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Ҳижрий биринчи (VIII) асрда ҳадисларни ёзма равища жамлаганлар қўйидагилар:

1. Сайд ибн Жубайр Асдий (ваф. 95/714 й.) Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисларни ёзиб олган саҳифалари бўлган.
2. Омир ибн Шароҳил Шаъбий (ваф. 103/722 й.).
3. Муҳаммад ибн Муслим Асдий (ваф. 126/744 й.).
4. Умар ибн Абдулазиз (ваф. 101/720 й.) ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳижрий биринчи асрда ҳадислар асосан, оғзаки ривоят қилинди. Аммо оз миқдорда бўлса-да, уларни ёзиб борганлар ҳам бор эди. Вақт ўтиши билан янги савол ва муаммоларнинг пайдо бўлиши ҳадисларга бўлган талабнинг ортишига ва натижада ҳадисларнинг кенгроқ миқёсда ўрганилишига олиб келди.

### **3.3. Ҳадисларни илм сифатида шаклланиши**

**Таянч иборалар:** мусталаҳ ал-ҳадис, илм ар-рижол, ал-жарҳ ва-т-таъдил, улум ал-ҳадис, усул ал-ҳадис, матн

Ҳадисларни чуқур таҳлилий ўрганиш зарурати “Ҳадис илми” ва бу илмга тегишли истилоҳдарни тўғри ишлатишни тақозо әтувчи “Мусталаҳ ал-ҳадис” соҳасининг шаклланишига олиб келди. Зоро, ҳадис илмининг ўзи “Мусталаҳ ал-ҳадис” (ҳадис истилоҳлари), “Илм ар-рижол” (ровийларни билиш), “ал-Жарҳ ва-т-таъдил” (Ишончсиз ва ишончлига ажратиш) каби бир неча илмларни ўз ичига олувчи умумий фан ҳисобланади.

“Мусталаҳ ал-ҳадис” – ҳадис илмида ишлатиладиган атамаларни ўрганувчи соҳа. У “Улум ал-ҳадис” (ҳадис илмлари), “Усул ал-ҳадис” (ҳадис асослари) номлари билан ҳам юритилади. “Мусталаҳ ал-ҳадис” ўзига хос шартлар, турли усул ва қоидалар асосида санад ва матн ҳолатини ўрганади. Ҳадисларнинг тўғрисини нотўғрисидан, яъни саҳиҳини заифидан ажратади.

Ҳадисларни ривоят қилиш ва тушуниш жиҳатидан улар икки қисмга бўлиб ўрганилади: 1. “Ривоят илми”да Пайғамбар (с.а.в.)ning сўzlари, феъли, тақрири, сифати, уларни ривоят қилиш, сўzlарнинг ўзгариши ва аниқ экани ўрганилади; 2. “Дироят илми”да санад ва матинни билиш қоидалари ўрганилади. Бу йўналишларни биринчи бўлиб тизимга солган олим қози Абу Мұҳаммад Ҳасан ибн Абдурраҳмон ибн Халлод Ромаҳурмузий (ваф. 320/932 й.) бўлди. У ўзининг “ал-Муҳаддис ал-фосил байна-р-ровий ва вөйий” (Ривоят қилувчи ва англовчи орасини ажратувчи муҳаддис) асарини ёзиб, бу йўналишда илк қадам қўйди. “Мусталаҳ ал-ҳадис” бўйича “Маърифат улум ал-ҳадис” (Ҳадис илмларини билиш), “ал-Кифоя фи илм ар-ривоя” (Ривоят илмида кифоя қилувчи) ва “ал-Жомеъ ли ахлоқ ар-ровий ва адаб ас-сомиъ” (Ровийнинг ахлоқи ва эшитгувчининг адаби), “ал-Имло” (Тушунтирувчи), “Муқаддамат Ибн Салоҳ” (Ибн Салоҳ муқаддимаси ёки Улум

ал-ҳадис), “Нужбат ал-фикр” (Фикрларнинг сараси), “Тадриб” (Үргатувчи), “Қавоид ат-таҳдис” (Ҳадис айтиш қондалари) каби асарлар ҳам ёзилган. Замонавий асарлардан “Тайсир мусталаҳ ал-ҳадис”, “Маолим ас-суннат ан-набавия”, “Манҳаж ан-нақд фи улум ал-ҳадис” ва бошқа асарларни келтириш мумкин.

Муҳаддислар ҳадисларнинг саҳиҳлик, яъни ишончлилик даражасини аниқлашда, асосан, унинг “иснод” (ёки “санад”) деб аталувчи ровийлар занжирини акс эттирган қисмiga эътибор бердилар. “Матн” деб аталган ҳадиснинг асосий қисмини Пайғамбар (с.а.в.)дан мусаннифга етиб келиш йўлини “иснод” кўрсатади.

“Иснод” ҳадиснинг таркибий қисми бўлиб, истилоҳда “ҳадисни унинг айтувчисига боғлаш” маъносини берди. Бунда ҳадис матнини Пайғамбар (с.а.в.)дан муҳаддисга етказувчи кетма-кет бир-бирига узатган ровийлар занжири тушунилади. Ҳадисга “таянч” ҳисобланган “иснод” қанчалик ишончли кишиларни ўз таркибига олган бўлса, ҳадис шунчалик саҳиҳ ҳисобланади. Исподнинг бошида мусанниф (масалан, Имом Бухорий) ўзи ҳадис эшитган устози ёки ровийсини келтиради. Сўнг у кимдан эшитган бўлса, ўшанинг номини, кейин у одам ўзига ҳадис айтган кишининг номини келтиради. Шу тариқа исподнинг охирида Пайғамбар (с.а.в.) номидан ҳадис матни келтирилади. Масалан, Имом Бухорий ўз асарида бир исподни қуидагича беради: “Бизга Абдуллоҳ ибн Юсуф ушбу ҳадисни айтди. У бизга Молик хабар берди, деган, у эса Ибн Шиҳобдан эшитган. У Мұхаммад ибн Жубайр ибн Мутъимдан, у отасидан эшитган экан. Жубайр ибн Мутъим Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуидагиларни эшитдим, деган...”, деб ҳадис келтирган.

“Матн” – ҳадиснинг таркибий қисми. Истилоҳда санаднинг ниҳояси, яъни маънолардан ташкил топган ҳадиснинг лафзлари ёхуд санаднинг тугаган жойидан бошланган Пайғамбар (с.а.в.) ёки бошқалар (саҳоба, тобиий, муҳаддис, фақиҳ)нинг сўзи. Масалан, Муслим ривоят қиласи: Абу Бакр ибн Абу Шайба Абу Усомадан, Усома Ҳишомдан,

Ҳишом эса Мұҳаммад ибн Сийриндан, Сийрин Абу Хурайрадан, Набий (с.а.в.) дедилар: “Киши биродарининг совчisi устига совчи қўймайди...”. Бунда санаднинг тутаган жойидан бошланган Набий (с.а.в.)нинг сўзи, феъли, тақрири ёки сифатига матн дейилади.

Иснод ўзининг тузилишига кўра бир неча турга бўлинади. Масалан, ҳадис иснодидаги барча кишиларнинг номлари аниқ ва маълум бўлса, у ҳолда иснод “муттасил” (узлуксиз) деб аталади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта экани иснодда келтирилган шахсларнинг исмларини тақдослаш йўли билан текширилган. Иснод кучли деб топилса матн ҳам ишончли ҳисобланган. Шунинг учун муҳаддисларнинг асосий вазифаларидан бири ҳадисларнинг иснодини кучли ёки кучсиз эканини кўрсатиб бериш бўлган. Иснод санад сўзи билан бир хил маънода ишлатилади.

Исноди муттасил равишда ўз ниҳоясига етган, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадислар “Муснад” деб аталади. Бундан ташқари “муснад” сўзи “иснод” маъносида ҳам келиши мумкин. Шунингдек, ҳадисларни иснодларига кўра, яъни ровийларига кўра тартиблаб жамланган илк ҳадис тўпламлари ҳам “Муснад” деб аталган.

“Муснад” туридаги тўпламларда ҳадислар уч хил тартибда жойлаштирилиши мумкин:

1. Саҳобаларнинг исмлари алифбо тартибида жойлаштирилиб, бир саҳоба ривоят қилган барча ҳадислар бир жойда келтирилади, кейин эса бошқа саҳоба ва ҳ.к.

2. Саҳобанинг фазилатига қараб тузилади. Масалан, “Ашараи мубашишара” (жаннатийлиги башорат берилган ўнта саҳоба) номларидан бошланади.

3. Саҳобаларнинг исломга кириш тарихига кўра, аввал Абу Бакр ва бошқалар.

Муснад тўпламлари орасида Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (ваф. 240/855 й.) “Муснад” асари машҳурdir.

“Мусаннаф” тўпламларида муснадлардан фарқли равишда ҳадислар муайян мавзуларга ажратилган ҳолда берилади. Бу

услуб мавзуларга қараб түплангани учун фойдаланиш анча қурай. Масалан, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” и шу турга мансуб.

Иснодлар таҳдили шуни кўрсатадики, ҳадисларнинг айримлари тўғри Пайғамбар (с.а.в.)дан эмас, балки саҳоба ёки тобиийдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в.)гача етиб борган иснодлар “марфӯъ” (кўтарилган, етиб борган) деб аталиб, саҳобада тўхтаган иснод эса “мавқуф” (тўхтаган, тўхтатилган) деб юритилади. Иснод қайси табақага бўлсада узлуксиз етиб борган бўлса, у “муттасил” (узлуксиз) деб аталади.

Ҳадис ривоят қилишда табақаларнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. “Табақа” (кўплиги “табақот”: дараҷа, босқич) деганда Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадис ривоят қилувчиларнинг тартиблари тушунилади. Масалан, саҳобалар – биринчи табақа, тобиийлар – иккинчи табақа, табаъа ат-тобииинлар – учинчи табақа ва ҳ.к. Мазкур мезон асосида кейинги муҳаддислар ровийларга аталган асарларини ҳам тузганлар. Бундай асарлар “табақот” жанрига мансуб ҳисобланади. Бундай тўпламларда ровийларнинг таржимаи холлари табақаларига қараб тартиблangan бўлади.

Иснод тўлиқ бўлиб, тўғри Пайғамбар (с.а.в.)га етиб борган бўлса, “муттасил марфӯъ”, агар саҳобага етиб борган бўлса, “муттасил мавқуф” деб аталади. Масалан, “Молик Ибн Шиҳобдан, у Солим ибн Абдуллоҳдан, у отасидан, у Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиласи” деган иснодда бошдан то охиригача муттасил (узлуксиз) ва Расулуллоҳ (с.а.в.)га қадар кўтарилган (етиб борган), шунинг учун у “муттасил марфӯъ” ҳисобланади. “Молик Нофеъдан, у Ибн Умардан, у кишии дейдилар” дейилгандаги иснод Ибн Умаргача узлуксиз, аммо Расулуллоҳ (с.а.в.)гача етмаган ва саҳобада тўхтаб қолганлиги учун муттасил мавқуф дейилади.

Муттасил ҳадис ҳукми саҳиҳ, ҳасан ёки заиф бўлиши мумкин. Саҳобага муттасил равишда етган ҳадисда: “Молик Нофеъдан, у эса Ибн Умардан эшиштган “Ким бирор кишиидан

қарз олса, унга қарзини қайтариб берииши шартдир”, деган. Ушбу ҳадис ўз ниҳоясига муттасил ҳолда етган.

Ҳадисларни ривоят қилювчи, таҳлилий ўрганувчи, алоҳида тўпламларга жамловчи кишиларга нисбатан ҳам ҳадис илмида алоҳида маҳсус номлар берилган. Масалан, санад занжирида туриб ўзидан олдинги кишидан ҳадис эшитиб, кейингиларга айтган киши “ровий” дейилади. У ривоят қилган сўз – “ривоят”, “матн”, “ҳадис”, “осор” (бир. асар: ёдгорлик, из) деб аталиши мумкин. Мазкур ривоят ҳадис ёки саҳобанинг сўзи ёки тобиййнинг фатвоси ҳам бўлиши мумкин. Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий каби оғзаки ривоятларни китобга жамлаган муҳаддислар “ровий” деб аталиш билан бирга “мусанниф” (тузувчи, тасниф қилювчи), “муҳаддис” (ҳадис илми олими) деб ҳам аталади. Ровий ҳадисларни исноди билан ривоят қиласа, у “муснид” деб аталади. Бунда унинг ҳадис илмини чуқур билиш-бilmаслиги эътиборга олинмайди.

Ҳадис олимлари балоғат масаласида яқдил эмаслар:

1. Ровий ҳадисни эшитаётганда беш ёшга тўлган бўлиши ҳам мумкин. Асос сифатида саҳоба Маҳмуд ибн Робийъдан: “Набий (с.а.в.)дан ақл ўргандим. Челакдан сув олиб менга пуркадилар, ўшанда беш ёшда эдим”, деган ҳадис келтирилади.

2. Баъзилар ривоятни эшитаётганда балоғат ёшини белгиламаганлар. Бола бу пайтида ёлғон гапиришни билмайдиган ҳамда эшитган нарсасига мантиқан тўғри жавоб қайтара оладиган даражада бўлиши лозим.

Мазкур шартлар мавжуд бўлган ровий ҳадис илмида “адолат соҳиби”, яъни ҳадисларини қабул қилиш мумкин деб ҳисобланади. Акс ҳолда унда адолат йўқ деб ҳисобланади ва унинг ривояти қабул қилинмайди. Ҳадис ровийси ривоятларни ўзининг шайхидан олади. “Шайх” сўзи “қария”, “оқсоқол”, “устоз” маъноларини берса-да, ҳадис илмида “шайх” деганда, асосан “устоз” тушунилади ва бунда ривоят қилаётган ровиййнинг устози назарда тутилади.

Ровийларнинг барчаси ҳам “мусанниф” даражасига кўтарилавермайди. Бунинг учун у ҳадисларни ёзма равишда

жамлаб, “тасниф” қилған бўлиши керак. Тасниф деганда ҳадисларни муайян мавзуларга ажратган ҳолда жамлаш назарда тутилади. Бу каби тўпламлардан фойдаланиш анча қулай.

“Мұхаддис” даражаси ҳадис илмининг ривояти, дирояти ҳамда исноддаги ровийлар ҳолатини тадқиқ қилиш билан шугулланган, ҳадисларни ишончли ёки ишончсизлигига қараб саралаб тўплаш ва шарҳлаш билан шугулланган олимга нисбатан берилади. Шунингдек, ҳофиз, ҳоким, ҳужжат даражасига етган олимлар ҳам умумий ном билан мұхаддис дейилади. Муснид мұхаддис бўла олмайди. Чунки муснид бўлиш, яъни ҳадисларни иснод билан ривоят қилиш учун унда мұхаддис даражасидаги илм бўлиши шарт эмас. Мұхаддис ҳадисларни исноди билан ривоят қила олгани учун муснид бўла олади.

Мұхаддис даражаларининг юқорисидан бири “ҳофиз” ҳисобланади. Кўп қиррали мұхаддисларга бундай ном берилган бўлиб, айрим олимларнинг айтишича, ҳофиз бўлиш учун камида 20.000 та ҳадис, баъзиларига кўра 100.000 та ҳадис ёдлаган бўлиши керак. “Мұхаддис” ва “ҳофиз” бир хил маънода ишлатилади, деган фикрлар ҳам бор. Абдураҳмен ибн Маҳдий (ваф 198/814 й.), Иби Абу Ҳотам Розий (ваф. 327/939 й.), Иби Асокир Али ибн Ҳасан Абулқосим (ваф. 571/1176 й.)лар “ҳофиз” номи билан танилганлар.

“Ҳужжат” даражаси ҳофиздан ҳам юқорироқ ҳисобланиб, бунинг учун мұхаддис 300.000 ҳадисни ёддан билиши талаб этилади. Ҳусайн Муаллим ибн Заквон (ваф. 145/762 й.), Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр (ваф 146/763 й.), Абу Нуайм Журжоний, Абдурраҳман ибн Мұхаммад (ваф. 323/935 й.) каби олимлар “ҳужжат” унвонига эга бўлганлар.

“Ҳоким” даражаси ривоят қилинган барча ҳадисларнинг исноди, матни, жарҳ ва таъдилини ҳамда тарихини камчиликларсиз дақиқ ўрганган кишига нисбатан ишлатилади. Ҳоким мұхаддис, ҳофиз ва ҳужжат даражаларидан юқори туради. Бу даражага “Олти ишончли” тўплам муаллифларидан

бештаси – Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насойилар ҳамда Абдуллоҳ Найсабурий (ваф. 405/1015 й.), Абу Жаъфар Мұҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/922 й.) каби мұхаддислар әришгандар.

Ҳадис илмида “асҳоб ал-ҳадис” (ҳадис әгалари), “аҳл ал-ҳадис” (ҳадис аҳли), “аҳл ал-асар” (ёдғорлыklар аҳли) атамалари ҳам машұр. Бу номлар ҳадис илми билан шуғулланған мұхаддисларға ишлатылған. Буном фикқда “асҳоб ар-раъ” (раъи, яъни мустақил фикр әгалари) ёки “аҳл ар-раъ” (раъи аҳли)дан фарқы асосан ҳадисларға таяниб ҳукм чиқарған олимларға нисбатан берилған.

### 3.4. Ҳадис илмининг ривожланиши

*Таянч иборалар: мұснад услуби, саҳиҳ услуби, сунан услуби, сохта ҳадис.*

Ҳадисларни танқидий ўрганиши. III/IX аср ҳадис илми тарихида олтын давр ҳисобланади. Чүнөнчи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланған ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида түрт юздан зиёд мұаллифлар шуғулланғанлар. Ҳаттоқи, бу даврда ҳадисларни ишончли манбаларға асосланиб, маромига етказиб илмий равища тартибға солиш олимлар орасыда энг севимли, зарурий машгулот даражасында еткан. Шунингдек, бу асрда түпланған ҳадислар илмий нұқтаи назардан муайян қонун-қоидаларға таянған ҳолда тартибға туширилған. Ҳижрий иккінчи (IX) асрда ҳадис фикқ илмининг бир бүлаги сифатида ўрганилған бўлса, учингчи асрга келиб, алоҳида соҳа бўлиб ажралиб чиқди ва мустаҳкам асосга эга бўлган мустақил илм сифатида қарор топди. Ҳадис илмининг фикқ илмидан алоҳида фан сифатидаги фарқини биринчи бўлиб Имом Шоғий кўрсатиб берган.

Илк ислом давларидан бошлаб сохта ҳадислар сонининг тобора кўпайиб кетиши, мусулмон олимлари олдига уларга нисбатан танқидий ёндашиб заруратини қўйди. Бу албатта,

мусулмон олимлари эътиборидан четда қолмади ва улар ўзига хос, аввалги ровийлардан фарқли ҳадисларни танқидий ўрганиш услубини ишлаб чиқдилар.

III/IX асрда ҳадисларни ўрганиб, уларни саҳиҳ ва заифга ажратган, тадвин қилиб китобларга жамлаган олимларни тўлақонли “муҳаддис”, яъни ҳадис илми билимдони дейиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳадисларнинг бу даврга етиб келишида илк ровийларнинг хизматлари беқиёс. Аммо, улар асосан, ҳадисларни ёдлаш, жамлаш, ривоят қилиш билан шугулланган эдилар. III/IX асрга келиб ҳадисларни ўрганишга эҳтиёж, шу билан бирга сохта ҳадисларнинг кўпайиб кетиши алоҳида “ҳадис илми” сифатида шаклланишига олиб келди. Мазкур илм билан шугулланган олимлар “муҳаддис” деб аталди.

*Буюк муҳаддислар ва уларнинг асарлари. Ҳижрий учинчи (Х) асрда қўйидаги муҳаддислар фаолият кўрсатдилар:*

*а) муснад услубида:*

1. Саид ибн Мансур Марвазий (ваф. 227/842 й.).
2. Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абу Шайба (ваф. 235/850 й.).
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Баззор (ваф. 229/844 й.).
4. Абу Абдураҳмон Бақий ибн Махлад Андалусий (ваф. 276/889 й.).
5. Абу Саид Усмон ибн Саид Доримий (ваф. 280/893 й.).
6. Абу Муҳаммад Абд ибн Хумайд ибн Наср Кешший (ваф. 249/863 й.).
7. Абу Муҳаммад Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Абу Усома Тамими (ваф. 282/895 й.).
8. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний (ваф. 240/855 й.).

*б) саҳиҳ услубида:*

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 256/870 й.).
2. Муслим ибн Ҳажжож Қушайрий (ваф. 261/875 й.).

*в) сунан услубида:*

1. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний (ваф. 275/888 й.).
2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (ваф. 279/892 й.).

3. Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуъайб Насоий (ваф. 303/916 й.).

4. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Язид ибн Можа Қазвиний (ваф. 273/886 й.).

### **Саволлар**

1. Нима учун илк даврда ҳадисларни ёзма жамлашга эътибор берилмади?

2. Илк ҳадис ёзган кишилар кимлар эди?

3. Аёллардан биринчи ҳадис ривоят қылғанлар кимлар?

4. Күп ҳадис ривоят қылған саҳобалар

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Марказий Осиёга ҳадисларниң ёйилиши

2. Марказий Осиёда ҳадис ривоят қылған мұҳаддислар ва уларниң даражалари

3. Мұйтабар ҳадис түпламлари

4. Ғарбда ҳадисларни ўрганилиши

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-Набавия / Таржимон У.Уватов. – Т.: 1993.

2. Уватов У. Буюк мұҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998. – 63 б.

3. Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Т.: 2001.

4. Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005. – 60 б.

5. Уватов У. Имом ал-Бухорий ҳәёти. – Т.: 1998.

6. Уватов У. Мұҳаддислар имоми. – Т.: Маънавият, 1998.

7. Раҳимжонов Д., Муротов Д. Ҳадисшунослик. Ўқув қўлланма. ТИУ, 2011.

8. Ермаков Д. Ҳадисы и ҳадисная литература // Ислам (историографические очерки) / Под общей редакцией С.М.Прозорова, – М.: Наука, 1991 – С. 85-108.

## **4-БОБ: АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ВА ГОЯВИЙ ОҚИМЛАР**

### **4.1. Калом илмининг юзага келиши**

**Таянч иборалар:** мотуридия, калом, тавҳид, Мовароуннаҳр, ҳанафия, мұтазилия

Илк ислом даврида Қуръон илмлари ҳали алоқида фан сифатида шаклланмаган эди. Ўша даврда саҳобалар маъносини тушуниш қийин бўлган (муташобиҳ) оятлар борасида Пайғамбар (с.а.в)га кўплаб саволлар берар эдилар. Бунинг натижасида турли хил ихтилофлар келиб чиқар эди. Жалолиддин ас-Суютий “Сави ал-мантиқ” асарида таъкидлашича, Ибн Аббос шундай деган: “Ихтилофлар авж ола бошлигач, Расууллоҳ (с.а.в) қалбларга шак-шубҳа тушишига сабаб бўлаётган муташобиҳ оятлар ҳақида баҳс юритишни кескин тақиқлаб қўйганлар”. Ибн Аббоснинг таъкидлашича, “Биринч бўлиб бу суннатга хилоф иш тутган Абдуллоҳ ибн Сабиғдир. У Мадинага келганда муташобиҳ оятлар ҳақида баҳс юрита бошлиди. Халифа Умар ибн Хаттоб уни ўз ҳузурига чақириб исмини сўради. Сўнг унинг буруғи билан Сабиғни хурмонинг қуриган шоҳи билан боши қонагунча саваладилар. Сабиғ турган жойида тик тураверди. Чунки у муташобиҳ оятлар ҳақида баҳс юритишни тарк этишга бир неча бор ваъда берган эди. Абдуллоҳ ибн Сабиғ шундай деди: “Агар мени ўлдиришни хоҳласангиз чиройли ўлим билан ўлдиринг”. Бироқ, Умар уни қўйиб юборди ва Абу Мусо ал-Ашъарийга у билан ҳеч бир мусулмон бўрга ўтирмаслигини тайинлади”. Демак, ilk даврларданоқ ақидавий ихтилофлар сабабли калом илмига мойиллик пайдо бўла бошлиган эди.

Калом илми турли ақидавий масалаларда ўзаро тортишув ва низолар натижасида юзага келган турли оқимларнинг (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржийлар) ўзаро

олиб борган баҳс-мунозаралари ва бошқа дин вакилларидан маздаизм ва христианларнинг ҳам юқоридаги оқимлар билан бўлган тортишувлари натижасида шаклланиб ривожланган. Калом илми билан машғул бўлган диний уламолар “мутакаллим” деб аталган. Мутакаллимлар ақидавий масалаларни ечишда далиллар билан бир қаторда ўз тафаккурлари, яъни ақл-идроқларига ҳам суюниб иш тутганлар. Нақдий далилларни келтирганда ҳам Куръонни шарҳлар эканлар, уни ўзгача тарзда тафсир қилганлар. Мутакаллимларнинг Куръонни бундай шаклда шарҳлашларини баъзи уламолар тафсирнинг “ат-тафсир бир-раъй” туридан ҳисоблаб, уни тафсир деб атаса бўлади, деган фикрга келганлар. Аммо аксарият илк ислом уламолари Куръонни бу шаклдаги шарҳини тафсир деб аташ нотўғри, балки уни “таъвил” деб аташ керак деган фикрни билдирганлар.

Калом илмига оид масалаларни дастлаб ал-Жаъд ибн Диরҳам (в.743 й.)нинг ижодида учратиш мумкин. Ал-Жаъд биринчилардан бўлиб Куръоннинг вақти-вақти билан яратилган (*махлук*) деган концепция ҳамда инсонда ирода эркинлиги каби масалаларни илгари сурган. Унинг фикр-мулоҳазаларини шогирди Жаҳм ибн Сафвон (в.745 й.) давом эттирган. Жаҳм ибн Сафвон кейинчалик “жаҳмия” оқимига асос солган.

#### **4.2. Калом илмининг Мовароуннаҳдаги ривожи**

**Таянч иборалар:** Табсират ал-адилла, Китоб ал-анвор, Китоб ал-иътисом, Мақолат ал-исломийийин, Маъолим ад-дин.

Мовароуннаҳрга ислом дини кириб келиши билан калом илмининг вужудга келишига ҳам замин яратилди. Ушбу илмнинг ўлкамизда ривожланишида айrim сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг ҳам таъсири бор.

Тарихга назар ташланса, VIII аср бошларига келиб Мовароуннаҳр ва қўшни Хуросонда бошқа ҳудудларга нисбатан ислом динини қабул қилувчилар сони ортиб борди.

Жизядан қутилиш мақсадида кўплаб аҳоли ислом динига кира бошлади. Ислом динини қабул қилган маҳаллий аҳоли жизядан озод этилди. Натижада давлат хазинаси бир мунча бўшаб қолишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ҳукмрон доираларининг норозилигини келтириб чиқарди. Бу ҳудудларда жон бошига олинадиган солиқ масаласи ҳақида кўп мунозаралар бўлишига сабаб бўлди. Айниқса, янги мусулмонлар жизя билан бир қаторда “харож” солигини ҳам тўлашдан бош торта бошладилар. Бу Хуросон ноибларининг норозилигини келтириб чиқарди. Чунки улар бундай даромаддан осонгина воз кечишни истамас эдилар. Хурросон волийси ал-Ашрас ибн Абдуллоҳ Суламий ҳар бир мусулмондан харож солигини олишга буйруқ бергач, янги мусулмонлар бунга норозилик билдириб, ўз ҳуқуқларини талаб қилиб, ҳатто Дамашқдаги халифага шикоят қиласидилар.

Вазиятдан боҳабар бўлган Ашрас Самарқанд қўмондони ал-Ҳасан ибн Абил Амаррата ал-Киндийга янги мусулмонларнинг исломга чиндан кирганлигини текшириш вазифасини тошириди.

Ҳар икки томоннинг далиллари чин мусулмон ҳисобланиб, жизя солигидан озод бўлиш учун қандай шартларни бажариш зарур, деган муаммога бориб тақалар эди. Бу муаммо эндиликда фақат сиёсий мазмунга эга бўлмай, балки “муъмин” тушунчасига қандай таъриф бериш керак, деган масала билан боғлиқ эди. Чунки Хурросон ноиблари ўз моддий манфаатлари йўлида имоннинг шартларини ниҳоятда мураккаблаштириб, ҳаттоки унинг ичига Қуръоннинг энг узун сураларидан бирини ёд олишлик шартларини ҳам киргизган эдилар. Бундай вазифа араб тилини яхши билмайдиган форсий ва туркий ҳалқлар орасида қийинчлилк туғдирар эди. Натижада имон масаласи калом илми бўйича ҳал қилиниши талаб қилинар эди.

VIII-IX асрларда Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган машҳур мутакаллим ва фақиҳ олимлардан бири Абу Муқотил Самарқандий ҳисобланади. У 823 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Манбалар ушбу аллома Абу Ҳанифа билан

учрашгани ва ундан дарс олгани ҳақида хабар беради. Абу Муқотил Самарқандий ҳақида немис шарқшуноси У.Рудольф атрофлича маълумот берган.

Абу Муқотил ас-Самарқандий Абу Ҳанифа билан қанча давр мобайнида учрашгани ва қанча муддат ўз юргида фаолият олиб боргани, келажакда ушбу алломанинг илмий мероси билан яқиндан тадқиқотлар олиб бориш орқали аниқ бўлади.

Минтақадаги Абу Ҳанифа издошларидан яна бири Абу Бакр ас-Самарқандий ҳақида тарихий манбаларда нисбатан кўпроқ маълумотлар келтирилган. IX аср охирларига келиб Мовароуннарҳда мотуридия таълимотига рақиб бўлган карромия таълимоти ҳам кириб кела бошлаган эди. Бу эса албатта, ўша даврда Абу Ҳанифа издошларини бефарқ қолдирмас эди. Ҳатто шундай вазият ҳам юзага келган эдики, баъзи мовароуннаҳрик олимлар фикҳий масалаларда Абу Ҳанифа мазҳабида бўлсалар, ақидавий масалаларда Ибн Карром таълимотига эргашар эдилар.

Ибн Карром асли Хурросоннинг Сеистон (Сижистон) воҳасида таваллуд топган. Ибн Карром ас-Сижистоний кейинчалик Хурросонга кўчиб ўтган ва Нишопур, Марв ва Хиротда ҳам бир қанча таниқди олимлардан таълим олган. Айниқса, у Балҳда устози Абу Юсуфдан (в. 854 й.) кўп таълим олади ва беш йил давомида Маккада яшаб ижод қиласи. Уни Нишопурдан Сейистонга бадарга қилганлар. Сўнгра Хурросондаги ваъзлари туфайли Нишопур ҳокими томонидан ҳибсга олинган ва саккиз йил давомида қамоқда сақланган. Умрининг охирги йилларини Нишопурда ўtkazган ва 869 илии вафот этган.

Унинг ақидавий масалалардаги эътиқодига келсак, у Аллоҳнинг сифатларини инсонга хос аъзолар билан таърифлаган (антропоморфист-мушаббаҳа). Бу эса, мотуридийнинг энг катта қаршилигига сабаб бўлган ва

шунинг учун ҳам Мотуридий издошлари унинг ғоялари Мовароуннахрда тарқалишига қарши чиққанлар.

Ибн Карром ғояларига энг катта қаршилик кўрсатган олим Абу Бакр ас-Самарқандий ҳисобланади. Абул Муин ан-Насафий ўзининг “Табсират ал-адилла” асарида Мовароуннахрда ёч бир олим Абу Бакр ас-Самарқандий каби карромийларга қарши кураш олиб бормаган, деб таъкидлайди. Самарқандлик бошқа олимларга нисбатан унинг кўплаб асарлари ҳақида маълумотлар етиб келган. Олим асарлари орасида “Китоб ал-анвор” рисоласининг номигина етиб келган холос. Шунинг учун ушбу асарнинг қандай мавзуга оид экани номаълум. Иккинчи асар “Китоб ал-иътисом” бўлиб, ҳадис илмига бағишлиланган. Олимнинг учинчи рисоласи “Мақолат ал-исломийин” бўлиб, Абу Бакр ас-Самарқандий ушбу асарида карромийларнинг нотўғри ақидаларига зид далиллар келтирган. Олимнинг яна “Маъолим ад-дин” номли асари ҳам сақланиб қолган. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси Машҳадда сақланмоқда. Немис тадқиқотчиси У.Рудольфнинг таъкидлашича, ушбу китоб IX асрда ёзилган фикҳга оид асарларнинг сақланиб қолган ягона нусхаси ҳисобланади.

Абу Бакр ас-Самарқандий 881 йили она юрти Самарқандда вафот этган. Унинг Мовароуннахрда фикҳ, ҳадис ва калом илмлари ривожи учун қўшган ҳиссаси катта бўлган.

#### 4.3. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг илмий мероси

**Таянч иборалар:** Мотурид, ақоид, Садр ал-фуқаҳо, Китоб радд ала ал-карромия, Китоб ат-тавҳид.

Абу Мансур ал-Мотуридий номи тилга олинганда, аввало бутун мусулмон оламида эътироф этилган икки ақидавий таълимот ашъария ва мотуридия кўз ўнгимизда намоён бўлади. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг келажак авлодга қолдириб кетган илмий-маънавий меросини таҳдил қилиш орқали, у ўз асарлари орқали, ўша даврда ислом эътиқодларига зид бўлган турли ақидавий оқим ва тоифаларга қарши курашганига гувоҳ

бўлиш мумкин. Айниқса, халифа Маъмун даврида гуллаб-яшнаган мұтазилийларнинг ислом ақида сига зид ҳисобланган қарашларига қарши курашишга Мотуридий ўзининг бутун умрини сарфлаган.

Аксарият манбаларда Мотуридий 870 йили Самарқанднинг “Мотурид” қишлоғида туғилгани ва Самарқандда 944 йили вафот этгани ҳақида маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда унинг 100 йилга яқин умр кўргани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Тадқиқотчи Муҳаммад Айюбнинг таҳдилига кўра, Мотуридий 870 йили эмас, балки 853 йили туғилгани ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки унинг манбаларда номлари келган икки устози: Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий 863 йил, Нусайр ибн Яҳйо ал-Балхий эса 882 йил вафот этганини инобатта олинса, Мотуридийнинг 870 йилда туғилгани мантиқан тўғри бўлмайди. Олимнинг қабри Самарқанд яқинидаги Чокардизада авлиёлар қабристонида жойлашган. Манбаларда Мотуридийнинг хориж сафарларига борганлиги ҳақида хабарлар учрамайди. Аммо Мотуридий Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг фикҳий ва ақидавий қарашларини сақлаб қолган ва кейинчалик ўзининг “мотуридия” деб тан олинган таълимотига тамал тошини қўйиб кетган олим сифатида шуҳрат қозонган. У ўзининг бутун умри давомида калом, ақоид (ақида) илми билан машғул бўлган.

Мотуридий ҳақида тўлиқ ва дақиқ маълумотларни унинг энг машҳур издоши ва таълимотининг давомчиси насафлик аллома Абул Муин ан-Насафийнинг илмий меросида учратиш мумкин. Насафий Мотуридий ва ундан олдин Мовароуннаҳрда яшаб ижод қиласан ҳанафий алломалар ҳақида “Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқати Аби Мансур ал-Мотуридий” номли асарида маълумотлар келтирган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Насафийнинг “Табсира” асарида мовароуннаҳрлик мутакаллим олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида келтирилган қимматли маълумотлар

биронта ҳам хоҳ қомусий, хоҳ ақоид илмига оид асарларда учрамайди.

Асарда таъкидланишича, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг Марв ва Балх шаҳарларидан етишиб чиқсан уламоларнинг барчаси азалдан ҳанафий мазҳабига эътиқод қилганлар ва Абу Ҳанифанинг йўлини маҳкам тутиб, муттазилийларнинг азалий рақиблари ҳисобланганлар.

Насафий ўз асарида мовароуннаҳрлик машҳур мутакаллимлар Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Сабиҳ ал-Жузжоний (IX аср), аш-Шайх Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳусайн ал-Иёдий ҳақида маълумотлар келтиради. Асарда шундай маълумотлар бор: Аш-Шайх Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандийнинг ривоят қилишича, Абу Наср ал-Иёдийнинг одига турли адашган фирмаларнинг вакиллари ўзларининг нотўғри ақидаларини исботлаш учун келгандарида, улар Иёдийнинг кучли далил ва исботларидан мағлуб бўлиб қайтар эдилар.

Шунингдек, “табсира”да Абу Наср ал-Иёдийнинг икки ўғли: Абу Аҳмад ва Абу Бакр ал-Иёдийлар ҳақида маълумотлар учрайди. Асарда келтирилишича, бухоролик машҳур олим Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорийнинг невараси, Мовароуннаҳр ва Хуросонда “Садр ал-фуқаҳо” унвонига эга бўлган олим Абу Ҳафс ал-Ажалий ал-Бухорий шундай деган: “Абу Ҳанифанинг мазҳаби тўғри йўл эканлигига яна бир исбот шуки, ушбу мазҳабда Абу Аҳмад ал-Иёдий эътиқод қилган. Чунки Абу Аҳмад ал-Иёдий ботил мазҳабга эътиқод қилиши мумкин эмас эди”.

Иёдийлар билан бир қаторда Насафий мовароуннаҳрлик бошқа мутакаллим олимлар, яъни Қозий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ибн Маслама ибн Абдуллоҳ ибн Муғира, “Маолим ад-дин”, “Китоб ал-иътисом” ва “Китоб радд ала ал-карромия” асарларининг муаллифи Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Яман ас-Самарқандий ҳақидаги маълумотлар ҳам эътиборга моликдир. Насафийнинг фикрича, Абу Бакр Муҳаммад ас-

Самарқандий биринчилардан бўлиб карромийларга раддия билдирган олим ҳисобланади.

Насафий табақот шаклида юқоридаги мутакаллим олимлар ҳақида маълумотлар келтирас экан, ниҳоят Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида сўз юритиб: “У шундай зотки, илм уммонининг энг қаърига шўнгиб, ундан дуру-гавҳарларни олиб чиқди ва диний ҳужжатларни ўзининг фасоҳати, мисалсиз заковати билан зийнатлади. Шунинг учун у вафот этганда, аш-Шайх Абул Қосим ас-Самарқандий унинг қабри устига, “Ушибу қабр илмларни нафасларигача қамраб олган, уни тарқатишда кўп заҳматлар чеккан, у қолдирган мерос кўп мадҳ қилинган ва ўзининг умр дарахтидан кўплаб мевалар тера олган улуг зотнинг қабридир”, деб ёзишларига буюрган эди”.

Насафий “табсира”сида Мотуридийнинг ўндан ортиқ асалари ҳақида маълумотлар келтиради. “Китоб ат-тавҳид”, “Китоб ал-мақолот”, “Китоб радд авоил ал-адилла мил-Каъбий”, “Китоб баён ваҳм ал-муътазила”, “Китоб радд таҳзиби ал-жадал мил-Каъбий”, “Радд китоб ал-Каъбий фи ваийд ал-фуссоқ”, “Радд усул ал-хамса ли-Аби Умар ал-Бохилий”, “Радд китоб ал-имома ли баъзи ар-равофиз”, “Китоб радд ала ал-қаромита” ҳамда усул ал-фиқҳга оид “Маъҳаз аш-шароиъ”, “ал-Жадал” каби асалар шулар жумласидандир.

Абул Муин ан-Насафий ўзининг “Табсира” асарида мовароуннаҳрик уламолар ҳақидаги маълумотларни Абул Қосим Ҳаким ас-Самарқандий (в. 953 й.) ҳақидаги маълумотлар билан тугатар экан, шундай дейди: “Агарда мен ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилган бухоролик ҳамда Мовароуннаҳрик туркларнинг энг қуий чегарасигача бўлган барча диёrlаридағи уламолар ҳамда Марв ва Балх уламолари ҳақида гапираверсам, ушбу китобим тутгамайди. Шунинг учун сизнинг эътиборингизга юқорида зикр этилган уламолар ҳақидаги муҳтасар хабарлар етказишни афзал деб билдим. Лекин мен зикр қилган олимларнинг биронтаси бўлмаганида

ҳам, Мотуридий уларнинг барчасининг ўрнига кифоя қила олар эди”.

Насафий Мотуридийни нафақат ўзининг, балки бутун мовароуннахрлик мутакаллим олимларнинг “шайхи” (устози) деб ҳисоблаган.

### **Саволлар**

1. Ақида нима?
2. Калом илми қачон вужудга келган?
3. Ақидавий қарашларни ривожланишида катта таъсир кўрсатган мұтазилия оқими түгрисида сўзланг?
4. Ҳанафий мазғабида ақида илмiga қандай муносабат билдирилади?
5. Абу Мансур ал-Мотуридий ким бўлган?
6. Имом Мотуридийнинг илмий мерослари ҳақида сўзланг?
7. Имом Ашъарий таълимоти ҳақида сўзланг?

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Калом илмининг Мавороуннахрга кириб келиш тарихи
2. Мотуридий қолдирган илмий мерос
3. Мотуридия таълимоти ривожига ҳисса қўшган мутакаллим олимлар
4. Абул Ҳасан ал-Ашъарий ва у қолдирган илмий мерос

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётида туттган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Т.Ф.Д. дис... автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.
2. Аҳмад ибн Авдуллоҳ ал-Ҳазбий. Ал-Матуридия: дирасат ва тақвиман. – Ар-Риёд: Дор ас-самиий, 2000. – 576 б.
3. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. – Т.: Нур полиграф, 2008. – 190 б.
4. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Рус тилидан таржима. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 398 б.

## **5-БОБ. ФИҚҲ МАКТАБЛАРИ**

### **5.1. Ислом ҳуқуқида ижтиҳод ва фикҳий мактабларнинг пайдо бўлиш сабаблари**

**Таяниб иборалар:** мазҳаб, фикҳ, имом, сунний, ривоят, дироят, ижтиҳод, мужтаҳид, қиёс

Ислом ҳуқуқида ижтиҳод қиёс ва ижмода қўлланиладиган метод (услуб) ҳисобланади. Пайғамбар (с.а.в.) Муоз ибн Жабал ва Али ибн Абу Толибга ижтиҳод қилишга рухсат бериб, Абдуллоҳ ибн Масъудга “Фикрингта таяниб ижтиҳод қилгин”, деб тавсия этган эдилар.

Ижтиҳоднинг маъноси тоқат ва имкониятни бирор масалани ечиш ёки бирор мақсадга эришиш учун ишлатишдир.

“Ижтиҳод” фикҳий атама сифатида фақиҳ томонидан бор имкониятни амалий ҳукмларни тафсилӣ далиллар, яъни асосий манбалардаги муайян матндан чиқариб олиш учун ишлатиш ёки шариат ҳукмларини қиёс орқали Қуръон ва Суннадан белгилаб олиш демакдир.

Айрим усулулфиқҳ олимлари ижтиҳодни икки йўналишга бўлганлар: биринчisi ҳукмларни белгилаб олиб баён этишдан иборат бўлса, иккинчisi, чиқариб олинган ҳукмларни татбиқ этиш ва юз берган ҳодисалар бўйича замон тақозосига биноан белгиланмаган ҳукмларни “тахриж” этишдир.

Биринчи йўналиш “ижтиҳоди комил”дан иборат бўлиб, ҳукмларни шариатнинг асосий манбаларидан чиқариб олган буюк фақиҳларга хосдир.

Иккинчи йўналишга тегишли бўлган мужтаҳидлар “тахриж” усулини амалга оширувчи ва ҳукмларнинг умумий қоидаларини жузъий-амалий масалаларга татбиқ этувчи олимлардан иборат. Комил мужтаҳидлар томонидан мазкур умумий қоидалар асосида ҳеч қандай фикр билдирилмаган янги масалаларнинг ҳукми улар томонидан аниқланади.

Комил мужтаҳид салоҳият ва мустақиллик билан амал қилиши учун бир қатор шартлар белгиланган:

1. Араб тили ва адабиёти унга тегишли бўлган барча фанлар, айниқса, грамматик қоидалар, бадийъ, баён ва маъоний илмларини тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича бир йирик мутахассис савиясида билиши.

2. Қуръони карим ояtlарининг барча луғавий ва шаръий маънолари, ҳар бирининг нозил бўлиш сабаблари, носих ва мансухи ва бошقا хусусиятларини чуқур билган бўлиши.

3. Сунна (ҳадис илми)ни ҳар томонлама қамраб олиб, ҳадислар турлари, уларнинг ровийларини билиб, ривоят ва дироят бўйича етарли маълумотга эга ва юксак ҳадисшунос даражасига кўтарилган бўлиши.

4. Ижмога ўрин бўлган мавзулар ва ихтилоф юз берган масалалар бўйича чуқур маърифат эгаси бўлиб, олимларнинг иттифоқи билан ижмоъ асосида ҳеч қандай шубҳасиз қабул қилинган масалалар (намоз ва унинг ракъатлари, адо этиш вақтлари; закот ва унинг миқдори; ҳаж ва унинг одоб ва русумлар; рўза ва уни тутиш вақтлари; мерос асослари; шахста ҳаром бўлган аёллар ҳамда мутавотир хабарлар орқали ижмо асосида белгиланган бошقا ҳукмлар)ни, шунингдек, саҳобалар давридан тортиб, мужтаҳид имомлар давригача ва улардан кейинги олимлар давригача исломий меъёрлар бўйича юз берган ижмоларни билган бўлиши.

5. Салафи солиҳлар (олдин ўтган буюк олимлар) томонидан бўлиб ўтган ижмо мавзуларини билган ҳолда, саҳобалар, тобиий ва улардан кейинги буюк мужтаҳидлар ихтилофларини ҳар томонлама англаб олиши ва шу йўсинда Мадина ва Ироқ фиқҳ услубини яхши тушуниши.

Имом Шофіййининг таъкидлашича, ижтиҳод қиёснинг барча томонлари, йўл-йўриқларини билиб олишдан иборат. Ҳатто у баъзан ижтиҳодни фақат қиёсдан иборат деб билган.

Мужтаҳид қиёсни чуқур англаб олиш учун қуйидаги уч мавзу бўйича илм эгаси бўлиши керак:

Бириңчидан, матнлар таянчи бўлган усулларни ва улардан келиб чиқадиган ҳукмларнинг асоси бўлмиш иллатлар (сабаблар)ни яхши тушуниб олиши лозим. Ушбу иллатлар орқали фаръ асл билан боғланади.

Иккинчидан, қиёснинг барча қонун-қоидаларини диққат билан ўзлаштириш, яъни қиёс учун асос бўла олмайдиган муайян ҳукмларни ташхис этиш малакасига эга бўлиши.

Учинчидан, янги ҳукм чиқариш учун асос бўладиган муайян ҳукмлардаги сабаблар ва сифатларни англаб олиш бўйича салафи солиҳлар томонидан ишлатилган услубларни билиб олиши лозим.

Фиқҳий ҳукмлардан назарда тутилган мақсадларни англаб олиши. Бу ўринда шариат асосчиси томонидан инсонларнинг ҳақиқий манфаатларини кўзлаб белгиланган меъёрларни тушуниши зарур. Негаки, ислом ҳуқуқида инсон маслаҳати (манфаати) асосий қоидалардан бири ҳисобланади.

## 5.2. Ҳанафий фиқҳ мактаби

*Таянч иборалар: ҳанафийлик, ҳанафия, имом, мазҳаб, фиқҳ, Абу Ҳанифа*

“Ҳанафийлик” атамаси илмий адабиётда бир неча маънода қўлланилди. У хусусий ибора сифатида имом Абу Ҳанифа фиқҳ фани доирасида асос соглан мактабни (Абу Ҳанифа мазҳаб) билдиради. Кенг маънода эса ҳанафийлик – диний илмлар мажмуи ичида алоҳида йўналишни англатади. VIII асрнинг охири, IX асрнинг бошида Ироқда янги вужудга келган фиқҳ фани ичида алоҳида мактаб сифатида шаклланган ҳанафия мазкур даврдан сўнг пайдо бўлиб, ривожланган барча диний илмлар соҳасида ўз таълимотларини ишлаб чиқди. Ўтган асрлар мобайнида ҳанафий уламолар фиқҳ билан бир қаторда тафсир, ҳадис, калом, мантиқ, филология, ахлоқ, тасаввуф ва бошқа илмлар соҳасида бой, хилма-хил адабиёт яратдилар.

Ҳанафийликнинг Марказий Осиё маънавияти учун аҳамияти бағоят каттадир. Чунки мазкур мазҳабнинг

тадрижий ривожланиши бир неча асрлар мобайнида ислом дунёсининг турли минтақаларида давом этди. Абу Ҳанифа мазҳаби Ироқнинг марказий шаҳарларида, асосан Куфа ва Бағдодда пайдо бўлиб, шаклланди. Илк даврнинг ўзидаёқ икки марказ – Ироқ ва Хуросон минтақасида етакчи ўрин эгаллаганилиги яқдол кўзга ташланади. Сомонийлар (261-389/875-999 йй.) даврида янги илмий муҳит – Мовароуннаҳрнинг мавқеи мустаҳкамлана боради. V-VI/XI-XII асрларда Яқин Шарқ минтақаларида ҳанафийлик марказларининг турли сабабларга кўра аҳамиятининг пасайиши, ҳатто баъзи ерларда бутунлай йўқолиб кетиши кузатилади. Худди шу даврда Қорахонийлар (389-607/999-1211 йй.), Хоразмшоҳлар-Ануштегинийлар (470-628/1077-1231 йй.) ҳукмронлиги остидаги Мовароуннаҳр марказий шаҳарларидаги ҳанафийлик мактаблари ривожланди. Улардаги маънавий ҳаёт ҳар томонлама ривожланган эди. Турли маҳаллаларда янги масалалар бўйича фатволар берилар, факиҳлар мажлисларида ихтилофли масалалар баҳс этилар, имло дарсларида йўналишлар бўйича маълум ечимлар ва фатволар тартибга солинар, кўп сонли муаллифлар фикрнинг методологик ва амалий соҳаларида кўп китоблар таълиф этар эдилар. Энг муҳими – ҳанафий мазҳаби меъёрлари узоқ вақт давомида маҳаллий материал – Марказий Осиё маданияти асосида Мовароуннаҳр уламолари томонидан ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё ҳалқлари маданиятининг ютуқлари, анъаналари, ҳуқуқий тасаввурлари ислом маданияти таркибиға кирди. Бу ўз навбатида, мазкур цивилизация намоёндалари тарафидан исломни “ўз дини” сифатида қабул қилишига йўл очиб берди.

Ислом дунёси ғарбида ҳанафийлик мактаблари инқироз ва парокандаликка юз тутган бир пайтда кучайған Мовароуннаҳр мактаби ушбу мазҳаб тақдирини ўз қўлига олди. Мовароуннаҳр уламолари XII асрдан бошлаб Ироқ (Бағдод, Моусил), Сурия (Дамашқ, Ҳалаб), Миср (Қоҳира), Рум (Кичик

Осиё - Каромон, Конья, Синоп), Олтин Ўрда (Хожитархон, Крим), Ҳиндистон мактабларига янгидан асос солдилар. Ҳанафийлик Усмонийлар султонлиги (680-1342/1281-1924 йй.) даврида мазкур мамлакатлар уламолари томонидан, расмий мазҳаб сифатида тан олиб, мовароуннаҳрик олимлар эса авторитетлар сифатида эъзозлана бошланди.

Маълумки, Марказий Осиё тамаддуни тарихий-диний тажрибанинг қадимийлиги, хилма-хиллиги, маданиятларнинг серқирралиги, минтақавий жиҳатларнинг бойлиги билан ажralиб туради. Исломнинг бу ҳудудга кириб келиши билан юқорида зикр этилган ҳудудий ўзига хосликлар муайян этник гуруҳлар, аҳоли табақалари, нисбатан ажralган диний жамоалар орасида исломий йирик ва кичик фирмалар таълимотининг тарқалиши ва барқарорлашишида ўз аксини топди. Ҳанафийлик Марказий Осиёда ҳукмрон мазҳабга айлана бошлагач, бу исломий гуруҳларга, биринчи навбатда, уларнинг таълимотлари ва амалиётларида мужассамлашиб улгурган аҳоли диний ишончлари ва үдумларига ўз муносабатини шакллантириди. Унинг моҳияти икки қисмдан иборат эди. Биринчидан, ўз принципларини изчил, событқадам ҳаётга тадбиқ этиш. Иккинчидан, мухолиф гуруҳлар билан мулоқот олиб бориш, улар кўтарган масалаларга жавоб излаш, асосли жиҳатларни ўзлаштириб олиш. Тарихнинг турли даврларида Марказий Осиёда фаолият кўрсатган кўплаб диний гуруҳлар - карромийлар, шофиъийлар, қаромита, муътазила, суфийлар (яссавия, кубравия, нақшбандия, ишқия) ва бошқалар ҳанафийлик таркибиға сингиб кетди. Бунинг оқибатида ҳанафийлик ўзида қарийб бутун Марказий Осиё диний мафкураси ва амалиётини мужассамлаштира бошлади.

*Абу Ҳанифа ўқувчилари ва ҳанафий мазҳабининг вужудга келиши. Имомнинг бевосита ўқувчиларини икки гуруҳга тақсим этса бўлади. Унинг илк шогирдлари ичидан Абу-л-ҳузайл Зуфар ибн ал-Ҳузайл ал-Анбарий ал-Басрий (110-158/728-775) машҳурдир. Аммо бироз кейинги даврда яшаган*

шогирдлари мазҳаб тарихида муҳим роль ўйнадилар. Уларнинг фаолиятлари VIII аср охири - IX аср боши – ислом дини тарихида мазҳаблар пайдо бўлиб, шаклланиш даврига тўғри келади. Улардан икки олим (улар мазҳаб ичида “икки имом” номи билан аталадилар) – Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ал-Куфий (113-182/731-798 йй.) ва Абу Абдуллоҳ Мұжаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийларнинг (132-189/749-805 йй.) мазҳабни шакллантиришдаги хизматлари бекиёс бўлди. Улар мазҳаб доирасидаги масалаларни тартибга келтирдилар. Янги мазҳабга унинг эпоними – Абу Ҳанифа исми берилди. Абу Юсуф биринчи мукаммал мазҳаб вакили сифатида уч Аббосий халифалар – ал-Маҳдий (158-169/775-785 йй.), ал-Ҳодий (169-170/785-786 йй.), Ҳорун ар-Рашид (170-193/786-809 йй.) даврида қози ал-қузот (бош қози) мансабини эгаллаб турди. Бу эса, ўз навбатида, ҳанафийликнинг расмий мазҳаб сифатида аҳоли орасида кент ёйилишига хизмат қилди.

### 5.3. Шофиъий фикҳ мактаби

*Таянч иборалар: шофиъий, мазҳаб, қиёс, аҳл ар-равӣ, имом*

Ином Шофиъий 150/767 йили, яъни Абу Ҳанифа вафот этган йили Фаластиннинг Фазо шаҳрида дунёга келади ва 204/820 йили Мисрда вафот этади ва Карафе номли жойга дағн этилади.

Шофиъий етти ёшидаёқ Куръонни ёд олиб, ҳадисларни ўрганади. Ўша вақт арабларнинг одатига кўра саҳродағи Бану Ҳузайл қабиласига юборилади. Шофиъий у ерда 10 йил яшаб у ерлик олимлардан шеър ва хабарларни, араб тили фасоҳати ва балоғатини, шунингдек Куръон ва ҳадис илмларини ўрганади.

Шофиъийнинг ҳотираси кучли бўлганлигидан устозлари айтган ҳадисларни бир маротаба айтилганида ёдлаб оларди. Сўнгра дарсдан чиқиб эслаб олган ҳадисларини сополга ёки терига ёзиб олар эди. Кейинчалик Ином Шофиъий бир гап эшитса уни ҳеч қачон унутмаганлигини айтади. Сўнгра Маккага қайтиб келиб, Макка муфтийси Муслим ибн Холид

аз-Занжийдан фиқҳ ва ҳадис илмларини ўрганади ва унинг хузурида фатво бериш даражасига етади. Ўша вақтда бор йўғи 15 ёшларда эди. Кейинчалик устозларининг маслаҳати билан Мадинига Молик ибн Анас (ваф. 179 /795 й.) хузурига боради.

Имом Молик вафотидан сўнг у ўз ҳаётини аш-Шайбоний раҳбарлигида фиқҳ илмини ўрганишга бағишлади. Натижада унинг усулида Ироқ ва Ҳижоз фиқҳи назарияси ишлаб чиқилди, яъни “*аҳл ал-ҳадис*” билан “*аҳл ар-раъ*” ва “*қиёс*” тарафдорларининг илми унда бирлашади. Маккада ва Бағдодда Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855 й.) билан учрашиб унинг фиқҳ, усул, насх ва мансух мавзуларидағи қарашлари билан танишади. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Шофиъийнинг илмини эътироф этиб: “Кимки қўлига сиёҳ билан қалам олса, унинг зиммасида Шофиъийнинг миннати бор. Агар Шофиъий бўлмаганларида ҳадис ва фиқҳни билмаган бўлар эдик. Фиқҳ эшикларига қулф солинган эди. Аллоҳ Шофиъий сабабли, у эшикларни очиб берди” деб айтади.

Кейинчалик яна Маккага қайтиб дарс беради ва ўша ер олимлари билан бирга шогирдлари ҳам унинг дарсларини мароқ билан ўзлаштирадилар. Сўнгра Шофиъий яна Ироқقا қайтади ва у ердан хос шогирдлари билан Мисрга боради (199/815 й.). Мисрлик уламолар Имомни катта эҳтиром билан кутиб олиб ундан таҳсил оладилар. Шофиъий Мисрдаги энг катта Амр ибн ал-Ос масжидида талабаларга фиқҳдан дарс берив, умрининг охиригача Мисрда қолади.

Миср мазкур янги мазҳабнинг ватани бўлгани учун ҳам, у ерда бу таълимотни чуқур излдиз отгани табиийдир. Бу мазҳаб, Ироқда ҳам ёйилганди. Чунки, Шофиъий ўз қарашларини, аввалига, Ироқда ёя бошлаганди. Ироқ орқали Хуросон ва Мавароуннаҳрга ҳам ёйилади ва шу билан бирга бу ўлкаларда Ҳанафий мазҳаби, Аббосийлар ҳокимиятининг расмий мазҳаби бўлгани учун ҳам етакчи ўринда эди. Мисрда эса ҳокимият Айюбийлар қўлига ўтгач шофиъий мазҳаби янада жонланади, ҳам халқ, ҳам давлат тепасида катта мавқега

эришади. Аммо, Мамлуклар даврида эса Султон Зоҳир Байбарс, қозиларни тўрт мазҳабга кўра тайинлаш фикрини илгари суради ва бу фикр амалга оширилади. Лекин бу ҳолатда ҳам Шофиъий мазҳаби у ерда бошқа мазҳаблардан устун мавқеда эди. Масалан: чекка шаҳарларга қози тайинлаш ваколати билан етим ва вақф молларини назорат қилиш ҳуқуки фақатгина Шофиъий мазҳабига оид эди. Ўрта асрларга келиб бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борди.

Шофиъийнинг усуул-фикҳ бўйича ёзган асари “ар-Рисола”дир. Бу асар аввалига Бағдодда ёзилиб, сўнгра 814-815 йилларда Мисрда қайта ёзилади. Шу туфайли кўпчилик уламолар уни ўз адабиётларида “Янги Рисола” ва “Эски Рисола” деб икки манба сифатида қайд қилганлар. Фаҳр ар-Розий Маноқиб аш-Шофиъий китобида шундай ёзади: “Имом Шофиъий китоб ар-рисолани Бағдодда ёзади, сўнгра Мисрга қайтгач уни қайтадан ёзади. Бу икки китобнинг ҳар бирида кўплаб илмлар бор”. Лекин ҳозирда фақат “Янги Рисола” асаригина сақланиб қолган. Бу асар Шофиъийнинг Абдурраҳмон ибн Маҳдий (ҳиж. 135/198 й.)нинг мактубига жавобан ёзилган рисоласидир. Бу ҳақида Али ибн Маданий шундай ёзади: “Мен Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъийга Абдурраҳмон ибн Маҳдийнинг мактубига жавоб ёз у сенга мурожаат қилиб мактуб ёзди ва сенинг жавобингга муштоқ, – дедим. Шофиъий унга жавоб мактубини ёзди. У Ироқда ёзилган китоб ар-рисола асари эди”.

Ар-Рисолани ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, унда асосан ҳадислар ва жуда ҳам оз фикҳга оид қоидалар келтирилган. Улар:

1. Ҳукмлар асосий манбадан чиқарилиши керак.
2. Пайғамбар (с.а.в.) суннати қонунчиликнинг боғловчилик қисмини ташкил қиласи.
3. Қуръон ва сунна орасида, хатто бирон оят ва ҳадис орасида бирор бир қарама қаршилик-мавжуд эмас.
4. Бу икки манба бир-бирини тўлдирувчиидир.

5. Аниқ, ишончли ва кўп маънога далолат қилмайдиган манбалардан олинган ҳукмлар ҳеч қандай баҳсга ўрин қолдирмайди, балки ижтиҳод ва қиёс йўли билан олинган қонунларга асосланган ҳукмлар баҳсли бўлиши мумкин.

6. Ижтиҳод, қиёс ва бошқа умумий тан олинган ва бир овоздан қувватланган ҳукмлар дастлабки манбаларга таянади.

Имом Шофиъий илк мужтаҳид саҳобалар давриданоқ оғзаки тарзда нақл қилиниб келинаётган усул қоидаларини жамлади, бир тизимга солди ва ўз назарияларини ҳам баён қилди.

Имом Шофиъий, аввалига Макка олимларидан, сўнгра мазҳаб имомлари Молик ибн Анас, шунингдек Абу Ҳанифанинг энг катта шогирдларидан бири Муҳаммад аш-Шайбонийни ва Аҳмад ибн Ҳанбалдан илм ўрганди. У ҳанафийларнинг раъй-фикр мактаби ҳамда моликийларнинг ҳадис мактаби олимларининг фикрларини уйғуналаштириб янги бир мазҳабга асос солишга эришди. Бу мазҳаб ўз асосчисининг қўлида икки даврни бошдан кечирди. Биринчи давр – Бағдодда илк қарашларини баён қилган “эски рисола” ва бошқа бир қатор асарларини шу ерда ёзиб, “эски мазҳаб”га асос солди. Сўнгра Мисрга бориб, у ерда ўзининг аксарият фикрларини ўзгартириб, китобларини қайтадан ёзди, хусусан “янги рисола”ни ва “янги мазҳаб”га асос солди. Шофиъийнинг эски ва янги мазҳабидаги қарашларининг аксарияти бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Хаттоки, унинг ўзи бу ҳақида “Кимки мендан бағдодий китобларимни ривоят қилса, унга ижозат бермайман”- дейди.

#### 5.4. Моликий фикҳ мактаби

**Таянч иборалар:** моликий, имом, мазҳаб, муватто, фикҳ, Андалус мазҳаби

Моликий мазҳаби асосчиси, имом Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас ибн Молик ибн Аби Омир ал-Асбаҳий 93/712 иили таваллуд топган.

Имом Молик ҳадис илмининг ислом оламидаги етук олимларидан бўлган. У ўз замонасининг кўзга кўринган уламоларидан дарс олган ва дарс берган. Ихлос ва эътиқод билан қилингандар ҳаракатлар самараси ўлароқ, имом Молик ўз даврининг етук алломаси бўлиб етишди ва имом Авзойй, имом Шофиъий, Яхъе ибн Саъид каби алломаларга устозлик қилди.

Имом Моликнинг ўзига хос табиати у Мадинаи Мунавварадан бошқа ерга чиқиши ёқтирас эди. Ҳатто, халифа Мансур илтимос қилиб, Ироқقا келишини сўраганда ҳам, рози бўлмаган. У шаҳар ичида доимо пиёда юрар, Муҳаммад (с.а.в) дафн этилган шаҳарда улов минмайман, дер эди.

Имом Молик муҳаддис сифатида ҳадис айтмоқчи бўлса, аввал таҳорат қилар, ўриндиқча яхшилаб жойлашиб олиб, соқолларини тартибга келтирас ва виқору ҳайбат билан ўтириб ҳадис айтишни бошлар эди. Ундан “Нима учун бундай қиласиз?” деб сўрашса, “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини улуғлашни яхши кўраман”, деган жавобни берар эди.

Имом Моликнинг ўша даврдаги ислом оламидаги шон-шуҳрати ўша давр ҳукмдорларининг тинчини бузар, ҳадикларини оширас эди. Натижада халифа Мансурнинг амакиси, Жаъфар ибн Сулаймон имом Моликни жазолашга фармон берди. Унинг кийимларини ечиб, кейин қамчилаб уришди. Қўлларидан тортиб, куракларини чиқаришди. Африкадаги диёрлар халифаликка очиқ қарши чиқдилар ва имом Молик мазҳабларини расман қабул қилганликларини эълон қилдилар. Вазият шу даражага ўзгардики, ўша пайтда аббосийлар ҳукмига қарши қуролли кураш олиб бораётган Муҳаммад Нафсузакий бошлиқ ҳаракат ҳукмдорлар учун имом Молик хатари олдида ҳеч нарса бўлмай қолди.

Буни яхши анлаган халифа Мансур волий Жаъфар ибн Сулаймонни ишдан бўшатди ва пойтахтга олиб бориб жазолади.

Сўнгра, халифа Мансур имом Моликни пойтахтга чақирди. Ҳаж вақтига келиб халифа Мансур иззат икром кўрсатдики, имом Молик ноилож қолиб, уни қечирганини, халифнинг илмли, фазлли одам эканини кишиларга айтишга мажбур бўлди.

Имом Молик 179/796 йили Мадинада вафот этди. Имом Моликнинг ҳам ҳадисда, ҳам фикҳда пешқадамлиги ислом оламида янги бир мазҳабни шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Молик ибн Анаснинг “ал-Муваттоъ” (оммавий, барчага тушунарли) асари моликийлик таълимотининг асосий манбай ҳисобланади. Бу мазҳабнинг IX-X асрларда кенг миқёсда ёйилишида Андалусия давлати муҳим рол ўйнади. Моликийлик мазҳабидаги манбаларнинг аксари ҳам мана шу минтақада ёзилди. Ибн Аттор (ваф. 1050 й), Мұхаммад Тулайтулий (ваф. 992 й) каби имомлар бу мазҳабни Андалусияда ислоҳ қилдилар. Натижада бу мазҳаб Farbda “Андалус мазҳаби” номи остида ҳам танилган.

Имом Молик фикҳнинг асосий манбай сифатида Куръон ва суннага таянган. Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик билан маъқуллаган қоидаларнигина ижмөъ деб ҳисоблаган.

Аммо баъзи уламолар, Куръон ва суннадан сўнг имом Молик мазҳабида манбалар тартибини эътиборга олмаса ҳам бўлади, дейдилар. Лекин шу нарса аниқки, имом Молик Мадина шаҳри аҳолисининг амалларини қиёсдан устун қўйган. Шу билан бирга мусулмонларнинг умумий манбаатларига жавоб берувчи шариат ҳукмларига монелик қилмайди.

Ҳозирда Моликия мазҳаби Африка қитъасида кенг тарқалган. Шунингдек, ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкчиликка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қатор жиноят қонунлари асосини ташкил этади.

## 5.5. Ҳанбалий фиқҳ мактаби

**Таянч иборалар:** Қуръон маҳлук, Ҳанбалий мазҳаби, Аҳли сунна вал жамоа, Ихтилоф ал-уламо.

Аҳли сунна вал жамоанинг фиқҳий мазҳаб асосчиларидан тўртингчиси Аҳмад ибн Ҳанбал. Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибни Муҳаммад ибн Ҳанбалнинг онаси Ўрта Осиёнинг Марв шаҳридан ва отаси Саражсдан бўлиб, тарихчиларнинг фикрича, улар Арабистон ярим орлига кўчиб ўтганлар. Фақиҳ 164/780 йил Бағдод шаҳрида туғилган ва 241/855 йил Бағдод шаҳрида ҳаётдан кўз юмиб, “Боб ал-ҳарб” номли қабристонда дағн этилган. У ёшлигида етим қолиб, фақирликда ўсган ва ўқиган. Ёшлиқданоқ ҳадис илмига қизиқиши уни Яман, Куфа, Басра, Мадина, Макка ва бошқа жойларга сафар қилишга унданаган. Имом Аҳмад, Абу Ҳанифанинг бош шогирди Абу Юсуфдан дарс олган. Кейинчалик, Бағдодда катта муҳаддис Ҳушайт ибн Башир ал-Воситийда тўрт йил мунтазам ўқиб, ундан уч мингта ҳадис ёзиб олган. Маккада имом Шофиъийдан дарс олган. Имом Шофиъий Бағдодга келганда икки фақиҳ орасидаги алоқа яна ҳам мустаҳкамланган. Имом Аҳмад ундан кўпроқ таълим олишга ҳаракат қилган.

Кўпчилик уламолар унинг “Муснад” асарини олтита саҳиҳ ҳадис тўпламига киритадилар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг шогирдлари ва муҳлислари унинг исломдаги ҳуқуқий қарашлари билан фаҳр қилишар эди. Тарихчи ат-Табарий ўзининг “Ихтилоф ал-уламо” асарида Аҳмад ибн Ҳанбални “муҳаддис” деб атаганда, Ибн Ҳанбалнинг муҳлислари тарихчига танбеҳ бериб, уни “фақиҳ” деб атасини талаб этганлар.

Имом Аҳмаднинг ҳаёти сиёсий ва ақидавий ихтилофлар кучайган бир даврга тўғри келди. Айниқса, ўша пайтда мўътазилийлик тарафдорлари кўп ақидавий ихтилофларни амалга оширдилар. Уларнинг ўша даврдаги бошлиқларидан бири Ибн Абу Довуд халифа Маъмунга одамларни мажбур

қилиб “Қуръон махлук” деб айттиришга уринди. Унинг маслаҳати билан халифа Маъмун волийларга аҳли сунна вал жамоа уламоларини “Қуръон махлук” дейишни, уни бажармаганларни эса, жазолашни амр қилди.

Халифа Мўътасим ҳам фитна йўлини давом эттириди. Имом Аҳмадни икки йилдан ортиқ қамоқда қийнашди. Имом Аҳмаднинг эътирофлари кўпчилик олдида бўлишини хоҳлар эдилар. Шунинг учун, одамларни тўплаб, халифа Мўътасим ўзи чиқар ва имом Аҳмадни сўроқقا тутар эди. Ҳар сафар гапсўз фойда бермагандан сўнг Имомни ҳушидан кетиб қолгунча дарра билан уришар, кейин эса, қамоқقا олиб кетишар, бу ҳол эртасига яна янгидан бошланар эди.

Бир куни калтак зарбидан ҳушидан кетаёзган Имомнинг қулогига Ибн Абу Довуд: “Эй, Аҳмад, қулогимга, Қуръон махлук, деб қўйгин, сени халифанинг қўлидан қутқариб оламан”, деди. Шунда имом Аҳмад бош кўтариб: “Эй, Ибн Довуд, қулогимга Қуръон Аллоҳнинг каломи махлук эмас, деб қўйгин, сени Аллоҳнинг азобидан қутқариб оламан”, деди.

Бу воқеа халифанинг тавба қилиши, фитнабоши Ибн Абу Довуд ва унинг шериги Башрул Мусрайсийнинг боши олиниши ва имом Аҳмаднинг эъзозланиши билан тугади. Шундай қилиб, бу Имом мусулмонларнинг катта фитналардан кутулиб қолишларига сабабчи бўлган.

Аҳмад ибн Ҳанбал биринчи марта фиқҳ илмини ҳам ривоят ва ҳам дироят (яъни раъй ва қиёс) асосида ўрганиш учун Абу Ҳанифанинг шогирди ва суҳбатдоши, имом Абу Юсуфдан ўрганди. Лекин ундан кўпроқ фиқҳни эмас, балки ҳадисларни ўрганишга қизиқарди. Унинг ўзи “Биринчи бўлиб мен ҳадис ёзib олган киши Абу Юсуф эди”, деган. У Хулафои рошидун фиқҳи, саҳобалар ва тобиий фиқҳи, шунингдек Шофиъий фиқҳий услубини ўзлаштириди.

У калом илмини ёқтирамаган ва бу ўринда бошқа мазҳабларга қарама-қарши турган. Аҳмад ибн Ҳанбал ўзига хос фиқҳий қарашларга эга эди ва улар билан бошқа мазҳаб

тарафдорларидан ажралиб туради. Унинг ақидасига биноан иймон қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор этиш ва бадан аъзолари билан амал қилишдир. Амал иймоннинг бир бўлаги бўлгани учун у кўпайиб озаяди. Гуноҳи кабираларга қўл урган киши ҳақида мўътазилага қарши туриб, катта гуноҳ қилган киши мўмин эмас, деган фикрини рад қиласди.

Аҳмад ибн Ҳанбал ўзига хос услубга таянган ҳолда Ҳанбалий мазҳабига асос солди ва уни ривожлантиришда Маккада Ибн Аббос орқали куртаклари ўса бошлаган илк ҳукуқий мактабдан фойдаланди. У ўз мазҳаби учун Куръон ва суннани асосий манба қилиб олди. Сўнгра ижмо ва саҳобаларнинг кучли далиллари ўрин олди. Қиёсни бошқа илож топилмагандагина ишлатиш керак, деб ҳисобларди. Барча ҳадислар, ҳатто хабари воҳид ва саҳобалар қавлини қиёсдан устун қўйган. Унинг Муснад китоби 40 мингдан кўпроқ ҳадисни ўз ичига олган.

IX асрнинг 2-ярмида араб халифалигида мұтазилийларнинг ва илоҳиёт соҳасидаги ҳурфиксриликнинг таъқиб остига олиниши туфайли ҳанбалийлик таъсири бирмунча кенгайган ва XII асрда мустақил мазҳабга айланган. X асрда Эронда, XI асрдан XV асргача Сурия ва Фаластинда ҳанбалий издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда ҳанбалий тарафдорлари яна камайиб кетган. Ҳозирда ҳанбалий Саудия Арабистонида расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

## 5.6. Шиалик фикҳ мактаби

Таянч иборалар: Голийла, Гуробийлар, Исно ашария, Имомат, Тақия, ал-Хурр аломилий,

Шиалик оқими асосан икки гурухга бўлинади: голий ва мўътадил шиалар.

Голий шиалар еттинчи асрдан бошлаб Али ибн Абу Толибни пайғамбарлик ёки илоҳий даражага кўтарғанликлари

учун голийлар, яъни муболага қилувчилар деб аталиб келганлар. Улардан бир гуруҳи ақидасига биноан Али ибн Абу Толиб пайғамбар бўлиши керак эди, лекин фаришта Жаброил хато қилиб вахдийни унга эмас, балки Мұҳаммад (с.а.в)га олиб келган. Чунки гуроблар (қарғалар) бирбирига ўхшаганидек, Али ҳам Мұҳаммад (с.а.в)га ўхшарди. Шу сабабли улар “гуробия” деб аталадилар.

Уларнинг яна бир гуруҳи Алини илоҳ мақомига кўтарадилар. Уларнинг фикрича, Худо Алиниң вужудига кириб, унинг жасади билан бирлашган. Уларнинг айрим фирмалари ақидасига кўра гўё ҳар бир имомнинг руҳига улуҳият (худолик) кирган бўлиб, ундан бошқасига ҳам ўтади.

Низорий исмоилийлар имомни Пайғамбардан устунроқ қўядилар. Негаки, уларнинг ақидасига кўра имомат бир ўлмас ва доимий асл (асос)дан иборатдир. Агар имом бир лаҳзага ушбу дунёдан кетганида эди, ҳамма нарсалар нобуд бўларди. Аммо нубувват (пайғамбарлик) вақтинча бир мазҳабий ишдан иборат бўлиб, Худо ўз пайғамбарини имомнинг нотиги (сўзловчиси) сифатида юборади. “Исломда ҳуқуқ” китобида берилган маълумотларга кўра, Огохоннинг издошлари бўлмиш ҳиндистонлик хўжалар ўз имомларини “Мавлоно ҳозир имом”, яъни “ғойиб бўлмаган имом” деб атайдилар. Улар бундан ҳам чуқур кетиб “Пир Садриддин” таълимоти асосида ўз имомларини ҳинд мазҳаблари таъсирида Вишну, яъни инсон қиёфасига кириб ерга келган Худо деб эълон қилдилар. Улар қўйидагидек сигинадилар:

“...Худо ўзини шоҳ Мавло Али Муртазо вужудида кўрсатган. Биз ҳақиқатга бўлган ишқимиз туфайли сенинг ҳулулинг (Алиниң вужудига кирганинг)ни эъзозлаймиз...”

Айни ҳолда хўжалар худонинг бирлиги, Мұҳаммад (с.а.в) нинг пайғамбарлиги ва Алиниң муқаддаслигига гувоҳлик берар эканлар.

Мўътадил шиалар асосан учта мазҳабга бўлинадилар. Уларнинг асосий фарқлари имомларнинг сони нечта

бўлишидан келиб чиқади. Улар жаъфария, исмоилия ва зайдия мазҳаблариидир.

Жаъфарий мазҳаби. Ушбу мазҳаб тарафдорлари Алидан бошлаб, унинг авлодларидан бўлган ўн икки имом борлигига ишонадилар. Шунинг учун улар “исно ашария” (ўн икки имомлик) номи билан ҳам аталадилар. Уларнинг ақидасига биноан, ўн иккинчи имом туғилган бўлса ҳам ҳозирча у “гойиб”, яъни намоён бўлмагандир. Бир куни у зоҳир бўлиб, барча дунё аҳдиниadolat ва иймон сари йўллади. Ушбу мазҳаб Эрон Ислом Республикасининг расмий мазҳаби ҳисобланади.

Жаъфария мазҳабига хос бўлган бир қатор хусусиятлар қуйидагилардир:

1. Имомат – давлат бошқарувини имомларга хос деб ишониш;
2. Куръонни ва ундан кейин ўз имомлари томонидан ривоят қилинган хабарларни асосий манба сифатида қабул қилиб, ижмо ва қиёсни рад этиш;
3. Айрим намозларни бир вақтда қўшиб ўқиш (М: пешин билан аср, шом билан ҳуфтон намозлари);
4. Таҳорат қилишда оёқларни ювмасдан унга масҳ тортиш;
5. Мувакқат никодни қонуний деб билиш;
6. Тақия, яъни хавфли жойларда ўз эътиқод ва мазҳабини яшириш;
7. Азон айтишда “ашҳаду анна Алиян валийуллоҳ” (Али Аллоҳнинг валийлигига гувоҳлик бераман) иборасини қўшиб айтиш;
8. Насроний ва яҳудий аёллар (аҳли китоб аёллари)га уйланишни ҳаром деб билиш.

Шунингдек, уларнинг фикрича: бир ўтиришда учта талоқ берилса, битта талоқ ҳисобланади; талоқ икки одил киши гувоҳлигида қонуний кучга эга бўлади; бола бир аёлни бир кечакундуз ёки кетмакет 15 марта эмгандагина эмизиш ҳукми жорий бўлади.

“ал-Хурр аломилий” ақидағында күра, “бир мұмін киши фақаттана “мұтъа” амалини бажарғандагина ҳақиқий мусулмон бўла олади”.

Эрон Ислом Республикаси Конституциясында күра давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, айниқса, қонунчиллик ва парламент ишлари ушбу мазҳаб нормаларига асосланган ҳолда олиб борилади.

Жаъфария Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Ливан, Ироқ ва Озарбайжонда тарқалган.

**Исмоилия** фирмаси – исломдаги шиа оқимининг асосий шаҳобчаларидан бири бўлиб, ислом тарихида жуда муҳим ўрин тутади. Ушбу фирмә вакиллари турли мамлакатларда ботиния, сабъия, қарматия, таълимия, мулхидия ва ҳ.к. номлар билан ҳам аталган.

Исмоилиянинг пайдо бўлиши VIII асрда шиалар орасидаги ўзаро бўлинишдан бошланди. Шиаларнинг кейинчалик “имомийлар” деб аталган бир груп Жаъфар ас-Содиқнинг кичик ўғли Мусо ал-Козимни еттинчи имом деб тан олдилар. Чунки Имом Жаъфар катта ўғли Исмоилни ворисликдан маҳрум этиб, имомликни кичик ўғлига васият қилган эди.

Аммо, шунга қарамай, бошқа бир груп Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли Исмоилни имомликнинг меросхўри сифатида тан олдилар. Исмоил отаси тириклигида вафот этганилиги сабабли кейинчалик унинг ўғли Мұҳаммад ибн Исмоилни еттинчи имом сифатида қабул қилдилар. Имомия шиаларидан фарқли равишда имоматнинг давомчиси Исмоилдир, деб даъво қилувчи ушбу фирмә ўзларини “исмоилийлар” деб атадилар.

Манбаларда муборакийлар ва хаттобийлар исмоилиянинг гоявий асосчилари сифатида кўрсатилади. Бироқ кейинги исмоилия муаллифлари хаттобийларни танқид қилиб, уларнинг мазкур йўналишга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб таъкидлайдилар.

Муҳаммад ибн Исмоилнинг ўлимидан сўнг улар орасида бўлиниш юзага келди. Улардан бир гуруҳи еттинчи имом деб Муҳаммадни тан олдилар. Шунинг учун улар *сабъия* (еттинчилар) деб аталдилар.

Исмоилия мафкураси шакланишининг илк давридаёқ унинг икки қирраси – “аз-зоҳир”, экзотерик (ташқи) ва “ал-ботин”, эзотерик (ички) намоён бўлди. Аз-зоҳир жиҳати жамоанинг оддий аъзоларига ҳам тегишли бўлиб, ал-ботин жиҳати эса фақатгина “хос” кишиларга тегишли бўлган. Улар исмоилия тузумининг юқори поғоналарини эгаллаган кишилар эди. Ташқи таълимот ўз ичига барча урф-одат ва жамоанинг оддий аъзоларига мажбурий бўлган шариатнинг ҳуқуқий қонунларини олган эди. Исмоилия таълимотининг бу жиҳати имомийлар таълимотидан кам фарқ қиласди. Исмоилиянинг “ички”, эзотерик ақидаси икки қисмдан иборат:

1. Таъвил ал-Куръон – Куръон ва шариатни аллегорик (*ат-таъвил*) тарзда шарҳлаш.

2. ал-Ҳақоиқ – “махфий”, “олий” ҳақиқатларни тафсир қилишга асосланган фалсафий ва илоҳий билимлар тизими. У “неоплатонизм” идеалистик фалсафаси (хусусан, монотеистик-яккахудолик гояларининг бирлашуви, реал дунё воқелигининг кўп қирралиги), Аристотель рационалистик фалсафаси, христиан гностицизми, мистикаси элементлари ва бошқаларни ўзлаштириди. Исмоилия диний-фалсафий тизимининг асосий элементлари космогоник ва даврийлик назариялариди.

Унинг ақидаси ўз ичига диний мажбуриятлар (*фароид ад-дин*) билан бөғлиқ бўлган амалий илоҳиёт (*ал-ибода*), дин арконлари (*аркон ад-дин*) ва назарий илоҳиёт – “сирли илм” (*илм ал-ботин*), Куръонни аллегорик шарҳлашни олади.

Бунда исмоилия илоҳиётчилари “ташқи” ва “ички” жиҳатларнинг бир-бири билан мустаҳкам бөғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Уларнинг диний-сиёсий ақидасининг асоси имомат – Али ибн Аби Толиб авлодларидан бўлган бегуноҳ имомнинг мавжудлигиdir. Исмоилия фирмасининг

дин асослари еттига бўлиб, улардан асосийси имомга итоат этишдир. Қолган олтиласи таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж ва жиҳоддир.

Бу фирманинг ҳуқуқий тизими ал-Қози ан-Нўймоннинг (ваф. 979 й.) “Даъоим ал-ислом” (ислом устунлари) китобида муфассал баён этилган бўлиб, имомия (жаъфария мазҳаби) фикҳи билан деярли мос тушади. Улар орасида мерос, никоҳ ва бошқа баъзи хусусий масалалардагина фарқлар мавжуд.

Бу фирмә вакиллари Ҳиндистон, Покистон, Бадахшон, Арабистон ярим оролининг жануби ва бошқа жойларда мавжуд.

**Нусайрий** (**Алавий**)лар шиаларнинг 12 имомлик фирмасидан бўладилар. Улар ўз йўналишларини Ибн Нусайр номига нисбатлайдилар. Кейинги нусайрийлар ушбу номни ёқтирамайдилар ва ўзларини “алавийлар” деб атайдилар. Лекин турклар уларни бу ном билан аталишини инкор этиб, Суриядаги ўзлари яшайдиган тоғлар номи билан атайдилар. Кейинчалик, француздар XX аср бошларида уларни эски номлари билан атай бошладилар. Шунга кўра Нусайр тоғлари мустақил алавийлар ерларидан ҳисобланади.

Улар насронийларнинг учлик ақидасига ўхшаш таълимотга эга. Уларнинг учликлари – Али, Муҳаммад ва Салмон ал-Форсийлардан таркиб топган. Бу рамз – маъно, исм ва эшик демакдир. Бунга кўра Алини маъно ёки ғайб, яъни Худо, Муҳаммад (с.а.в) исм ёки зоҳир исмнинг шакли, Салмонни эса маънога етакловчи “баб” (эшик) ёки йўл деб биладилар. Салмонни Жаброил фаришта даражасига кўтариб, Муҳаммад (с.а.в)га Қуръоннинг барчасини Салмон етказган деб ҳисоблайдилар.

Нусайрийларнинг шаръий ҳукмлари Қуръонни ботиний услугуда таъвили қилиш асосида ишлаб чиқилади.

Ҳозирги кунда бу фирмә вакиллари Сурия Араб Республикаси аҳолисининг таҳминан 10 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари улар Ливан ва Туркиянинг жанубида жойлашган шаҳарларда ҳам яшайдилар.

Друзлар ҳам ботиний фирмалардан ҳисобланадилар. Улар ўзларини муваххидлар, яъни якка худога ишонувчилар деб номлайдилар. Друзларнинг пайдо бўлиши X – XI асрларда фотимиийлар сулоласидан бўлган халифа ал-Мансур ибн Абд ал-Азиз ал-Ҳоким (996–1021) номи билан боғлиқ. Улар 1017 йили халифа ал-Ҳокимни Худо деб эълон қилганлар. Манбаларда бу таълимот асосчиси ҳақида турли фикрлар мавжуд:

- 1) “Лаббод” лақаби билан танилган Ҳамза ибн Али аз-Завзаний;
- 2) “Аждат” номи билан танилган Ҳасан ибн Ҳидра ал-Фарғоний;
- 3) “Наштакин” лақаби билан машҳур бўлган Мұҳаммад ибн Исмоил ад-Дурузий (ваф. 1019 й.)ни таълимот асосчиси деб ҳисоблайди. Охирги фикр ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисобланади.

Друзлар таълимоти бўйича манба Ҳамза ибн Алиниң “Друз мусҳафи” номли асари аҳамиятли саналади. Ушбу асар 44 та бўлимдан ташкил топган. Асарда Қуръони карим оятлари ўзига хос тарзда талқин қилинади. Масалан, унда халифа ал-Ҳоким итоатидан бош тортгандар охиратда азобда, итоат қилганлар роҳатда, деб таъкиданади. Ушбу асарга қадимги юонон, хусусан Афлотун фалсафаси, яхудийлик ва буддизм таълимотларидан ҳам ғоялар киритилган.

Друзлар исломнинг зоҳирий қоидалари – жаннат, дўзах, фаришталарни, асосий руҳнлари бўлмиш рўза, ҳаж амалларини инкор этадилар. Диний байрамлардан фақат қурбон ҳайитини ва шиаларда мотам маросими ҳисобланган ашуро (таъзийа) ни ишонладилар.

Друзлар жамияти икки табақа: руҳоний ва жисмонийларга бўлинади. Руҳонийлар – ўз динларини чуқур биладиган, эътиқодларида мустаҳкам, барча ман қилинган нарсалардан парҳезкор инсонлар ҳисобланади. Жисмонийлар – ўз динлари ҳақида кўп нарсадан бехабар, дунёвий ишлар билан шугулланадиган жоҳил инсонлардир.

Друзлар таълимотида масжидга бориш, намоз ўқиши шарт эмас. Уларнинг ибодатхоналарида пайшанба кунлари фақат руҳонийларгина тўпланадилар. Ўрта асрлардан бошлаб друзлар ўзларининг меросий мулкларига ва ҳукмдор амирлар сулоласига эга бўлган. Ливанда друз амирлари ҳокимияти, айниқса, Фахруддин II Маон (1590–1633) ва Башир II Шиҳоб (1789–1840) даврларида жуда юксалган. Улар Суря халқининг 1925–27-йилларда французлар ҳукмронлигига ва 1958 йилда Истроилга қарши қўзғолонларида фаол иштирок эттанилар.

Хозирги кунда друзлар асосан Ливан, Истроил, қисман Суря, Иордания билан Ироқ ўргасида жойлашган саҳроларда яшайдилар.

*Зайдийлар* имомлар сонини камайтирадилар. Уларнинг фикрича бешинчи имом Зайд ибн Али Зайн ал-Обидин бўлиб, ундан кейин келган имомлар хатоларга йўл қўйганлар. Улар ҳуқуқий масалалар бўйича суннийларга анча яқин бўлиб, Қуръон ва суннадан кейин қиёсни шариат асослари деб биладилар, раъй, ижтиҳод ва истеҳсонни ҳуқуқий асос сифатида қабул қиласидилар.

Улар биринчи ва иккинчи халифалар Абу Бакр ва Умар ибн Хаттобни бошқа шиалар каби хатокор деб билмайдилар ва уларга эҳтиром билан қарайдилар.

Уларнинг мазҷаб асосчилари Зайд ибн Али фақиҳ ва муҳаддис эди. Унинг фиқий услуби Ибн Аби Лайло ва Абу Ҳанифа услубига яқин бўлган. Абу Ҳанифа унга хайриҳоҳлик билдириб, уруш олиб борган даврида унга моддий ёрдам кўрсатган эди. Яман ўлкаси уларнинг асосий маркази ҳисобланади.

“Мутъа” (вақтинча никоҳ) никоҳини зайдийлар ва фотимиий (исмоилий) шиалар суннийлар каби ноқонуний деб биладилар.

*Шиаларнинг манбалари.* Бу фирманинг таълимотини асослаб берувчи кўплаб китоблар мавжуд. Мисол тариқасида Жаъфар ибн Ҳасан ал-Ҳалабийнинг “Шароиз

ал-ислом”, Мұдаммад ибн Ҳасан ан-Наждийнинг “Жавоҳир ал-қалом”, Мұдаммад ибн Юсуфнинг “Тазкират ал-фуқаҳо” ва бошқаларни көлтириш мүмкін.

Исноъашарийа имомлари қуийдагилар:

Али ибн Аби Толиб (*ал-Муртазо*);

ал-Ҳасан ибн Али (*ал-Мұжтабо*);

ал-Ҳусайн ибн Али (*аш-Шаҳид*);

Али Зайн ал-обидин ибн ал-Ҳусайн (*ас-Сажжод*);

Мұдаммад ибн Али (*ал-Боқир*);

Жаъфар ибн Мұдаммад (*ас-Содиқ*);

Мусо ал-Козим ибн Жаъфар *ас-Содиқ* (*ал-Козим*);

Али ибн Мусо (*ар-Ризо*);

Мұдаммад ал-Жавод ибн Али (*ат-Тақий*);

Али ал-Ҳоди ибн Мұдаммад ал-Жавод (*ан-Нақий*);

ал-Ҳасан ал-Аскарий ибн Али ал-Ҳоди (*аз-Закий*);

Мұдаммад ал-Маҳдий ибн ал-Ҳасан ал-Аскарий (*ал-Хужжат ал-Қоғым ал-Мунтазир*).

## Саволлар

1. Ҳанафий мазҳабида ижтиҳод даражаларини изоҳланг?
2. Суннийлик оқими ва ундаги мазҳаблар ҳақида маълумот беринг?
3. Мазҳабларнинг йўқолиб кетиш сабаблари нима?
4. Абу Ҳанифа ва унинг шахсияти ҳақида маълумот беринг.
5. Абу Ҳанифанинг асарлари ҳақида маълумот беринг.
6. Шиаликда мазҳаблар қандай шаклланган?
7. Шиаликда суннийликка қайси мазҳаб яқинроқ ҳисобланади?

## Мустақил иш мавзулари

1. Суннийликдаги мазҳабларнинг тарихи ва бугуни
2. Шиалик ва суннийлик мазҳаблари орасидаги фарқлар
3. Ислом дунёси тан олган мазҳаблар таянадиган манбалар
4. Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг мазҳаблар ҳуқуқий тизимига таъсири

## Кўшимча адабиётлар

1. Куръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳдар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – 6176.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 39 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-683.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
5. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.
6. Кораев.Т.К. Мусульманское законодательство классического периода: Теория и практика // Востоковедение и Африканстика. Реферативный журнал. – Москва, 2004. Серия 9. – № 2. – С.149-158.
7. Рахманов А., Рахманов А. Исламское право. // Учебник для вузов. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 г.
8. “Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти тараққиётида тутган ўрни” мавзуудаги халқаро конференция материаллари. – Т.: Фан, 2000. – 134 б.
9. Ислам. Энциклопедический словарь / отв. Ред. С. М. Прозоров. – М.: Наука, 1991. – 315с.
10. Сюкийнен Л. Р.. Мусульманское Право. Вопросы теории и практики М.: Наука, 1986
11. Арабаджян А. Иранская революция: причины и уроки. – Азия и Африка сегодня. 1986, № 3, 4.
12. Дорошенко Е. Шиитское духовенство в Иране. – Наука и религия. 1983, №9.
13. Дорошенко Е.А. Иран: О некоторых современных толкованиях проблемы валайате фақиҳ. Восток., 1996 № 4

## **6-БОБ. ТАСАВВУФ**

### **6.1. Тасаввуф таълимотининг вужудга келиши**

**Таяниб иборалар:** тасаввуф, нақибандия, кубровия, нахжория, суфий

Тасаввуф ислом оламидаги халқларнинг ижтимоий-фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган, энг мураккаб ҳамда ўзаро зиддиятларга тўла гоявий оқимлардан бири саналиб, пайдо бўлишининг биринчи асрларида (IX-X) бидъат таълимотлар қаторига қўйилган, унинг тарғиботчи ва ташвиқотчилари беаёв қувғин этилган, баъзилари шафқатсиз қатал этилган.

Муаллифларнинг фикрича, тасаввуф, арабча “суф” сўзидан келиб чиқсан бўлиб, “жун” маъносини англатади. Суфийлар – аксар қўй жунидан тўқилган чакмон ёки пўстин кийиб юрувчи дарвешлардир.

Тасаввуф таълимотининг моҳиятини тушуниб етмоқ учун, энг аввало, унинг назариясини амалиётидан фарқ қилиш зарур. Мазкур таълимот қалбига чуқур жойлашган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг суфийликни мутасаввуфдан ажратгани тасодифий эмас. Гап шундаки, ўзларини тасаввуф аҳлига мансуб деб биладиган тариқатнинг мухлиси бўлган ва энг муҳими, унинг амалиётини ўтаган киппиларни суфийлар деб атаганлар. Тасаввуфнинг гоявий-назарий жиҳатларини ўзига қабул қилган, лекин тариқат амалиётини ўтамаган одамларни мутасаввиф деб ҳисоблаганлар. Ана шу маънода Алишер Навоий ва ўрта асрлар мусулмон дунёсининг аксар шоирлари мутасаввуф эдилар. Чунки улар суфий-амалиётчи бўлмаганлар, лекин гоялар ва қарашларнинг маълум назарий тизими сифатида тасаввуф фалсафаси ва ахлоқий тамойилларини ўзларига қабул қилганлар.

Тасаввуфий түшүнчө ва яшаш тарзи асосан тариқат воситасида халқ орасида кенг тарқалди. Бугунги тариқатларнинг күпине 12 асрда юзага келди. Олдинги асрларда мавжуд бўлиб, тасаввуфий асарларда 12 та дея қабул қилинган тариқатлар, кейинги даврлардаги тариқатларда мавжуд барча унсурларга эга бўлмай, кўпроқ машҳур суфийлар атрофида шаклланган тасаввуф мактаблари дидир. Хужвирий “Каиф ул-махжуб” асарининг З-бўлимни бу тариқатлар ва суфийлар кўпроқ эътибор берган мавзуларга ажратган, уларни кенг миқёсда ўрганган, ислом қоидаларига мувофиқ ва зид томонларини изоҳдаган. Илк давр суфий тариқатлари деб аталадиган бу тариқатлар ва уларнинг аҳлари бўлган суфийлар кўпроқ эътибор қаратган мавзулар қуидагилардир:

А. Илк давр суфий тариқатлари:

**Мухосибия** – Хорис Мухосибий (ваф. 857 й.) тасаввуфидаги Ризо мавзусига кўпроқ эътибор берган.

**Қассория** – Ҳамдун Қассор (ваф. 884 й.) маломат мавзусига кўпроқ аҳамият берган. Бу тариқат маломатия тариқати деб ҳам аталади.

**Тайфурания** – Абу Язид Тайфур Боязид Бистомий (ваф. 848 й.) тасаввуфидаги “сакр”, яъни илоҳий ишқ билан йўғрилган рух жўшқинлигига аҳамият берган, “сакр” ҳолининг “саҳф” ҳолидан ҳам устун деб қабул этилган.

**Жунайдия** – Жунайд Бағдодий (ваф. 909 й.), Бистомийга муқобил равишда “саҳф” ҳолига, яъни илоҳий ишқ мастилигидан қутулиб, тамкин ҳолини эгаллашга аҳамият берган. Шу боис Ҳалложни “анал-ҳақ” ва бошқа сўзлари учун танқид қилган.

**Нурия** – Абу Ҳусайн Нурий (ваф. 907 й.) “исор” (бошқаларни ўзидан афзал билмоқ: жўмардликнинг энг юқори даражаси) фароғат каби жиҳатларга ва сұхбат тарзига аҳамият берган, узлат ва инзиво ҳаётини ёқламаган.

**Саҳлия** – Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 896 й.) асосан нағс билан муркоҳада, риёзат ва чиллага кучли эътибор берган.

**Ҳакимия** – Ҳаким Термизий (ваф. 898 й.) кўпроқ валийлик ва каромат узра тўхталган бўлиб, бу зот орқали тасаввуфга фалсафа кириб келган.

**Харроzия** – Абу Саид Харроz (ваф. 890 й.) фано ва бақо мавзуларига кўпроқ аҳамият берган.

**Ҳафиfия** – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳафиf (ваф. 982 й.) ғайбат ва ҳузур мавзулари устида кўпроқ тўхталган.

**Сайёрия** – Абу Аббос Сайёрий жам ва фарқ мавзуларига аҳамият берган. Ҳужвирий ҳақ деб билган мазкур ўн тариқатдан бўлак яна икки ботил тариқат ҳақида ҳам сўз юритган. Уларни ва “хулумия” га оид деб ҳисоблаган.

**Ҳамложия** – Фориз исмли бир шахсга нисбат берилган. Ҳулул ва танассух ҳақидағи фикрларини Ҳаллождан олган, унинг ҳам ўзи каби фикрлаганини даъво қилган. Ҳужвилий эса Ҳалложнинг бу фикрларига алоқадор эмаслигини таъкидлайди.

**Хулмония** – Абу Хулмон Дамашқийга нисбат берилган. Бу шахс тавҳид эътиқодига амал қилган. Лекин унинг йўлидан боргандар тўғри йўлдан адашганлар ва ҳулул, имтизож ва руҳларнинг танассухини қабул этганлар.

Тасаввуф илмини турли тушунчалар қамраб олган даврда яшаган бу шахслар ва уларнинг фикр қарашлари атрофида йиғилган суфийлар юзага келтирган тасаввуфий мактаблар, Ҳужвилий ва бошқалар томонидан бир тариқат сифатида тиага олинса ҳам, булар кейинги давларда пайдо бўлиб, мумтоз тарзда шаклланган тариқатлар каби эмасди. Шу боис тасаввуф тарихида тариқат дейилганда VI/XII асрдан кейин кенг тарқалган ва юқорида муштарак унсурлари қайд этилган тариқатлар тушунилади.

Абдураҳмон Жомий (1414–1492) ўзининг “Нафоҳат ал-унс мин ҳазарот ал-қудс” (Муқаддас ҳузурлардан эсган дўстлик шаббодалари) асарида олти юзга яқин тасаввуф намояндалари ҳақида маълумот беради. Аммо унинг рўйхатидан жуда кўп Марказий Осиёлик тасаввуф вакиллари тушиб қолган. Уни

тўлдириш мақсадида 1496 йили Алишер Навоий ўзининг “Насойим ал-муҳаббат мин шамойил ал-футувват” (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари) асарини ёзди. Навоий унга туркӣ халқлардан чиқсан шайхлар Аҳмад Яссавий, Ҳаким Ота ва бошқаларни киритган.

## 6.2. Марказий Осиё тасаввуф мактаблари

*Таянч иборалар: низомия, илм ан-назар, яссавия, бектошия, кубравия*

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотларининг пайдо бўлиши йирик мутасаввиф донишманд, шайх уш-шуйух (устозлар устози) Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) номи билан боғлиқдир.

Ҳамадоний 1048 йилда Эроннинг Ҳамадон шаҳри яқинидаги Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. У 17 ёшлигида илм истаб Бағдодга келади ва у ердаги машҳур “Низомия” мадрасасида ўқиёди. Ҳамадоний ҳадислар тўплаш мақсадида Исфаҳон, Балх, Ҳирот, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига бир неча бор сафар қиласди. Ҳамадоний Бағдодда яшаган кезларида ас-Самъоний, Аҳмад ал-Ғаззолий (Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг акаси)лардан ҳам тасаввуфга оид илмларни ўрганади.

Юсуф Ҳамадоний умрининг иккинчи ярмини кўпроқ Ҳирот, Марв, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказади. Марв ва Бухорода хонақо ҳамда мадраса қурдиради ва кўпдан кўп шогирдларни тарбиялайди. Улар орасида кўплаб туркӣ ва форсий миллатга мансуб шахслар бор эди, жумладан Ҳасан Андоқий, Абдулло Бараққий, Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Фиждувонийлар алоҳида ажralиб тураган эдилар.

Юсуф Ҳамадоний даставвал “ilm an-nazar” (рационализм) соҳасида катта мутахассис бўлиб етишса-да, тез орада ўша илмдан воз кечиб, ҳақиқий художўйлик йўлига киради.

90 ёшдан ошган донишманд Бомиён шаҳрида (ҳозирги Афғонистон) оламдан кўз юмади. Васиятига кўра, унинг жасадини шогирдларидан Ибн Анжар Марвга олиб келиб дағн этади.

XII асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавийдир. У 1041 йилда Сайрамда шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. Унинг вафоти кўпгина қўлёзма манбаларда милодий 1166–1167 йил деб аниқ ёзилган. Аҳмад Яссавийнинг ўзи 23 ёшида “устоз Юсуф Ҳамадонийнинг ҳузурига борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига ноил бўлганлигини” ёzáди.

XII асрдан сўнг “яссавия” тариқатидан кейин унинг давоми сифатида Марказий Осиёда икки йирик тариқат пайдо бўлади. Улар “нақшбандия” (Хожагон) ва “бектошия” (иқония) деб ном олган учинчи тариқат ҳам “яссавия”дан тарқалган бўлса-да, унинг таъсир доираси фақат ўша даврдаги Шош (Тошкент) вилояти ҳудуди билан чегараланиб қолган.

“Яссавия” тариқатининг барча ақидалари Хожа Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш “Ҳикмат”да муфассал баён этилган.

XII асрда Марказий Осиёда вужудга келган яна бир йирик тасаввуфий тариқат – “кубрания” мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввиф донишмандлардан бири шайх Нажмиддин Кубро номи билан боғлиқдир.

У 1145–1146-йилларда Хоразмдаги Хивак шаҳрида дунёга келган.

У Мисрда Рузбеҳон Ваззон ал-Мисрий (ваф. 1188 й.) дан, кейинчалик Табризга келиб, шайх Исмоил Касрийдан таълим олади. Сўнгра у Хоразмга қайтиб келиб, хонақоҳ қуради ва кўплаб шогирдлар тарбиясига киришади, ҳамда “кубрания” ёки “зихабия” тариқатига асос солади. Мазкур тариқат соликлари (аъзолари) орасида зикрнинг овоз чиқармасдан “ҳуфия” ижро қилиш усули кенг қўлланган.

1221 йилнинг июлида Чингизхоннинг лашкарбошиларидан бири Хулагуҳонга қарши 76 ёшлик Шайх Нажмидин Кубро ҳалқ орасидан лашкар тўплайди ва Урганч қалъасини бир неча кун душмандан сақлаб туради. Мазкур жанг пайтида шайх Нажмидин Кубро мўғул босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган яна бир йирик тасаввуфий тариқат “нақшбандия”дир. Бу тариқат “хожагон” номи билан ҳам машҳур. Мазкур ном Xожа Абдуҳолиқ Фиждувоний исми ва таълимоти билан боғлиқдир.

Фиждувоний Бухоро вилоятидаги Фиждувон қишлоғида туғилиб, шу ерда (1220 й.) вафот этган.

Абдуҳолиқ Фиждувоний Бухорода Хожагон (кейинроқ “нақшбандия”) таълимотига асос солиб, ўз муридлари учун бир неча қонун-қоидалар, ҳозирги замон тили билан айтганда, одоб-ахлоқ мезонларини ишлаб чиқади. Бундай ахлоқ мезонларини “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарининг муаллифи Фахриддин Али ас-Сафий “Рашаҳа” (томчи, қатра) деб атаб, бевосита Фиждувонийнинг ўз ўғлига қарата айтилган панд-насиҳатлари тариқасида муфассал баён этган.

### **6.3. Тасаввуфга оид тушунчалар: ҳол, фано, бақо, кашф, илҳом, зовия ва хонақоҳлар**

**Таянч иборалар:** суфийлик, бақо ва фано, илҳом, дарвеш, зовия, хонақоҳ

Тасаввуф назарий бўлиши билан бирга, тажрибада кўринадиган амалий илм ҳамдир. У фақатгина назариёт билан чекланиб қолган тушунча эмас. Чунки тасаввуфда мақсадларга фақатгина тушунча ва ўрганиш билан эмас, балки амал қилиш орқали эришмоқ мумкин. Бу ерда амал дейищдан мақсад, фақатгина ибодат эмас, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида маълум бир ният ва мақсадга кўра қилинган ҳар бир фаолиятдир.

**Ҳол** (кўплиги аҳвол; ёхуд ҳолат, кўплиги ҳолат) – буюм, инсон ва ҳолати. Қуръонда ушбу маънода қўлланилмаган.

Суфийлик “психология”сида ҳол – Аллоҳга интилиш “йўлида” суфий, унинг иродасидан ташқари ва муқаммалликка эришганлик даражасидан қатъи назар тушадиган ҳолати.

**Бақо ва фано** (араб. бақо – боқийлик, барқарорлик; фано – фонийлик, йўқолиш, ўткинчилик) – исломдаги тасаввуф билан боғлиқ тушунчча. Ислом динида бақо – Аллоҳ сифатларидан бири. Тасаввуфда бақо Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечиш, барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш, деб ҳам тушунилади. Фано – ўзидағи барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишдир. Тасаввуфда солик фано мақомига етгач, Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга фарқ бўлиб, бу фоний дунёдаги жамики нарсаларни унутуб юборади. Бу мақом “фано филлоҳ” деб аталади.

**Илҳом** – кўнгилга солиш; тасаввуфда солик қалбида Аллоҳ томонидан пайдо этилган фикр. Шариат уламолари фикрича, илҳом қатъий маълумот манбай бўла олмайди. Тасаввуф аҳли, аксинча, илҳомни илоҳий файз деб қабул қилиб, унга асосланиб иш юритади. Илҳом ўз моҳиятига биноан “ақлий илм”дан ҳам фарқланади, чунки илҳом фикр-мулоҳаза юритиш ва холоса чиқариш йўли билан вужудга келмайди. Тасаввуфга кўра, илҳом мўъмин дилини ёритувчи илоҳий нурдир, Куръоннинг ботиний маъносини ҳам илҳом орқали англаб етиш мумкин.

**Зовия** – (араб. бурчак, ҳужра.) суфийлар, дарвешлар, мусофиirlар, фақирлар тўхтайдиган ва яшайдиган маскан. Зовия хонақоҳ ва работлардан ҳажмининг кичикроқ бўлиши ва аксар ҳолларда узлатни ихтиёр қилган шайхлар ҳузурида бўлиши билан фарқланиб турган. Аммо баъзи манбаларда “зовия” ва “хонақоҳ” сўзлари синоним сифатида ҳам қўлланилган. Зовия жомеъ бўлмаган, яъни минбарсиз кичик масжид. Қадимда зовиялар кўп бўлиб, улар ислом оламида тасаввуфнинг кенг тарқалишига хизмат қилган. Зовия маълум бир шайхнинг тасарруфида бўлиб, аксар ҳолларда муайян бир тариқатнинг таълим, тарғибот ва

ташвиқот маркази вазифасини ҳам ўтаган. Ўрта асрларда зовиялар Мовароуннахрда жуда кенг тарқалган бўлиб, улар мусофирихона вазифасини ҳам бажарган. Жумладан, ўрта асрлар машҳур араб сайёҳи ибн Баттута (1304–1377) ўзининг “Сафарнома” номи билан машҳур “Түхфат ан-нуззор” асарида Мовароуннахрга қилган саёҳати давомида элликдан ортиқ зовияга тушгани, уларнинг ҳар бирида мусофирилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилингани, буларнинг эвазига эса ҳеч нарса талаб қилинмаслиги ҳақида тўлқинланиб ёzáди. Ибн Баттута Бухорода авлиё шайх Сайфиддин Бохартзм мақбараси ёнида жойлашган зовияга тушгани ҳақида ҳикоя қилиб, бу зовиянинг вақф зурриётларидан экани, мазкур шайх уни зовиядаги меҳмондорчиликка чақиргани, зовияларда Куръон тиловати ва маъruzалар қилгани, шунингдек, туркий ва форсий тилларда қўшиқлар ижро этилганини баён этади.

**Хонақоҳ** (форс.-уй) – дарвешлар, қаландарлар, шунингдек, ғарип ва мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиласидан уй – қаландархона, дарвешхона. Мусулмон мамлакатларида зовия, такъя, работ номлари билан ҳам юритилади.

XII аср бошларида тасаввуфга қизиқиш ошиб бориши, муридларнинг сони ўсиб бориши, ихлосмандларнинг тобора кўпайиб бориши натижасида – хонақоҳлар пайдо бўлди. Хонақоҳ бинолари кўпинча алоҳида мустақил бино сифатида аҳоли яшаш ҳудудларидан холироқ жойларда ёки баъзан масжидга туташган ҳолда барпо этилган. Одатда хонақоҳ мажмуа сифатида фаолият олиб бориб, ошхона ҳамда мурид ва ихлосманҷ тингловчилар учун меҳмонхона, зикр тушиш хоналари, чиллахона баъзан эса мактабларни ҳам ўз ичига олган. Аксар ҳолларда мажмуа ҳовлисида тариқатга асос солган шайх ёки бирон-бир авлиё мақбараси ҳам бўлган. Маълумотларга қараганда энг биринчи хонақоҳ Фаластиндаги Рамла шаҳрида VIII аср охирларида бунёд этилган. Ҳамма суфийлар ҳам хонақоҳ тизимини маъқулламаган бўлса-да у ўз даври учун ўзига хос маърифий маскан ролини ўтаган.

Хонақоҳлар фақатгина зоҳидлар, дарвеш ва қаландарлар тўхтайдиган жой эмас, балки диний таълим мактаблари вазифасини ҳам бажарган. Хонақоҳлар ҳузурида кутубхона, ўқув хоналар бўлиб, у ерда ўқитувчилар ҳам фаолият олиб борган. Хонақоҳлар давр ўтиши билан мукаммаллашиб бориб, муайян кўринишдаги тизимли мажмууга айланган. Кейинги давр хонақоҳларида ўзига хос маъмурий тизимни ҳам учратиш мумкин. Ҳар бир хонақоҳда шайх ва имом билан бир қаторда вақф ишлари нозири, муаззин, кутубхоначи, келувчиларни қайд қилувчи мирза, ҳаммом масъули, ҳажжож (қон оловчи), сувчи, гўлаҳ, фаррош, шайх хизматкори каби ходимлар фаолият олиб борган. Бундай хонақоҳлар сахий ходимларнинг эҳсонлари, вақф қилинган мулклардан тушадиган даромадларга таянган. Самарқанддаги Қусам ибн Аббос мақбараси ёнидаги хонақоҳ ҳам тахминан ана шундай тизимга эга бўлган. Ҳукмдорлар ҳам ҳонақоҳ барпо этишга алоҳида эътибор қаратганлар. XV–XVII асрларда суфийлар хукмрон табақалар билан яқинлашиб, улардан катта миқдорда молиявий ёрдам ола бошлидилар. Бу жараён хонақоҳ биноларининг қурилишида ҳам ўз аксини топди.

Хурросон ва Мовароуннаҳрда хонақоҳларнинг пайдо бўлиши ибн Карром (806–869) ва у асос соглан карромийлар фаолияти билан боғлиқ. Мазкур минтақада карромийлар биринчилардан бўлиб ўз таълимотларини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун хонақоҳ тизимидан унумли фойдаландилар. Мазкур тизим туфайли ўз гояларини омма ўртасида кенг тарқалишига ва маълум бир муддат издошлари сони кескин равишида ортиб кетишига эришдилар. Мовароуннаҳр ҳонақоҳларида турли даврлар учун хос бўлган меъморий ечимларини кўриш мумкин. XVII асрга келиб эса пештоқли, гумбазли, ўртада зикрхона ва атрофида ҳужралар бино қилинган шаклдаги хонақоҳлар кенг тарқалди. Мовароуннаҳрдаги машҳур ҳонақоҳлар: Самарқанддаги Абду Ҷарун, Улуғбек ҳонақоҳлари (XV аср),

Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамбидаги Нодир Девонбеги хонақоҳи (XVII аср), Термиздаги Кокилдор ота, ал-Ҳаким ат-Тирмизий мақбараси олдидағи хонақоҳ, Бухородаги Ҳожа Порсо (XV аср), Бухородаги Ҳожа Зайниддин, Чор Бакр (XVI аср), Ёрмуҳаммад Оталиқ (XVII аср), Шайх Ҳудойдод, Баҳоуддин Нақшбанд хонақоҳлари, Ғиждувондаги Декон Бобо, Тошкентдаги Ҳазрати Имом хонақоҳлари.

**Такъхона, Такъя** (турк.) – форсларнинг хонақоҳига муқобил равишда туркийлар томонидан барпо этилган. Хонақоҳ таълим бериш вазифасини ҳам ўтаган бўлса, такъхона асосан дарвеш, қаландар ва мусофиirlар учун яшаш жойи сифатида қурилган. Бажарадиган вазифасига кўра хонақоҳ ва такъянинг қурилиш меъморчилиги бир-биридан фарқланган. Одатда такъхоналар боғчали ва ўртасида ҳовуз ёки фаввора бўлган ҳовлини ўраб турувчи кичик қуббали очиқ айвонлар, масжид ва дарвешлар яшайдиган хужралардан иборат бўлган. Салжукий ва усмонийлар султонлиги давридаги такълар атрофида кўпинча қабристон, ҳаммол, масжид, молхона, баъзан тегирмон жойлашган. Агар дарвеш такъхонада вафот этса, у шу ернинг ўзида дафи этилган. Мавлавийя тариқати такълари усмонийларнинг барча жойларида тарқалган эди. Такъларнинг иқтисодий таъминоти султонлар, сахий амалдорларнинг ажратган вақфлари ҳисобига амалга оширилган. Натижада такълар хукмрон доиралар олдида бирқадар тобе ҳам бўлиб қолган. Аксарият такъларда шайхлик отадан ўғилга ўтиш анъанаси вужудга келган.

**Рибот** – VII–X асрларда Кичик ва Ўрта Осиё ҳамда Шимолий Африкада мусулмонларнинг христианлар (ёки бутпарастлар) билан чегарадош бўлган ҳудудларида барпо этилган ҳарбий истеҳком ёки қалъалар. Риботларда истиқомат қилган мусулмонлар “муробит” деб аталиб, одатда кўнгилли суфийлардан бўлганлар ҳамда гайридинлардан ҳимоя урушларида қатнашганлар. Риботлар гайридинлар билан чегарадош ҳудудларда ислом динини тарғиб ва

ташвиқ қилиш марказлари сифатида ҳам тарихда машхур бўлганлар. Муробитлар энг олийжаноб хулқ намунасини намоён қилганлари ҳақида кўплаб афсоналар тарқалган. Дин ва ватан йўлидаги шаҳидлик энг юксак мартабалардан деб ҳисоблангани учун ҳам кўпчилик суфийлар риботларда хизмат қилишини хонақоҳ, зовия ва такяларда ўтириб ибодат қилишдан устун кўрганлар. Ҳатто машхур саҳобий Абу Ҳурайра ҳам “Аллоҳ йўлида бир кечада муробит бўлиш, лайлатул қадр кечаси қора тош олдида бедор бўлишдан афзал” эканини таъкидлаган. XI–XII асрларда Марокашда пайдо бўлган ал-Муробитун ҳаракати ва давлати ўз номини рибот атамасидан олган. Тахминан XI аср бошларида риботлар Шош, Хурросон, Ироқ ва Мисрда ўзининг ҳарбий аҳамиятини йўқота бошлади ва дарвеш қаландарларнинг қароргоҳи – хонақоҳларга айланди. Чунончи, XVI аср олими Ибн Марзуқ суфийлар наздида рибот “Хою ҳавасга қарши жиҳодда нафсни қўлга олиш ва зулмга нисбатан доимо огоҳ бўлиш” деб тавсиялаган эди. Яъни рибот энди гайридинларга қаршилик кўрсатиш истеҳкоми эмас, балки шахсадаги нафс, ҳою ҳавасларга қарши курашиб марказига айланди. Кейинчалик риботларнинг айнан шу маъноси бугун мусулмон дунёсига ёйилди. Шошдаги Асқалон, Тартус, Акка риботлари, Мисрдаги Искандария риботи, Ироқдаги Аббадон ва шу каби бошқа риботлар ўзининг гайридинлар билан чегара ҳудудидаги истеҳком вазифасини ўтаб бўлганидан сўнг оммавий зиёратгоҳга айланиб қолган.

### Саволлар

1. Замонавий тасаввуф тариқатлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Тасаввуфда “ҳол” тушунчаси нимани англатади?
3. “Фано”, “Бақо” тушунчаларини изоҳланг?

### Мустақил иш мавзулари

1. Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ал-унс мин ҳазоратул-қудс” асарида тасаввуфий қарашларнинг акс этиши

2. Кашф ва илҳом тушунчалари
3. Нажмиддин Кубро тасаввуф намояндаси сифатида
4. Зовия ва хонақоълар тасаввуфда нимани англатади.

### Кўшимча адабиётлар

1. Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул-унс мин ҳазорот ул-қудс” (Муқаддас ҳузурлардан эсган дўстлик шаббодалари).
2. Фахруддин Али ас-Сафий “Рашаҳот айн ул ҳаёт” ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзма асарлар институти хазинаси, Иш № 3593. Литография. Лакнав. 1980. 6-7 бетлар.
3. Бўронов Қ.Б. Тасаввуф фалсафаси хусусида. – Т.: Ёзувчи, 2000.
4. Абдулмунъим ал-Ҳифний. ал-Мавсуа ас-суфийя. – Коҳира: Мактаба мадбулий, 2006. – 1376 б.
5. Ислом. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К. 1. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
7. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – 180 б.
8. Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 314 с.
9. Arberry A.J. Sufism. – London: George Allen and Unwin LTD, 1950. – 141 p.
10. Encyclopedie de l'islam. 10 томлик. – Leiden: Brill, 2000. В. X.
11. Idries Shah. The way of the sufis. – London: Jonatan Cape, 1968. – 288 p.

## **7-БОБ. ДИНИЙ БАГРИЕНГЛИК ВА МУТААССИБЛИК**

### **7.1. Багриенгликтининг ижтимоий-тарихий можияти**

**Таянч иборалар:** багриенглик, багриенглик маданияти, мутаассиблик, ақидабозлик.

Кишилик жамияти ҳамиша ўзига хос манфаатларга эга бўлган катта-кичик гурӯҳ ва қатламлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга турлича ёндашувларнинг мавжудлиги билан характерланиб келган. Манфаатлар ва ёндашувлар хилма-хиллиги, бир томондан, ижтимоий ҳаётнинг бойишига, ривожланишинг оқилона йўлларини топишга, иккинчи томондан, жамият тараққиётини издан чиқарган муросасизлик ва тоқатсизликнинг турли қўринишлари пайдо бўлишига замин яратган.

Тарих бағриенглик ва тоқатсизлик ҳолатлари жамият тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлганидан далолат беради. Бугун дунё глобаллашув, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида тобора яхлит ва бир бутун характер касб этиб бормоқда. Капитал ва товарлар оқими билан бир қаторда уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу одамлар орасида ўзаро муросасизлик, тоқатсизлик қўринишларини бартараф қилиш, жамиятда бағриенглик маданиятини қарор топтириш том маънода глобал, инсоният истиқболига дахлдор масалага айланганини кўрсатади.

Жамият ҳаётида тенглик, адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўргасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳининг қарор топишига замин

яратади. “Бағрикенглик тамойиллари Декларациясы”да таъкидланғаныдек, “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”

“Бағрикенглик” (толерантлик) сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Хусусан, ушбу тушунча чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, муруватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эгалигини қайд этиш лозим.

Бағрикенглик моҳият эътибори билан энг аввало, ҳар томонлама мукаммал бўлган ва танҳоликка даъвогарлик қилувчи ҳодисанинг ўзи йўқлигидан келиб чиқсан ҳолда “бошқалар” ҳамда “ўзгача” нарсалар, ҳодисалар ва фаолият шакларининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакларини тўғри тушуниш ва англашни билдиради.

Ўзаро бир-бирини тушунмаслик инсоният тарихи давомида ўзаро шубҳаланиш ва ишончсизликнинг илдиз отишига ҳамда турли ихтилофлар ва низоларга сабаби бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, буюк аждодимиз Абу Райхон Берунийнинг “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”, – деган фикрлари чуқур мазмунга эга.

Ушбу фикрларга таянган ҳолда, айнан “бошқалар” ҳамда “ўзгача” ҳодисалар ҳақидағи асосланган, ишончли ва ҳақиқий билимлар бағрикенглик маданиятининг асосий унсури хисобланиши ҳақида холоса чиқариш мумкин.

Бағрикенглик маданиятининг яна бир унсури ана шундай билимлар замирида шакланадиган қадриятлар, баҳолар тизимиdir. Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган қадриятлар, баҳолар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, улар бағрикенглик маданиятининг имкониятларини белгилаб беради ҳамда муросасизлик ва тоқатсизликнинг турли кўринишлари йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Жумладан, бунда “бошқаларга”, уларнинг фаолиятига, “ўзгача”

нарсалар ва ҳодисаларга ўз қадриятларидан келиб чиқиб баҳо бермаслик мұхим ақамият касб этади.

Шу нүктаи назардан қараганда, ўзбек халқи маңнавий меросида бағрикенглиқ мәданиятини шакллантиришга қаратылған қадриятлар чүкүр илдизга әгалигини таъкидаш зарур. “Халқимизнинг этник, мәданий ва диний сабр-бардоши, – деб ёзади Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, – маңнавий үйғонишининг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, мәданиятлар ва турмуш тарzlари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглиқ ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон мәданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган”.

Асрлар давомида шаклланган ана шу қадриятлардан турли ижтимоий гуруҳлар вакилларига, уларнинг ҳис-туйғуларига эътибор ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни намоён этувчи, кишиларнинг бир замон ва маконда ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат яшашига йўл очувчи бағрикенглиқ мәданиятини янада юксалтиришда фойдаланиш мұхим ақамиятга эга.

Бағрикенглиқ мәданияти тизимидағи билимлар ва қадриятлар учинчи мұхим унсур – “бошқалар” ҳамда “ўзгача” нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти ва ўзига хос ҳусусиятларини ҳурмат қилишдек ҳаракатларда намоён бўладиган амалий фаолият тизими билан боғлиқ.

Бағрикенглиқ ҳақида гап кетар экан, у ўз қарашлари ва қадриятларидан воз кечиши, у ёки бу ўзига хосликларга ён бериш ёки уларга бефарқликни эмас, балки воқеликка нысбатан фаол муносабатни, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олишни ҳамда унинг тантанаси учун кўмаклашишдек амалий фаолиятни англатишини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Субъектига кўра шахс, ижтимоий гуруҳ ва жамият бағрикенглигини фарқлаш унинг моҳиятини чукурроқ тушунишга ёрдам беради. Чунки, уларнинг ҳар бирида

бағрикенглик ўзига хос хусусиятлар касб этади. Хусусан, алоҳида олинган шахс даражасида бағрикенглик ҳар қандай вазиятда ҳам у ёки бу асосда шаклланган қадриятларниң мазмунини тушуниш ва түғри баҳолашга интилишни, ақидабозлик ва муайян ҳақиқатни мутлақдаштиришга йўл қўймасликни билдиради.

Бағрикенглик жамият ва давлат даражасида ўзига хос қирраларга эга бўлади. Чунончи, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча кишилар ва алоҳида шахсларга бир хил ёндашув ҳамда тенг имкониятларни таъминлайдиган адолатли қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда, ҳеч қандай камситишларсиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, ётсираш ва тоқатсизлик, мутаассиблик ва душманликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳам жамият ва давлат даражасида бағрикенглик маданияти даражасининг мухим индикатори сифатида чиқади.

Умуман олганда, ҳар қандай ўзига хосликка очиқлик ва хайрикоҳлик билан муносабатда бўладиган, ўзликни ифодалаш ва намоён қилишнинг хилма-хиллигини ҳурмат қилишга асосланган бағрикенглик барқарорлик ва тараққиётнинг мухим омили ҳисобланади.

## 7.2. Диний бағрикенгликнинг мазмуни

*Таянч иборалар: диний бағрикенглик, виждан эркинлиги, ибодат, диний ташкилот*

Диний бағрикенглик турли динга эътиқод қилувчилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳининг устуворлигини англаради. У диний ташкилотлар, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг тизимили ва тадрижий фаолияти, алоҳида олинган кишиларниң бу борадаги талаблар, қоидалар ва қадриятларга оғишмай амал қилиши натижасида воқеликка айланади.

Кишиларда виждон эркинлиги билан боғлиқ билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шароитларнинг яратилиши давлат томонидан жамиятда диний бағрикенглик мұхити устувор бўлишини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу билан бирга, эътиқодий асосдаги душманлик ва адоват үйғотадиган, ҳис-туйғуларни ҳақоратлайдиган ҳаракатлар, ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган реал механизмларнинг яратилгани ҳам диний бағрикенглик барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Диний бағрикенгликнинг устуворлигига эришишда диний ташкилотларнинг мавжуд ҳукуқий ҳужжатлар талаблари доирасида фаолият олиб боришининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Хусусан, яширин диний фаолиятга йўл қўйилмаслиги турли кўринишлардаги мутаассиблик ва экстремизмнинг олдини олишга, конфессиялар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат, тинчлик ва тотувликни таъминлашга хизмат қиласи. Шунингдек, диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини издан чиқаришга қаратилган, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ва бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмаслик ҳам ниҳоятда мухим ҳисобланади.

Алоҳида олинган кишиларда диний бағрикенглик маданиятини тарбиялашда эса дин кишиларнинг ижтимоийлашувига, ҳаёт тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи омиллардан бири экани ҳақида тизимли тасаввурлар ҳосил бўлишига эришиш мұхим аҳамият касб этади. Ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик баробарида хоҳлаган динга эътиқод қилиш инсоннинг конституциявий ҳукуки эканини англаш, диний муросасизлик, нафрат ва зўравонликларнинг асл сабаблари, манбалари ва илдизлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиш ҳам шахсада диний бағрикенглик маданияти шаклланишида ўзига хос ўринга эга.

Бошқа эътиқод шаклларига нисбатан нохолислик, паст назар билан қараш, уларнинг соҳибларига салбий муносабат

тариҳнинг ҳамма даврларида кўплаб фожиаларни келтириб чиқарганини инобатга оладиган бўлсак, бундай билимларнинг ҳаётий-амалий аҳамияттага эгалигини англаш мумкин.

Диний ибодат, расм-русумлар ва маросимларга ётсираб қараш умуминсоний маданият ва маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатган бўлса, диний заминдаги адоват ва душманлик, ақидапарастлик ва экстремизм инсониятнинг бир бутунлиги, тинчлиги ва тараққиётига таҳдид солмоқда. Диний қарашларни мажбуран сингдириш йўлидаги уринишларнинг турли шакл-шамойил касб этиб, кенгайиб бораётгани эса инсоннинг виждан эркинлиги билан ҳукуқларини хавф остида қолдирмоқда. Буларнинг барчаси инсонда тегишли билимлар ва баҳолар билан бир қаторда фаол ижтимоий позицияни шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, кишиларда юртимиизда тарихан диний заминдаги адоват ва келишмовчиликлар бўлмагани, турли конфесиялар ва дин вакилларига нисбатан юксак эҳтиром ва ҳурмат, ўзаро муросада яшашга интилиш ҳалқимизнинг асрлар оша камол топган фазилатларидан бири экани ҳақида тегишли билим, кўникма ва қадриялар тизимини шакллантириш ҳам багрикенглик маданиятини тарбиялашнинг зарурый шарти ҳисобланади.

### **7.3. Мутаассибликнинг гайриинсоний можияти**

**Таянч иборалар:** Мутаассиблик, бутпарастлик, фанатизм.

Багрикенглик анъаналари қанчалик қадимий илдизларга эга бўлса, тоқатсизлик ва муросасизлик билан боғлиқ қарашлар ва ҳаракатларнинг илдизлари ҳам шунчалик қадимийdir. Мутаассиблик (фанатизм) унинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир.

Мутаассиблик кенг маънода муайян гояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга мукласидан берилганликни, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва гояларга муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти-ҳаракатларни англатади. Унинг

хусусий кўринишларидан бири бўлган диний мутаасиоблик эса ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирмә ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмасликни билдиради.

Кишиларнинг осойишталиги ва хавфсизлигига раҳна соладиган террорнинг барча кўринишлари бузғунчилик-фасод ишлардан саналади. Қуръоннинг “Бақара” сураси 205-оятидаги “Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди” деган оят тушунчаси исломнинг террорга бўлган ўта салбий муносабатини белгилайди. Мутаассиоблик, экстремизм ва террорчилик одатда бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига олиб келади. Қуръонда эса бундай ҳолатлар “Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам ҳудди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир” (“Моида”, 32) дея қатъий қораланганди.

Айни пайтда, диндаги муайян қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан қатъи назар, кўр-кўrona қўллаш ва мутлақлаштиришга интилиш, ўз ғояларини тарғиб этиш ва унда ифодаланган мақсадларга эришишда тушунтириш ва ишонтиришдан кўра муросасизлик, куч ишлатиш ва зўравонликка таяниш ҳам унга хос хусусиятлардан ҳисобланади. Мутаассиоблик барча даврларда турли дин, мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинилик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.

“Соф исломдан чекинган” давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва исломда “ширк” (бутпарастлик) ка барҳам беришга даъво қилиш исломни ўзига байроқ қилиб олган мутаассиб гуруҳларга хос яна бир умумий хусусият ҳисобланади. Шу билан бирга, азиз авлиёлар хотираларига ҳурмат, қабрлари жойлашган ҳудудларни обод қилиш ва озода сақдашни ҳам бутпарастлик, деб ҳисоблаш бундай гуруҳларни бирлаштириб турувчи ғоялар сирасига киради.

Бугунги кунда ислом байроғи остида фаолият олиб бораётган, мутаассиб гуруҳларнинг аксарияти куч ишлатиш усулларини қўллаган ҳолда қонуний ҳокимиятга қарши кураш

олиб бормоқда. Диний таълимни ташкил этиш, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университетлар фаолиятида иштирок этиш, турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ва шу йўл билан ҳокимиятга эришишга ҳаракат қилишни даъво қилаётган гуруҳлар ҳам охир-оқибатда жангариларни тайёрлайдиган инкубаторга айланиб қолаётгани мутаассибликнинг зўравонликка асосланганини англашга ёрдам беради.

Мутаассиблик инсоннинг илмсизлиги ва жоҳиллигининг ҳосиласи, унинг ўзига хос шаклидир. Онги заҳарланган ва мутаассибга айланган кишилар ўзлари қилаётган ишларни тўгри деб ҳисоблаган ҳолда, ҳар қандай номақбул ишлардан ҳам бош тортмайдилар. Ваҳоланки, уларни бу йўлга бошлаган “раҳнамоларнинг” асл мақсади моҳияттан ғайриинсоний характеристерга эга. Зоро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек “Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга олиб келмоқда”.

Ҳар қандай жамият учун, қандай шаклда чиқишидан қатъи назар, мутаассибликнинг таҳдиidi ақидапарастликка асосланган ғояларни ёйиш орқали давлатга, унинг раҳбарларига бўлган ишончни йўққа чиқаришга уринишда намоён бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Бунда диний асосда қарама-қаршиликни ва унинг оқибати сифатида ижтимоий парокандаликни юзага келтириш ғараз мақсадларга эришишнинг асосий шарти деб қаралади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган бугунги қунда кишиларнинг виждан эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақида айюҳаниос солиш орқали конкрет мамлакатларнинг халқаро обрўсига путур етказишга уриниш ҳам мутаассиб гуруҳлар стратегиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

Диний мутаассиблик давлатлараро муносабатларда чигалликлар, ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаришга замин яратиши билан ҳам хавфидир. Кўп конфессиялилар шароитида ақидапарастлик ғоялари ривожи ва унга асосланган ҳаракатларнинг кучайиши цивилизациялараро қарама-қаршиликни кучайтиришга йўл очиши мумкинлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Глобаллашув шароитида, ҳалқаро алоқалар тобора эркинлашаётган бир пайтда мутаассиб гуруҳлар ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй берадиган террорчилик ҳаракатлари бу ҳодисанинг нафақат инсониятнинг бугунги куни, балки истиқболи учун ҳам реал таҳдида айланганини кўрсатади.

### **Саволлар**

1. Бағрикенглик ва диний бағрикенглик деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистондаги диний конфессиялар фаолияти
3. Диний бағрикенглик бўйича тузилган ҳалқаро келишувлар

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Диний бағрикенгликнинг тарихий илдизлари
2. Бағрикенглик тушунчасини ёшлар онгига сингдириш услублари
3. Мутаассибликнинг заарли жиҳатлари

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
2. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.
3. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т.: 2000.
4. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.

## **8-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР**

### **8.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан виждан виждан эркинлигининг кафолатланиши**

*Таянч иборалар: Виждан виждан эркинлиги, диний ташкилотлар, диний секта, миссионерлик.*

Давлатимизнинг виждан эркинлигига муносабати – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга”, - деган қоидада ўзининг аниқ ҳуқуқий-қонуний ифодасини топган. Демак, “виждан эркинлиги” деган тушунчанинг мазмун-моҳияти хоҳлаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқидан ташқари, ҳеч қандай динга эътиқод қиласлик ихтиёрини ҳам қамраб олади. Ҳар бир фуқаро ҳақли бўлган бундай ҳуқуқнинг бузилмаслиги учун мазкур модда “диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди” деган муҳим қоида билан тўлдирилган. Бунинг замирида виждан эркинлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидни бартараф этиш истаги ётади.

Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда ҳар доим муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Бинобарин, унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Виждан эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва барқамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставидан тортиб барча халқаро ҳужжат

ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг Конституция ва қонунларида виждан эркинлиги ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек, бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда якка тартибда ёки одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

XXI аср бошида давлатлар ҳамкорлиги борасида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг сони 1000 дан ортиб кетди. Улардан 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир. Халқаро ташкилотлар орасида энг нуфузлиси ва йириги Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир (БМТ). БМТнинг 1945 йили қабул қилинган Уставида ўзаро бағрикенглик руҳида яхши қўшничилик кайфиятида яшаш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб, ҳаракат қилиш асосий мақсадлардан бири, деб эълон қилинди.

БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) мавжуд. Ушбу ташкилот томонидан ҳозирга қадар ишлаб чиқилган 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қаторида 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” алоҳида ўринга эга эканини таъкидлаш зарур.

Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қарааш каби мажбуриятлар акс этган.

1998 йил 6 ноября Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида “Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидағи фаолияти”

Декларацияси қабул қилинди. ЮНЕСКОнинг “Тинчлик маданияти” концепцияси БМТ томонидан маъқулланиб, 2000 йил “Халқаро тинчлик маданияти йили”, 2001 йил эса “Халқаро маданиятлараро мулоқот йили”, деб эълон қилинди.

1995 йилда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг “Динлараро ва маданиятлараро мулоқот” Дастири қабул қилинди. У диний урф-одатлар ва ўзига хос маданий қадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қиласди. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997), Тошкент (2000) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.

2000 йил 13-15 сентябрда Тошкентда ўтган динлараро мулоқот ЮНЕСКО Конгресси Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хилликни муҳокама қилди. Унда 40 га яқин давлатдан 80 дан ортиқ турли дин ва конфессияларга мансуб вакиллар, етук мутахассислар иштирок этди. Конгрессдан сўнг 18 сентябрда Бухоро шаҳрида “Тасаввуф ва динлараро мулоқот” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда “тасаввуф”га бағрикенгликни тарғиб этувчи, тинчликка чақиравчи ислом динининг ноёб, ўзига хос кўриниши, деган таъриф берилади. Шунингдек, 2001 йил сентябрда Тошкентда ўтган Осиё – Тинч океани миңтақаси ЮНЕСКО “Бағрикенглик тармоғи”нинг иккинчи ийғилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқининг урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланди.

Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан 2007 йил 14-15 августда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам мамлакатимизнинг жамиятда

бағрикенглик маданиятини камол топтириш йўлидаги ютуқлари яна бир бор эътироф этилди.

Анжуманда 30 дан ортиқ давлатлардан келган меҳмонлар, жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, ЮНЕСКО вакиллари, шунингдек, 100 дан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, таниқли диний уламолар иштирок этди. Анжуман қатнашчиларининг яқдил фикрича, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизмати билан ислом маданияти ва фани тараққиётига, ислом цивилизациясини ривожлатириш орқали бутун дунё цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса қўшган. Бугунги кунда ҳам мамлакатимиз бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, маърифатни ислом гояларини ёйиш ҳамда диний бағрикентликни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда бутун дунёга ўрнак бўлмоқда.

Тарихан дин давлат ва унинг ҳуқуқий тизими ривожланишига жуда жиддий таъсир ўтказиб келган. Бугунги кунда диний-ҳуқуқий таълимотларнинг давлат ва ҳуқуқ ривожланишига, виждан ва эътиқод эркинлиги амалга оширилишига таъсири қуидаги халқаро-ҳуқуқий шаклларда намоён бўлади:

– фикрлаш, виждан, дин ва эътиқод эркинлигининг ҳамда дин ва эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситилишларга йўл қўймасликнинг конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлари. Давлатлар томонидан қабул қилинган конституциялар ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган асосий қоидалар инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятта эга. Зоро, айнан улар давлат органлари аралашувидан холи бўлган шахс ва жамоа эркинлиги, жумладан, фикрлаш, виждан, дин ва эътиқод эркинлиги қаби асосий тамойилларга тааллуқли соҳани яратади;

- миллий конституциялар ва қонунчилик доирасида фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари;

- дин ва эътиқод асосида тоқатсизлик ва камситишларнинг оддини олишга қаратилган ва бундай ҳаракатлар содир этилганда тегишли жавобгарликни назарда тутадиган жиноят қонунчилиги;

- шахснинг ўз хоҳишига кўра динга ёки эътиқодга эга бўлиш эркинлигини камситувчи, мажбурулашни тақиқловчи конституциявий ва ҳуқуқий қоидалар;

- боланинг дин ёки эътиқод билан боғлиқ соҳада таълим олиш ҳуқуқига тааллуқли конституциявий ва қонунчилик қоидалари;

- динга эътиқод қилиш ёки эътиқодни эркин ифодалашга оид конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлар ҳамда бу эркинликка нисбатан чекловлар;

- дин ёки эътиқод билан боғлиқ маросимларни бажариш ёки шу сабаб билан тўпланиш, шу мақсад учун жойлар ташкил этиш, уларни сақдаш;

- тегишли хайрия ва инсонпарварлик ташкилотларини тузиш ҳамда улар фаолиятини йўлга қўйиш;

- диний маросимлар ёки урф-одатлар ёхуд эътиқод билан боғлиқ ахборот материалларини яратиш, чоп этиш ва тарқатиш;

- дин ёки эътиқод билан боғлиқ таълимни бундай мақсад учун мос бўлган жойларда олиб бориш;

- алоҳида шахслар ва ташкилотлардан кўнгилли молиявий ёрдам ҳамда бошқа эҳсонларни сўраш ва қабул қилиш;

- у ёки бу дин ёки эътиқод эҳтиёжлари ва меъёрларига мос равишда тегишли раҳбарларни тайёрлаш, тайинлаш, сайлаш ёки ворислик асосида тайинлаш;

- дин ёки эътиқод қоидаларига мувофиқ равиша дам олиш кунларига риоя этиш, байрамларни нишонлаш, маросимларни бажариш;

- миллий ва халқаро даражада дин ва эътиқод соҳасида алоҳида шахслар ва жамоалар билан алоқалар ўрнатиш;

- дин ва эътиқод субъектларига тааллуқли ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ конституциявий ва ҳуқуқий қоидалар.

Бундан ташқари бу масала яна бир мураккаб ҳодиса – турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутади. Зеро, одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшайдилар. Ҳар кимнинг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади.

Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари “виждон эркинлиги” тушунчасини илмий талқин қилишда миллий, мафкуравий ва маданий омилларни ҳам назарда тутиш керак.

Шу жиҳатдан 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳар бир фуқаро учун виждон эркинлиги ҳуқуқининг кафолатланиши табиий ҳолдир. Яна бир мұхим томони – кейинги йилларда давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда салмоқли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги ўрни тикланмоқда. Диний уюшма ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатишларига имконият яратилмоқда. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар очилмоқда. Диний

ташкилотларнинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда.

## **8.2. Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тузилиш шартлари**

**Таянч иборалар:** диний ташкилот, руҳоний, масжид, чerkov, синагога

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган давлат ва жамият қурилишининг бош мақсадлардан бири – инсон фаровонлиги таъминланган, ижтимоийadolat ва қонунийлик устуворлик қиладиган, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига асосланган жамиятни барпо этишдир. Бу, энг аввало, юксак маънавият ва ҳурфикрлиликка асосланган, виждан эркинлиги амалда барқарор бўлган жамиятни барпо этиш демакдир. Бундай жамиятни қуриш эса, биринчи навбатда, кенг маънодаги виждан эркинлиги, жумладан, диний эътиқод эркинлигини таъминлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ушбу ҳаётий масалага умумэътироф этилган демократик тамойиллардан келиб чиқиб ёндашилган.

Том маънодаги виждан эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш ва амалда таъминлаш учун Ўзбекистонда тўлақонли ҳуқуқий тизим яратилган. “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририга (1998 йил, 1 май) кўра, “виждан эркинлиги” фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Шу маънода, ҳуқуқий категория сифатида виждан эркинлиги, бир томондан, эътиқод эркинлигини, иккинчи

томондан эса, ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини ифода этади.

Ахлоқий нуқтаи назардан виждан эркинлиги – бу муайян инсоннинг фикрлаш тарзи ва шахсий маънавий эътиқодига мос хатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир. Дунёнинг турлитуман мамлакатларида, узоқ тарихий даврлар давомида, оламнинг яратилиши ва ривожланиши, кўпинча, диний тасаввурларга асосланган тарзда изоҳдаб келингани яхши маълум. Бироқ илм-фан тараққиёти мазкур ҳодисаларнинг дунёвийликка асосланган тушуниш тамойилини тадрижий равишда кучайтириб борган. Ҳар бир шахс эркин фикрлаш ва қонун доирасида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши натижасида умумий тараққиёт жадаллашган.

Шундай қилиб, виждан эркинлиги уч жиҳатни англатадиган ҳуқуқий категорияга айланиб қолди:

Биринчиси - муайян шахс худога ишониши, хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин.

Иккинчиси - худога ва динга ишонмаслиги, уларга нисбатан бетараф бўлиши мумкин.

Учинчиси - даҳрий, яъни ҳеч бир динга эътиқод қилмайгина қолмасдан, балки уларни инкор этиши мумкин.

“Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар бир фуқарога санаб ўтилган уч имкониятдан хоҳлаганини, ҳеч қандай тазийкларсиз, онгли равишда танлаб олишни кафолатлади.

Мустақиллик йилларида виждан эркинлиги принципларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш давр, кундалик ҳаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонунни қабул қилди. 1998 йилда бу қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 15 май куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур Қонун 23 моддадан иборат. Унинг 1-моддасида ушбу қонуннинг мақсади нималардан иборат эканлиги очиқ ва равшан баён этилган: “Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждан эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат”.

Қонуннинг 3-моддаси виждан эркинлиги ҳуқуқи ҳақида бўлиб, унда ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқ эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан кафолатланиши таъкидланди.

4-моддада фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги ҳақида сўз боради. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Виждан эркинлиги ҳақидаги Қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганилиги кўрсатилган. Бу дегани давлат диний масалалар билан шугулланмайди, диний ташкилот ва диний бошқарма ишларига аралашмайди. Дин ва диний ташкилотлар ҳам давлат ишларига аралашмаслиги лозим. Лекин диний ташкилотлар жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, мазкур моддада давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-куватлаши, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга, хусусан, бир диний конфессиядаги диндорни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, миссионерликка йўл қўйимаслиги таъкидланган.

**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.** Диний ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар тузиш, республикадан ташқаридағи диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини очиш ман этилади.

Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатларо адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатта, жамият ва шахста қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа гаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг бундай фаолиятлари тақиқланади.

Фуқаролар динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллаши мумкин. Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийларни ва ўзларига зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақди. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний таълим берувчилар маҳсус диний маълумоти бор кишилар бўлиб, болаларни ўқитиш учун диний бошқарманинг ёки марказнинг рухсатномасига эга бўлиши

керак. Хусусий диний таълим беришга йўл қўйилмайди. Бу қонун-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавобгардирлар.

Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

Диний ташкилот – бу маълум динга ишонувчилар ва уларнинг жамоалари уюшмасидир (масжид, черков, синагога, диний ўқув юртлари ва ҳ.к.). Уни ташкил этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 100 киши аъзо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси 18 ёшга тўлганидан кейин маълум диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкий хайриялардан, шунингдек, фуқаролардан тушган маблағлардан давлат солиги ундирилмайди.

Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан таъқиқланмайди. Қонуннинг З-моддасида кўрсатилишича, динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий ҳавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар давлат, жамоат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи-хизматчилари билан баравар солик тўлайдилар, ижтимоий таъминланиш ва сугурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар. Умумий асосда нафақа олиш ҳуқуқига эгалар.

Қонуннинг охирги 23-моддасида “Виждан эркинилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни бузган кишилар қонун олдида жавоб берилшари кўрсатилган.

Конституцияда ҳурфикарлилик, виждан ва диний эътиқод эркинилиги масалаларига катта эътибор берилган. Унда диннинг тарбиявий аҳамиятига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Унинг ҳудудида 15 та диний конфессия вакиллари истиқомат қиласидар. Юқоридаги қонунда келтирилганидек, улар Конституция олдида ҳуқуқ ва мажбурият юзасидан тенгдирлар. Конституциянинг 12-моддасида таъкидланишича, ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмес. Шунга кўра ҳеч қандай конфессия бошқаларидан устун деб қаралиши ёки уларга ўз таъсирини ўтказишга интилиши мумкин эмес.

### **8.3. Диний экстремизм ва фундаментализм**

**Таянч иборалар:** фундаментализм, диний фанатизм, диний терроризм, диний экстремизм

Диний экстремизм – муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолияти мафкураси. Фанатизм ўз ақидасининг шакшубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирм ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни бузишда айблаб, уларга қарши уруш очишга чақирадиган омиллардандир. Диний фанатизм диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлади.

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикри илгари сурувчилар йўналиши.

Диний фундаментализм – ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, ваҳй ва мўъжизаларнинг муқаддас китоблардаги баёнининг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай мажозий талқинига муросасиз, сўзма-сўз талқинга асосланган эътиқодни ақлаға таянган мантикий далиллардан устун қўядиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган истилоҳдир.

Фундаментализм ибораси илк бор I жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса, Библияning мутлақ мукаммаллигига ишонишни мустаҳкамлашни, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб, 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб эса бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошланди. Ислом фундаментализми замонавий исломдаги уч йўналишдан биридир (қолган иккитаси – традиционализм ва модернизм). Ислом фундаментализмининг асосий гояси – “соф ислом” принципларига қайтиш, мақсади “исломий тараққиёт” йўлини жорий этишdir.

XX асрнинг 80-90-йилларида бутун дунёда диний омилнинг фаоллашуви собиқ советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди. Бу давр жамият тараққиётида, бир жиҳатдан, диний эътиқоднинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги табиий мавқеи тикланаётган, иккинчи томондан, мазкур асосда айрим мафкуравий зиддиятлар туғилиши вақти бўлди.

Асосий қонунимизда яна шу нарса қатъий қилиб белгилаб қўйилганки, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (57-модда).

Ўрта Осиёдаги республикалар ўз мустақиллигига эришиши ва унинг мустаҳкамланиши даврида “ислом омили”, “ислом уйғониши”, “қайта исломлашиш”, “ислом феномени” каби иборалар тобора кўпроқ ишлатилиб, бу ҳол уларнинг беқиёс фаоллашувини ўзида акс эттирди. Бунга сабаб собиқ совет иттифоқининг мафкуравий тасаввур ва қадриятларининг емирилиб, муайян вақт давомида ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш эҳтиёжи эди. Коммунистик мафкура маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзига хос мутаассиблиги ва муайян миллатлар манфаатларига қарши қаратилганлиги шўро ҳокимииятидан кейин бу ҳудудда диний фундаментализм учун қулай шароит яратди.

Собиқ Иттифоқдаги ҳукмрон партиянинг намояндалари диний жамоаларни ҳалқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблаши диннинг чекиниши ва ҳатто унинг муайян маънодаги мухолиф кучга айланишига олиб келди. Диннинг доимий таъқиб остида бўлиб келгани, ислом дини энг салоҳиятли уламоларининг қатағон қилиниши, минглаб масжид ва мадрасаларнинг бузиб ташланиши диний таассубни йўқотишга эмас, балки унинг илдизларини озиқлантирувчи хатарли омилларнинг кучайишига олиб келди. Миллатлар орасида ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш кучайди.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳди迪 ақидапарастликни ёйиш, бу йўл билан мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўқотишга уринишида ўзини намоён этмоқда. Бундай гуруҳлар мустаҳкамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, миллатлар ва фуқаролараро тутувликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқдалар. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини, эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган сабый-ҳаракатларни амалга ошироқдалар.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний аҳлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқатвор қоидаларига айлантирган.

### **Саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. Диний эътиқод эркинлиги ҳақида Конституциянинг қайси моддасида сўз юритилади?
3. “Диний ташкилотлар” деганда нималар назарда тутилади?
4. Диний секталарнинг сиёсий фаолиятига таъриф беринг?
5. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?
6. Экстремистик гуруҳларнинг мақсадлари нималардан иборат?

### **Мустақила иш мавзулари**

1. Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний ташкилот тўғрисида қабул қилинган қонунни ўзига хос омиллари
2. Ноанъанавий диний ташкилотлар ва уларнинг фаолиятлари

## **Кўшимча адабиётлар**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
5. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга, ҳамжиҳаталигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликла-ри – олий қадрият. 14-ижлад. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
8. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
10. Абдуллажонов О. Диний ақидапарстликнинг келибчиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.
11. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Т.: Мовароунаҳр, 2003.
12. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
13. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз

жавоб). – Т.: “Тошкент ислом универстети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.

14. Ёшларни бузгунчи гоялардан асрап: Муаммо ва ечимлар. – Т.: Зарқалам, 2006.

15. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000.

16. Ислом. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

17. Каримов А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд “Ҳизбут-таҳрир”нинг даъволари хусусида мулоҳазалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

## **Мундарижа**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. ИСЛОМНИНГ ИЛҚ ДАВРИ ТАРИХИ .....</b>	<b>5</b>
1.1. Қадимги Арабистондаги динлар .....	5
1.2. Макка тарихи ва илқ Пайғамбарлик даври .....	7
1.3. Мадинаға ҳижрат ва илқ теократик давлатнинг пайдо бўлиши.....	14
<b>2-БОБ. ҚУРЪОНШУНОСЛИК.....</b>	<b>26</b>
2.1. Қуръон сура ва оятлари .....	26
2.2. Қуръони каримнинг жамланиш босқичлари .....	28
3. Қуръонда ақидавий, фикҳий масалаларнинг ёритилиши.....	30
<b>3-БОБ. ҲАДИСШУНОСЛИК .....</b>	<b>32</b>
3.1. Ҳадис ва улар ҳақидағи фикрларнинг вужудга келиши .....	32
3.2. Ҳадис илмларининг ривожланиш босқичлари.....	35
3.3. Ҳадисларни илм сифатида шаклланиши.....	39
3.4. Ҳадис илмининг ривожланиши .....	45
<b>4-БОБ: АҚИДАВИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ВА ГОЯВИЙ ОҚИМЛАР .....</b>	<b>48</b>
4.1. Калом илмининг юзага келиши.....	48
4.2. Калом илмининг Мовароуннаҳдаги ривожи.....	49
4.3. Абу Мансур ал-Мотурийдининг илмий мероси.....	52
<b>5-БОБ. ФИҚҲ МАКТАБЛАРИ .....</b>	<b>57</b>
5.1. Ислом ҳуқуқида ижтиҳод ва фикҳий мактабларнинг пайдо бўлиш сабаблари.....	57
5.2. Ҳанафий фикҳ мактаби.....	59
5.3. Шофиъий фикҳ мактаби .....	62
5.4. Моликий фикҳ мактаби .....	65
5.5. Ҳанбалий фикҳ мактаби .....	68

<b>5.6. Шиалик фикъ мактаби .....</b>	<b>70</b>
<b>6-БОБ. ТАСАВВУФ .....</b>	<b>80</b>
6.1. Тасаввуф таълимотининг вужудга келиши.....	80
6.2. Марказий Осиё тасаввуф мактаблари.....	83
6.3. Тасаввуфга оид тушунчалар: ҳол, фано, бақо, кашф, илҳом, зовия ва хонақоҳлар.....	85
<b>7-БОБ. ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МУТААССИБЛИК .....</b>	<b>92</b>
7.1. Бағрикенгликнинг ижтимоий-тарихий мөдияти .....	92
7.2. Диний бағрикенгликнинг мазмуни.....	95
7.3. Мутаассибликнинг ғайриинсоний мөдияти.....	97
<b>8-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР .....</b>	<b>101</b>
8.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томони- дан виждон эркинлигининг кафолатланиши .....	101
8.2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тузиш шартлари .....	107
8.3. Диний экстремизм ва фундаментализм.....	112

# **ИСЛОМШУНОСЛИК АСОСЛАРИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2012**

**Муҳаррир: Б.Эралиев  
Саҳифаловчи: З.Улугбекова**

Босмахонага 2011 йил 22 декабрда берилди.  
Бичими 84×108 ½2 Шартли б.т. 6,30. Нашр т. 6,40.  
Адади 50 дона. Буюртма № 09  
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

